



R 457  
1980/5

ноб-29



Трустол  
5  
1980





Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

Яшасин Совет Иттифоқи барча миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги ва метиндек бирлиги!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз! Ривожланган социализм имкониятларини тўлиқроқ юзага чиқарингиз!


Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

*КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 1 Май Чақириқларидан.*



Хусниддин ШАРИПОВ,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати



## Шонли йўлнинг давоми

Кимдир йўл юриб ёзар,  
Кимдир ёзар дон сочиб,  
Парвозда ёзар кимдир  
«Тақдир» деган иншони.  
Ҳисоб қилса оталар  
Бисот қутисин очиб,  
Кафт узра бўлар пайдо  
Гвардия нишони.

Одий сийлов эмас бу,  
Еки жўн безак эмас,  
Уни, амалдан афзал  
Унвон, демак тўғридир.  
Тошга ўйилган каби  
Қалбга ўйилган бу дарс  
Ва ёшлиқда туғилган  
Етукликнинг муҳридир.  
Офтоб кеча қай тахлит  
Сепган бўлса зарини,  
Эртага ҳам белгиси  
Яшар сув ва гиёҳда.  
Оталарнинг ёшлиги

Маркс ғояларини  
Маркс ватанигача  
Қайта элтди пиёда.

Экар совет кишиси  
Заҳмат чекиб шундайин  
Ер, фазо ва дилларга  
Инсофнинг уруғини.  
Қаранг, ҳаволаб борар  
Орзу-ҳавас кун сайин,  
Эллар — қаддин кўтарар,  
Гуллар — қирмиз туғини.

Оталар юкин олиб,  
Утдик бугун олдинга,  
Мураккабдир ҳали ҳам  
Шонли йўлнинг давоми.  
Шухрат талаб қилмаймиз,  
Уч эмасмиз олтинга,  
Биздан мерос қолса бас  
Гвардиячи номи.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали



№ 5 (363)

Май

1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти.

# ХАЛҚНИНГ

# БУЮК ЖАСОРАТИ

9 май — Ғалаба куни Ватанимиз учун ҳамиша муқаддас бўлиб қолади, халқимиз 1945 йилнинг музаффарона май кунларини сира ёддан чиқармайди. Уша тарихий баҳор кунлари кўплаб қурбонлар берилган улуғ кураш йўли оламшумул зафаримиз билан хотимланган эди. Бизлар бир-биримизни байрам билан қутлар эканмиз, жангларда она юрт учун жон қидо қилган ватандошларимизни эҳтиром билан хотирлаймиз. Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг шу сўзлари нақадар ҳаққоний: «Ғалабани байрам қиларканмиз, халқимизнинг қандай фазилатлари душманни энгишимизда мадад берганини эслайлик. Бу — сабот. Мардлик. Буюк матонат. Ватанимизга муҳаббат. Уруш ўтида синалган ана шу фазилатлар бизга ҳамиша ҳамдам бўлсин. Ана шунда бизга ҳамиша ғалаба ёр бўлади».

Қарийб бутун Европани асоратга солган Гитлер галаси 1941 йилнинг 22 июнь кунини Октябрь ватани Совет Иттифоқига қўқисдан хоинона ҳужум қилди. Европадаги урушда тажриба орттирган, бизга қараганда куч ва сон жиҳатидан деярли икки баробар устун, беш миллионли қўшинга эга бўлган вермахтнинг мақсади — социалистик тузумимизни йўқ қилиб ташлаш, Совет Иттифоқи халқларини асоратга солиш, мамлакатимиз бойликларини талон-торож қилишдан иборат эди.

Дарҳақиқат, унутилмас 1941 йили жаҳон аҳли бизга кўз тикиб турарди. Биз бардош бераоламизми, ё бунда ҳам фашистлар устун келадими? Бу омонсиз тўқнашув биз учун буюк синов эди. Бу курашда ижтимоий тузумимизнинг, коммунистик маънавиятимизнинг ҳаётийлиги, иқтисодий қудратимизнинг, миллатларимизнинг якдиллиги, хуллас, Улуғ Октябрдан сўнг нималар барпо этган бўлсак, шуларнинг барчаси синовдан ўтмоғи керак эди. Душманларимиз урушнинг дастлабки ойларидаёқ ҳайратга тушганини вермахтнинг штабчи генерали К. Типпельскирхнинг шу фикрлариданоқ аён кўрса бўлади: «Руслар уларни ҳатто айланиб ўтиб қуршаб олган тақдиримизда ҳам қутилмаган қатъият ва матонат кўрсатдилар. Улар фурсатдан ютиб чиқдилар ва қарши зарба бериш учун мамлакат ичкарисидан янгидан-янги эҳтиёт кучлар олиб келдиларки, булар фараз қилинганидан кўра кучлироқ эди. Руслар қаршилик кўрсатишда мутлақо ақл бовар қилмайдиган салоҳиятга эга эканлигини намойиш этди».

Гитлерчилар урушнинг илк кунлариданоқ Қизил Армия қақшатғич зарбаларининг кучини татиб кўрди. Омонсиз мудофаа жангларида душманнинг сараланган дивизияларини яқсон қилдик. Брест, Киев, Одессанинг қаҳрамонона ҳимоя қилиниши, Ленинград ва Севастополь ҳимоячиларининг мислсиз матонати гитлерчилар қўмондонлигининг хом хаёлларини пучга чиқарди. Немис-фашистларнинг Москва бўсағаларида тор-мор этилиши эса урушнинг боришида кескин бурилиш даврининг ибтидоси бўлди. 1942—1943 йилларда Қуролли Кучларимиз Сталинград бўсағасидаги буюк жангда, Кавказ учун олиб борган жангда ва Курск бўсағасидаги жангда эришган мислсиз ғалабалари туфайли Улуғ Ватан уруши ва умуман иккинчи жаҳон урушининг боришида кескин бурилишга эришилди. Фашизм устидан тўла-тўқис ғалаба қозонишимизда совет қўшинларининг Ленинград бўсағаларидаги, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтик бўйидаги ва Висла ҳамда Дунайдаги ҳужум операциялари муҳим аҳамиятга эга эди. Берлиндаги улуғвор операция гитлерчилар Германиясини тор-мор этиш билан яқунланди. Совет солдати маҳв бўлган рейхстаг устига Ғалаба байроғини тикди.

Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабада ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Тарихни бўяб кўрсатишга уринадиган буржуа қаллоблари буни инкор этишга нечоғли уринмасинлар, ҳақиқатни фактлар аён кўрсатиб турибди. Агар Америка-Англия қўшинлари гитлерчилар Германияси ва унинг шерикларига қарши курашда душманнинг



176 дивизиясини сафдан чиқарган бўлсалар, совет-герман frontiда эса фашистлар коалициясининг асосий кучларини ташкил этадиган 607 дивизия тор-мор этилган эди.

Совет Армияси шунингдек империалистик Японияга ҳам қақшатғич зарба берди. Совет Қуролли Кучлари Мўғулистон Халқ Республикаси қўшинлари билан биргаликда 23 кун мобайнида миллионли Квантун армиясини тор-мор этди. Қуролли Кучларимиз Ватанимизни душмандан ҳимоя қилибгина қолмай, ўз интернационал халоскорлик бурчинини ҳам шараф билан адо этди. Совет Армияси Польша, Чехословакия, Югославия, Руминия, Болгария, Венгрия, Австрия, Норвегия, Хитой ва Корея халқларига озодлик олиб келди.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси жаҳонда биринчи социалистик давлатимизнинг ҳаётийлиги ва энгилмаслигини аён исботлаб берди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги ғалабасининг 30 йиллиги ҳақида» деб чиқарган қарорида айтилганидек, бу ғалаба Октябрь вужудга келтирган янги ижтимоий ва давлат тузумининг, социалистик экономиканинг, марксизм-ленинизм идеологиясининг, совет жамияти маънавий-сиёсий якдиллигининг, СССР халқлари мустақкам дўстлигининг тантанасидир. Бу ғалабанинг бош ижодкори тарихда мислсиз жасорат кўрсатган совет халқидир. Ғалабамизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир.

Уруш йиллари Коммунистик партиямиз чинакам жанговар курашчи партия сифатида иш олиб борди. Партия ташкилотлари Совет Армиясига энг яхши фарзандларини йўллади. Улар орасида область, шаҳар, район комитетларининг секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари озмунча эмас эди. Ўзбекистон партия ташкилотларидан 1941 йили армияга 23860 коммунист кетган эди. Ватанпарварликнинг қудратли тўлқини барча Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйлаб, Урта Осиё округи қўшинлари бўйлаб кенг ёйилди. Барча совет халқи каби Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон Қирғизистон меҳнаткашлари, округ жангчи-

лари ҳам душманга қарши ғалаба қозонгунча жанг қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон меҳнаткашларининг миллий қисмлар тузиш борасидаги ватанпарварлик ташаббуслари буюк аҳамиятга молик воқеа бўлди. Давлат Мудофаа Комитети халқимизнинг бу ташаббусини маъқуллаб, миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Урта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда бир қанча миллий қўшилмалар алоҳида қисмлар тузилди. Республикаларнинг партия ташкилотлари бу қисмларга халқимизнинг қаҳрамонона жасорат кўрсатишга қодир энг ажойиб фарзандларини йўлладилар. Қисмлар ва бўлинмаларда партия ва комсомол ташкилотлари барпо этишга алоҳида аҳамият берилди. Жангчилар урушда зарур бўладиган кунт ва сабот билан барча билим, малака ва амалий тажрибаларини оширдилар.

Ана шундай жанговар тайёргарлик кўрган қўшилмалардан бири — 94-ўзбек миллий ўқчи бригадасининг шахсий состави Улуғ Ватан уруши фронтларида шараф билан жанг қилди. Бригаддан ажойиб командирлар етишиб чиқди. Бригада арtilлериясининг командири Файзулла Норхўжаев кейинчалик генерал-лейтенант, Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари бўлиб ишлади. Автоматчилар ротасининг командири Собиржон Охунжонов ҳозир генерал-майор, УзССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи.

Округимиз жангчилари Улуғ Ватан уруши йилномасига ўз жасоратлари билан шонли саҳифалар ёздилар. Туркман йигити, сержант Қурбон Дурди 1941 йили Прут дарёсида ўз бўлими билан душман взводини тор-мор қилиб, қимматли маълумотлар олиб келгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1941 йилнинг кузидаги оғир жанглардан бирида душманнинг ўт очиш нуқтаси билан тўққиз фашистни яқсон қилиб, учта гитлерчини асир олган ўзбек йигити Қўчқор Турдиев ҳам ана шу юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимиз пойтахти Москвани душмандан мудофаа қилиш учун олиб борилган жангларда округимизда тузилган 316-ўқчи дивизия ўзини шон-шухрат билан буркади. Дивизия кўплаб миллат фарзандларидан таркиб топган, унга Урта Осиёда граждандар урушининг ва босмачиларга қарши курашнинг актив иштирокчиси генерал-майор И. В. Панфилов командирлик қилар эди. Панфиловчилар сабот ва матонат билан мудофаа жанглари олиб бориб, бошқа қўшилмалар билан ҳамкорликда душманнинг пойтахтга ёриб ўтиш режаларини чиппакака чиқардилар. Немисларнинг 50 танки билан баҳодирона олишган 28 панфиловчининг мислсиз жасорати жаҳон аҳлини ҳайратга солди. Бу кўп миллатли бўлимининг пўлат зирхли йиртқичга қарши жанги эди, бу жангда миллатлар дўстлиги пўлатдан устун келди.

Бу жасоратдан Америка матбуоти ҳам қойил қолган эди. Урта Осиё бўйича мутахассис тарихчи Уильям Мендель шу муносабат билан бундай деб ёзган эди: «Урта Осиё халқларининг совет тузумига янги муносабатини ҳаммадан кўра ҳам шу факт намойиш этадики, Москва 1916 йили сафарбар этишга уринганларга қарши қўлларидан қурол билан кўзғолон кўтарган осийликларнинг фарзандларидан ташкил топган Панфилов дивизиясининг қаҳрамонлиги туфайли пойдорлигича омон турибди. Худди ана шу дивизиянинг 28 қизил аскарини немислар танк колоннасининг Москвага ёриб ўтишига тўсқинлик қилди».

Америка тарихчиси ўз синфий маҳдудлиги доирасидан чиқа олиб, «Совет миллий сиёсати энг қийин имтиҳондан — уруш имтиҳонидан ўтди», деган эди. У яна: «Совет Урта Осиёсидаги тараққиёт миллий сиёсат самарасидир... Улканнинг сиёсий ва маданий ҳаётида миллий онгининг рафбатлантирилиши ташаббус, ижодий ғайратнинг жўш уришига йўл очиб берди, — дея этироф қилади ва давом этади: — Бугун ўзбеклар қурол

# АФСОНаВИЙ ТЎП КОМАНДИРИ

ва қалам билан, ҳарбий маҳсулот етиштирадиган дастгоҳлар ва қишлоқ хўжалик комбайнлари билан Гитлерга қарши жанг қилмоқдалар...»

Дарҳақиқат, Совет Ўзбекистони уруш йиллари Совет Армиясини кўплаб турдаги жанговар техника ва қурол билан таъминлаган аслаҳоналардан бири бўлди. Уруш йиллари республика меҳнаткашлари фронтга кўплаб самолёт, мотор, снаряд, мина, бомба, пахта, ғалла, озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб берди. Совет халқининг меҳнатда кўрсатган жасорати фронтчиларни немис-фашист босқинчиларига қарши курашда қаҳрамонона ишларга илҳомлантирди. Мамлакат ичкарисидагилар фронтдагиларга моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мадад берардилар. Жангчиларга ёзилган хатларда совет кишилари уларни Ватанимизни фидокорона ҳимоя этишга даъват этардилар: «Халқимизнинг азиз фарзандлари!.. Бутун ўзбек халқининг умид тўла нигоҳи сизларда!.. Ватанимиз учун, озодлигимиз учун жондан кечиб жанг қилинглари!..» Фронтчи жангчилар ҳам меҳнаткашларнинг ғам-хўрликларига жавобан ўз самимий миннатдорчиликларини изҳор этардилар. Улар, жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига шундай хат йўллаган эдилар: «Ўзбекистон XX йиллиги» танкларига жангда қатнашган биз жангчилар ва офицерлар душманнинг ҳар қандай мудофаасини ёриб ўтиб қақшатқич зарба беришга қодир, тезюрар танклар етказиб берганликлари учун Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига чексиз миннатдорчилик изҳор қиламиз».

Совет халқи буюк ва мислсиз жасорат кўрсатди. Коммунистик партия раҳбарлигида кучли ва шафқатсиз душмани тўхтабди улоқтириб ташлади, урушда кескин бурилиш ясаб, оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ғалабага эришди.

СССР халқларининг уруш йилларидаги мислсиз жипслигига мамлакатимиз ичкариси билан армиямизнинг яқдиллиги уйғун ва монанд эди.

Инсоният икки жаҳон урушидан буён босиб ўтган йўлга назар ташласак, давримизнинг кўпгина жиҳатлари халқларнинг тақдирлари тарихда энг қонли, энг ҳалокатли бўлган урушнинг жанг майдонларида ҳал қилинаётган кунларда вужудга келган жараёнлар таъсирида шаклланиганини кўраемиз. Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси ва милитаристлар Японияси устидан ғалабаси инсоният тарихида бошланган энг катта давр бўлиб қолди. «XX аср даври» бизнинг мамлакатимизда 1945 йили март ойидаги энг йирик ўзгаришларнинг бошида бўлди, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. — 1917 йили Октябрь ғалабаси инсониятнинг янги тарихий даврга қадам қўйганидан хабар берганида шундай бўлган эди. Совет Иттифоқи кескин роль ўйнагани туфайли 1945 йили фашизмнинг тор-мор этилиши бутун планета бўйлаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар қудратли тўлқинини кўтарган, бутун дунёда тинчлик кучларини муштақамлашга олиб келганида шундай бўлган эди».

Мамлакатимизнинг революцион тажрибаси, социалистик давлатимизни қурол билан ҳимоя қилиш тажрибаси — совет халқининг, партиямизнинг, Қуролли Кучларимизнинг бебаҳо бойлигидир. Унинг аҳамияти бизгагина молик эмас. У ҳозир ўз ижтимоий озодлиги учун империалист тажовузкорларга қарши курашаётган барча халқлар учун ҳам муҳимдир. Жаҳондаги барча тараққийпарвар халқлар Советлар мамлакатининг тарихий жасоратлари ва ишларига, унинг фашизм устидан ғалабадаги ҳал қилувчи ҳиссасига чуқур самимият ва эҳтиром билан қарайдилар.

Ватанга муҳаббат — мардлик ва қудрат манбаи, меҳнат ва жангда жасорат кўрсатиш манбаидир. Ана шу олижаноб туйғуни, социализм истиқболи, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, дахлсизлиги учун масъулият туйғусини вояга етказишдан муҳимроқ ва шарафлироқ иш йўқдир. Бу фикр Леонид Ильич Брежневнинг партиямиз XXV съездидаги докладыда бор кучи билан янгради: «Меҳнаткашларнинг, аввало ёш авлоднинг онгига совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, совет мамлакати билан, Ватанимиз билан фахрланиш, социализм ютуқларини ҳимоя қилишга тайёр туриш ғояларини сингдириш партиямиз олдидаги энг муҳим вазифалардан бири эди ва шундай бўлиб қолади».

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасига 35 йил тўлган тантанали кунларда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи шахсий состави она юртимизнинг жанубий чегараларини дахлсиз сақлашга жонажон Ватанимизни яна бир бор қатъий ишонтиради. Оталарнинг оламшумул шон-шўхрати Ватанимизнинг навқирон посбонларини кундалик жанговар таълим ва хизматда ҳарбий маҳоратнинг янги чўққиларини эгаллашга, социалистик мамлакатимизга, коммунизм кураётган халқимизга садоқат билан хизмат қилишга илҳомлантиради.

**Ў** У Тўп гвардиячи Перекоп дивизияси сафида Сталинграддан Севастополгача бўлган жанговар шўхрат йўлини босиб ўтган. Ўзбекистонлик Жуманазар Ҳожиёв командирлик қилган бу тўп расчёти турли миллат вакиллари билан иборат эди: нишонга олувчи Тошбулат Қўчқорбоев — қозоқ, ўнг ўқловчи Константин Елистратов — чуваш, сўл ўқловчи Александр Карташёв — рус. Бу интернационал расчёт биргина Волга бўйидаги қаҳрамон Сталинград шаҳри учун бўлган жангларда душманнинг етти танки, ўн тўрт автомашинаси, тўққиз пулемёт нуқтаси ва икки кузатиш пунктини ер билан яқсон қилган.

Экскурсовод аёл тўпнинг орқа томонида турган каттақон альбомга ишора қилиб, сўзида давом этди:

— Мана шу альбом — бу афсонавий тўп солномасидир. Қизиқувчилар варақлаб кўришлари мумкин. Тўп командири гвардиячи старший сержант Жуманазар Ҳожиёв Севастополда ушбу бўлган жангларда

Орқароқда туриб, экскурсоводнинг ҳикоясини ҳаяжон билан, изтироб билан тинглаётган ўрта бўйли, кўзлари катта-катта, чорпақил, буғдойранг киши полни гурсиллатиб, олдинга ўтди. Унинг кўксига Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари, қатор медаллар порлаб турарди.

— Йўқ, тўп командири Жуманазар Ҳожиёв ҳам, унинг сафдошлари ҳам тирик.

Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Ҳарбийча шиддат билан талпиниб, тўпни қучоқлаб олган ҳалиги киши ўзини босолмас эди:

— Бу — бизнинг қадрдонимиз, қанча-қанча шаҳарларга биринчи бўлиб кирган, бошқаларга йўл очиб берган азаматимиз. Ҳар бир мурватида қўл-

ларимизнинг изи бор. — У бошини кўтариб, нима бўлаётганига тушунолмаётган экскурсовод аёлга юзланди. — Мен, сиз: «Халок бўлди», деган Жуманазар Ҳожиёв бўламан. Бу — менинг тулпорим. — У худди ўз сўзини далилламоқчи бўлгандек, ҳаяжонини босолмай ёнини кавлаб, ҳужжатларини олди...


Ҳа, у тирик. Она қишлоғи — Сирдарё областининг Ховос районидаги Чаканд қишлоғига 1945 йилнинг августида кириб келганида, ҳамқишлоқлари ҳам, — худди ҳозиргига ўхшаб, — Жуманазар Ҳожиёв тирик эканига ишонмаган эдилар... Севинчдан ҳамма билан йиғлаб кўришаётган Жуманазар уч ўғлидан бирин-кетин жудо бўлиб юракбағри куйган ота-онаси ва умр йўлдоши Бихол оламдан ўтганини, акаси Абдусалом ва укаси Маманазар урушда ҳалок бўлганини билмас эди. Одамлар орасидан уларни қидираб, ўғилчаси Бекназарни бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпар эди

...Икки ўғлини жангга қузатиб юбасини, ҳар бири ўзига ўқловчи ҳола Жуманазарни ўз ихтиёри билан урушга бормоқчи эканини эшитиб, ёқачок бўлди. «Ака-укангдан ақалли хат йўқ, сен ҳам кетсанг, бизни адоий тамом қилмайсанми, болам!», деб ўғлини бағридан бўшатмай уввос солиб йиғлар эди онаизор.

— Душманни енгиш учун ҳаммамиз курашимиз керак. Йиги ўрнига менга оқ йўл тиланг, онажон, омад тиланг!

Руқия хола ўғлининг кўнгли учун кўз ёшларини артиб, «Ой бориб, омон кел», деса-да, тинмай йиғларди. Жуманазар ҳарчанд илтимос қилмасин, Чаканддан Ховос станциясигача пиёда эргашиб борди. Фарзандини ёнидан бир қарич нари кетказишга кўзи қиймасди, қайта-қайта пешанасидан ўпиб:

— Ўзингни эҳтиёт қил, ўтлингини ташла, уруш



Ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши ветеранлари СССР Қуролли Кучларининг Марказий музейи залларида — гвардиячи старший сержант Жуманазар Ҳожиёв командирлик қилган тўп олдида.

бебошликни кўтармайди,— деб насиҳат қилар эди. Жуманазар билан бирга кетаётган ҳамқишлоқлари Рўзибой Маҳкамов, Аъзамжон Носиров, Имомназар Хоназаров, Дўлтабой Жабборовга:— Сизлар — каттароқ, бунга эҳтиёт бўлинглар, ўзини ўт-сувга ураверади...— деб тайинлар эди.

Ховосдан саҳарда жўнайдиган бўлдилар. Жуманазар уч кеча-кундуз бадалида эндигина мизиган онасини безовта қилгиси келмай:— Майли, бувимни уйғотиб ўтирманг, дада,— деди тугунини қайта боғлаётган отасига.

— Э, болам, онангинг кўзига уйқу келадими?— деб ўрнидан турди ота-боланинг гангир-гунгуридан уйғониб кетган Руқия хола.— Аканг билан Маманазар уканг кетганидан бери менда уйқу борми!..

Ҳаво совуқ бўлса-да, вокзал саҳни одамга тўлиб кетган. Жуманазарнинг кўзи онаси ёнида турган Бихолга тушдию лол бўлиб қолди. Ахир, уни Чакандда қолдириб келишган эди-ку? Қачон, қандай қилиб етиб келди? Кошки оғир оёқ бўлмаса...

— Ўртоқлар, сафга!— деган команда янгради. Жуманазар отаси, қайнатаси билан бел олиб хайрлашди. Она унинг юз-кўзларидан ўпар, йиғлар, кучоғидан бўшатмас эди. Жуманазар Бихолга: «Ўзингни эҳтиёт қил, чакки келибсан», деган маънода кўз қирини ташлади...

Жуманазар ҳамқишлоқлари Раҳмон Юсуфҷаев ва Рўзибой Маҳкамов билан бирга артиллерия қисмига тушди. 87-ўқчи дивизиянинг 192-артиллерия полки составида Ростов-Дон, Донбасс учун бўлган жангларда қатнашиб, бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди. Лекин ҳар гал жанг майдонидан ғолиб чиқди. Жуманазарни командирлар тайёрлаш курсига юбордилар. Замонавий артиллерия сирларини ўрганиб қайтган Ҳожиев танкка қарши отувчи 76-миллиметрли тўп командири қилиб тайинланди.

— Биз Сталинградни мудофаа қилаётган кўшинларимиз сафида жанг қилишимиз керак,— деди 192-гвардиячи артиллерия полкининг командири майор Подолич.— Топшириқ — масъулиятли, йўл — ушарли. Сталинградга душмanning энг сараланган кўшари ташлади...

Волга соҳилидаги шаҳарнинг ҳар бир қирраери учун ҳаёт-мамонт жанги борар, бу ердаги ҳар битта уй, куча, майдон ва тепалик истеҳкомга айланган эди.

Сердюков командирлик қилаётган батарея машҳур Мамай кўрғони яқинида душмanning ўтли ҳалқасига дуч келди ва жуда катта қийинчилик билан белгиланган позицияга ўтиб олди. Бир неча кунли йўл машаққати жангчиларни толиқтирди. Маккор душман худди шуни пайқагандек, артиллериячиларимизнинг қўлай жойлашиб олишига имкон бермас эди. Дарё томондан эсаётган аччиқ изғирин баданни тешиб юборгудек. Ҳаммаёқ қор. Шундай бўлса-да, Сердюков батареяси полкнинг бошқа қисмлари қўлай позицияга ўтишлари учун имкон яратди: Мамай кўрғонига борадиган йўлни сақлаб туриш ҳақидаги буйруқни адо этишлари керак эди. Жуманазар Ҳожиев командирлик қилаётган тўп расчёти биринчи бўлиб олдинги линияга чиқиб борди.

— Гвардиячи старший сержант Ҳожиев, сиз ўз жангчиларингиз билан бирга душмanning тепа орқасида туриб бизга қараб ўт оцаётган нуқтасини нишонга оласиз,— деди батарея командири Сердюков бошқа расчётлар ҳам белгиланган позицияга ўтиб олгач.— Лекин эҳтиёткорлик, аниқ нишонга олиш, ўқни исроф қилмаслик — асосий вазифа.

Батарея командиридан жанговар топшириқ олиб қайтган Жуманазар Ҳожиев ўз олдидарида турган вазифани қуролдошларига тушунтирди. Сўнг атрофга синчков назар солди: сутдек ойдин... Бундай пайтда душман қилт этган шарплани пайқаши ҳеч гап эмас. Қани энди ой тезроқ ботсаю тўпни душман позициялари яқинига олиб борсалар. Разведка маълумотларига қараганда, шу орадаги икки қишлоқда душмanning танк қисмлари ва миномёт батареяси жойлашган. Балки, улар ҳам ой ботишини кутаётгандир. Балки ҳужумга ўтишга юраклари дов бермай, кучларимизнинг олдинга силжишини пойлаётгандир... Жуманазар совуқдан ачишаётган юзларини ишқалаб, ўзича режа тузарди.


Унинг хаёлини Константин бўлди:

— Уфил муборак бўлсин, ўртоқ гвардиячи старший сержант!

— Раҳмат!— дедию шошиб ёнини пайпаслади Жуманазар. Донбассдан жўнашлари олдида қўлига келиб теккан хатга яна бир марта ҳаяжонланиб кўз югуртирди: «Ака, «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганингизни эшитиб хурсанд бўлдик. Суюнчи беринг: ўфил кўрдингиз. Икки ойлик бўлиб қолди. Адресингизни аниқлаёлмай вақтида хабар қилолмадик. Бувимнинг гапига қараганда, худди сизнинг болалигингизга ўхшар-



Жуманазар Ҳожиев.



Жуманазар Ҳожиевнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган мунофот варақаси.



Гвардиячи сержант Тошбулат Қўчқорбоев ва гвардиячи ефрейтор Константин Елистратов.

миш. Номини Бекназар қўйдик. Акажон, бизни соғинтирмай тез-тез хат ёзиб туринг. Бувим билан дадам жуда хавотирдалар. Абдусалом ва Маманазар акаларимдан ярим йилдан бери дарак йўқ. Душманинг енгиб, тезроқ қайтиб келинг», деб ёзган эди укаси Холиқназар.

Жуманазар Ҳожиев хатни қафтлари орасида бир зум тутиб турди-да, юзларига босди. Шу лаҳзада тун бағрини чок-чок этиб, мушак ёлқинланди. Жуманазар тўпга суянганича, мушак кўтарилаётган тепалик томон тикилди. «Тўп ўрнини тезроқ ўзгартиришимиз керак — душман нишонга олди», деган фикр хаёлидан ялт этиб ўтди.

— Олдинга!— деб буйруқ берди.

Хайрият, вақтида жилганлари! Бошларидан душман снарядлари физиллаб ўта бошлади. «Урушда тақдирингни лаҳзалар ҳал этади. Ким олдин бошласа, ўша ютади», деган эди полк командири Подолич Ростов бўсағаларидаги бир жангда. Ҳақ гапни айтган экан.

— Константин, Тошбулат, тўпни чапроққа буринглар,— деди душман миномёт нуқтасини аниқ нишонга олиб бораётган Ҳожиев.— Яқинлашиб қолдик, чамаси. Пулемёт товуши ҳам эшитилаётибди.

Командирнинг тахмини тўғри чиқди. Снарядлар олов пускириб уцаётган ўлим йўли бўйлаб, энди пулемёт ўқлари физиллаб ўта бошлади. Демак, душман билан оралари олтмиш-етмиш метр...

— Овозини ўчириб қўямиз, ўртоқ командир?— деди Тошбулат Қўчқорбоев.

— Арининг уясига чўп тикмоқчимисан? Қўявер, қайтанга йўлимизни ёритаётибди. Тумшугининг тагага бориб олайлик, онасини Учқўрғондан кўрсатамиз,— деди аста Жуманазар.

Ҳар қанча эҳтиётлик билан юрсалар ҳам, қор гичирлаб, ўнкир-чўнкир жойларда тўп ерга урилиб гулдираб кетар эди.

— Тўтанглар, бошқа расчётлардан узоқлашиб, яққаланиб қолмайлик,— деди командир немисларнинг бақириқ-чақириғи эшитила бошлаганда.— Константин, Тошбулат, тайёрланинлар. Ўт оч!

Батареянинг бошқа расчётлари ҳам ўт очди. Снарядлар душман томон уца бошлади. Ҳозиргина сайраётган пулемётнинг уни ўчди. «Ура» садолари остида пиёдалар ҳужумга кўтарилдилар.

Жуманазар Ҳожиев ҳақиқий жанг нималигини шу ерда — Сталинград бўсағаларида ҳис этди. «Қаҳаннам кўрқажак жанглар»дан қандай тирил чиллашга ҳали-ҳали ақли бовар қилмайди. Ҳамқишлоқлари Дўлтабой Жабборов, сўл ўқловчи Александр Карташёв, батарея командири Сердюков ва бошқа қанча-қанча сафдошлари унинг кўз ўнгига мардларча ҳалок бўлдилар.

Тонгга яқин тепа орқасида душман танклари кўринди. Худди Ховос адирларига ўхшаш паст-баландликдан иборат кенг дала бўйлаб шиддат билан олдинга ўрмалаётган «аждаҳо»лар озгидан ажал ўти пуркар эди. Жуманазарни кўрқув босган бўлса-да, буни сездирмасликка, йигитларга далда беришга ҳаракат қиларди.

— Шошманглар, яқинроқ келсин. Тошбулат, аниқ нишонга ол!—Командир ҳам кўрсатма берар, ҳам тўп хартумини абжирлик билан танкка қараб бурар эди.

— Ҳожиев, нега имиллаётибсизлар? Ўт оч!— деган батарея командирининг буйруғи эшитилди. Чунки кутишга ҳожат қолмаган: бир эмас, саккиз танк улар турган тепалик томон елиб келмоқда эди.

— Ўт оч!— деди Жуманазар.

Бир неча снаряд теккан бўлса ҳам, олдиндаги танк шикаст топмай, шиддат билан келарди: унинг занжирлари баралла кўрина бошлади.

Бошқа расчётлар ҳам душман танкларини нишонга олмоқда эди. Қаторасига икки танк ёниб кетди. Лекин Жуманазар Ҳожиев расчёти нишонга олаётган танк гўё сеҳрлидек, ўтни писанд қилмай, ҳамон озгидан олов пуркар эди.

Бу сафар нишонга ўзи олди. Бамисоли шишадаги керосин портагандек, танк қора дуд ичида қолиб, тўпининг хартуми орқа томонга айланиб кетди.

— Қойил қилдингиз, командир!— дея чапак чалиб юборди юзлари қорайиб кетган Тошбулат.— Ана униси орқага қайтаётибди. Қочмоқчи шекилли.

— Қочиб бўпти, ҳозир абжағини чиқарамиз,— деди пешанасидан хиёл қон сизаётган Жуманазар.— Фақат тезроқ ўқланглар.

Командир бу гал ҳам нишонга урди. Тўрт танкидан ажралган душман ёриб ўтишга кучи етмаслигини билиб, чекинишга мажбур бўлди. Шу кунни Ҳожиев расчёти душмanning учта пулемёт нуқтаси, иккита автомашина, икки танк ва бир кузатиш пунктини яқсон қилди.

Брянск, Дон, Жануби ғарбий фронтлардан етиб келган кучлар, 64-, 57-, 21-, 65-, 24- ва 66-армияларнинг Сталинград остоналарида душмanning ички ҳалқасини ёриб ўтиш учун ҳамкорликда

# Ойрузи опанинг ватани

Тўрақўрғонда ғаройиб гулзор бор.  
Ундаги ҳар туп гул Улуғ Ватан урушида  
ҳалок бўлган жангчи номи билан аталади.

Сенингча, осонми гулга айланмоқ?  
Қонсираб турганда илма-тешик тан,  
Гранат илмоғин суғурса бармоқ,  
Йўқликка уади душман ҳам, сен ҳам.

Сенингча, осонми гулга айланмоқ?  
Аёзда музласа яланғоч бадан,  
Қалбда ҳилпирарми қип-қизил байроқ,  
Сўнг сўзинг бўларми «Севаман, Ватан!»?

Қизиган сумбани кўзингга босиб,  
Ёв ўз жаллодлигин айлаганда фош,  
Куйган гўшт исидан ақлдан озиб,  
«Енгамиз!», дейсанми, эгмайсанми бош?

Шаҳзода Гамлетнинг «Ўлиш ё қолиш»  
Саволи қаршингда турса кўндаланг,  
«Жуда ёш кетдим», деб тортсанг ҳам ташвиш,  
Айри тушмайсанми имонинг билан?

Дўстларим, ҳамиша бўлинг саломат,  
Жўшсин танингизда ҳаёт кудрати,  
Қалбингизга мангу берсин ҳарорат  
Гулга айланмоқнинг буюк шиддати!

Йўқса, кимлар учун куйладим ёниб,  
Йўқса, кимлар учун тошиб-тўламан?  
Менми? Менинг йўлим, ишонинг, аниқ:  
Мен гулга айланиб ўламан!

Қишлоқдошларимга  
бағишлайман.

Опа, эсингизда-ку,  
(«О, ҳануз оғрийди дил»)  
Очликдан қорни шишган  
Қирқ бешинчи — машъум йил.  
Ёшингиз еттида-ю,  
Билар эдингиз аён:  
Уруш — ўлим, шодлик — хат,  
Тирикликнинг исми — нон.  
Опа, эсингизда-ку,  
Келганда жавзо ойи  
Сарғайиб думбул тортди  
Болғалининг буғдойи.  
Хуркаккина қуш каби  
Ҳаётнинг исин сезиб,  
Дала кезар эдингиз,  
Кафтингизда дон эзиб.  
Сиз аниқ билардингиз:  
Тирикликнинг исми — нон.  
Худди ўкдек янгради  
От дупури ногаҳон.

Кафтингизга жонсарақ  
Яширдингиз бошоқни.  
Эвоҳ, ер шунча қаттиқ,  
Осмон шунча узоқми?  
Қанотингиз бўлса ҳам  
Қайга учардингиз, хўш?  
От келар, чавандознинг  
Бир энги ҳилпирар — буш...  
Танидингиз: бу — раис,  
Ундан зир қақшар қишлоқ.  
«Раис», деса жим қотар  
«Йиғлаётган» кўғирчоқ.  
Эслайсиз, магазинда  
Бўлган эди ур-йиқит.  
«Йўк, яна қуясан!», деб  
Ҳайқирди бир қўл йигит.  
У йиғлади гўдақдай,  
Мушт ўқталиб сўзлади:  
«Шаҳид дўстлар қасосин  
Оламан!», деб бўзлади.  
Бўрдоқи кўйдаи семиз  
Магазинчи Шойимнинг  
Ёқасига ёпишди:  
«Топдим, — дея, — хоинни!»  
Эртаси хотин-халаж  
Йиғилди — умуммажлис.  
Йигит ўрндан турди:  
— Сайланглар, бўлай раис...  
Сайлашса сайлашар-да,  
Одам каму раис мўл!  
Майли, яраб қолади —  
Ҳаммаси кўтарди қўл.  
Кейин раис ҳайқирди:  
— Агар келгунча зафар,  
Ким ўзини аяса,  
Мана, қамчи!.. Хотинлар!  
Опа, нон лаззатини  
Тўлаб бўлмас қамчисиз...  
Бошингизни қўл билан  
Бекитиб чўқдингиз тиз...  
— Бу юргангиз нимаси,  
Оёқ яланг, бош яланг?

(Дон тўла кафтингизни  
Сикдингиз кўркиб маҳкам.)  
— Қани, қўлингизда нима?  
(Кўрқув, даҳшат аралаш  
Кафтингизни очдингиз —  
Энди мумкин савалаш!)  
Кўзингиз ёшсиз эди,  
Жиддий — тайёр хўрликка.  
Ким ҳам раҳм қиларди  
Сағир қолган шўрликка?  
Ҳамма бутун таёқлар  
Етим бошда синади...  
Раис отидан тушиб,  
Бошингизни силади.  
Ишонмасдан боқдингиз  
Кўзларига умидвор.  
Ҳайрат ичра қотдингиз...  
У йиғларди шашқатор —  
Йиғлар эди... Қизимни  
Эзмасин, деб чўнг қайғу,  
Тунда сассиз эзилган  
Онанингизга ўхшаб у.  
Сиз ҳам зор йиғлаб, бирдан  
Осилдингиз бўйнига...  
От ўйнатиб у кетди  
Буғдойзорнинг кўйнидан.  
Жавзо. Бир эрка шамол  
Буғдойзорга урар тўш.  
От елар. Чавандознинг  
Бир энги ҳилпирар — бўш.  
Опа, ўшандан буён  
Ватан ҳақида суҳбат  
Кўзгалса, кириб келар  
Кўзингизга бир сурат:  
Жавзо. Бир эрка шамол  
Буғдойзорга урар тўш.  
От елар. Чавандознинг  
Бир энги ҳилпирар — бўш...  
Опа, Ватан — улуғ дард,  
Опа, Ватан боғ бўлсин!  
Шеърда суратин чизсам,  
Тўрт мучаси соғ бўлсин!

олиб борган жанглари туфайли душман позициялари бирин-кетин ишғол этилди. Сталинград жанглари Улуғ Ватан уруши тарихида буюк бурилиш нуқтаси бўлди. Шонли Совет Армияси бутун Сталинград fronti буйлаб ҳужумга ўтди, душман армиясини янчиб ташлади ва фашистлар Германиясига қарши ҳал қилувчи қақшатқич зарба берди.

Лекин бу қаҳрамонона жанглarning охиригача қатнашиш Жуманазар Ҳожиёвга насиб қилмади. Икки марта энгил яраланган бўлса-да, жанговар постини ташлаб кетмаган тўп командири учинчи марта оғир жароҳатланди. Тўпнинг ёнгинасига келиб тушган душман снаряди Ҳожиёвни тупроққа қориштириб, бир неча метр нарига улоқтириб ташлади. Узига келиб, кўзини очганда, ўрмон ичкарисидаги ҳарбий госпиталда ётар эди. Сталинград мудофаасида кўрсатган жасорати учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланганини, ўзи командирлик қилган 268364-тўп жанговар сафда шахар юраги — Мамай кўрғонига кириб борганини, фашистлар Волгага чиқолмай, таслим бўлганини касалхонада эшитди. Қалби дўстлари томон, жанговар сафга ундар эди. Ниҳоят, уч ой деганда сафга қайтиш учун руҳсатнома олди.

У ўз қисмига етиб келганида, Донбассдаги Макеевка шахрини озод қилиш учун ҳужумга гайёргарлик кўриляётган эди. Душман тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатмоқда эди. Разведкачиларимиз шахар ичкарисидида — олти стволли миномёт ўрнатилган автомашина кузатув пунктлари ва пулемёт нуқталари ёрдамида Макеевка марказига олиб борадиган йўлни қаттиқ назорат қилиб турганлигини аниқлади.

— Ана шу автомашинани сафдан чиқаришни биз ўз зиммамизга оламиз, — деди Ҳожиёв янги ҳужум планини муҳокама қилаётганларида.

— Тўғри, ўртоқ майор. Ҳожиёв расчёти бу вазифани бажара олади, — деб уни қувватлади батарея командири.

Жуманазар бу топшириқнинг муҳимлигини, масъулятини қуролдошларига лўнда қилиб ўқтирди:

— Тумандан фойдаланиб, тўпни кўприкка яқин олиб боришимиз керак, — деди.

— Қопқонга тушиб қолмаймизми? — деб сўради Кўчқорбоев.

— Чумчуқдан кўрқанг тарик экмас, деган гапни эшитганмисан, Ташбулат? — деб Жуманазар гапни ҳазилга бурди. — Қопқон, тузоқларга чап

беравериб, уста бўлиб қолдик-ку, бир чорасини топамиз...

Жуманазарнинг режаси жўяли бўлди. Полкдошлари душманни чалғитиб турганидан фойдаланиб, расчёт кўприкка яқин борди, автомашинани ён томондан аниқ нишонга олди. Макеевка, Донецк шахарларига биринчилар қатори кирди. Кейинги жанговар топшириқларни ҳам кўнгилдагидек адо этди.

Тўп командири қаҳрамон шахар Севастополни озод этиш учун бўлган жанглarda охиригача иштирок этолмади. Чатирлик дарёси соҳилида душман танкларини ёндириб юборган Жуманазар Ҳожиёв бир неча жойидан жароҳатланди.

— Уртоқ командир, ҳандакқа тушинг; яралангансиз, дам олинг! — деб Кўчқорбоев уни бир четга ётқизмоқчи бўлди.

— Қара, танк! Нишонга ол, тез бўл!..

Шу пайт Жуманазарнинг чап елкаси қиздирилган темир босилгандек жаз этди. Бир сапчиб тушди-да, овози борича қичқириб буйруқ берди:

— Стволни ўннга бур, пулемётни нишонга ол! Ўт оч, тўхтама, душман ҳушини йиғиб ололмасин!

Юз-кўзини чанг ва дуд қорайтириб юборган Константин навбатдаги снарядни узатаётганида, командирнинг оёқ-қўлини душман снаряди майдалаб юборди. Константин қўлидаги снарядни ташлаб, унга ёрдам бермоқчи бўлди. Лекин тинмай ўзларини нишонга олаётган пулемёт нуқтасини мўлжаллаб ўт оцаётган Ташбулатнинг овози хаёлини бўлди. Икки санитар қиз командири замбилга солаётганида, Константин Елистратов командири билан хайрлашмоқчи, тўғрироғи, видолашмоқчи эди, бўлмади. Ташбулат ҳамон: «Снаряд! Снаряд!», деб қичқирарди. У снарядни бағрига босганича, тўп томон югуриб кетди...

Кейинчалик полк командири, гвардиячи майор Подолич Ҳожиёвни ҳукумат мукофотига тавсия қиларкан, унинг Чатирлик дарёси соҳилидаги қаҳрамонликлари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Чатирлик дарёси учун бўлган жангда тўп командири, гвардиячи старший сержант Жуманазар Ҳожиёв оғир яраланди. Лекин жанг майдонини ташлаб кетмади. Беш жойидан яралангани, қон кетаётганига қарамай, гвардиячи старший сержант Ҳожиёв команда беришда давом этди. Ҳожиёвни қўмондонликнинг буйруғи билангина жанг майдонидан олиб чиқиб кетиш ва касалхонага жўнатиш мумкин бўлди...»

Севастополь озод этилгач, командири сўроқ-

лаб тополмаган Константин Елистратов Ховосга: «Гвардиячи старший сержант Жуманазар Ҳожиёв Севастополь учун бўлган аёвсиз жанглardan бирида матонат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб ёзиб юборибди.

Жасур командир Одессадаги ҳарбий госпиталлардан бирида тўққиз ой ўлим билан олишиб, пировардида энгиб чиқди ва яна жангга отланди. Бу пайтда жангоҳлар Европага кўчган, мамлакатимиз тупроғи душмандан тўла озод этилган, Жуманазарнинг кадрдон тўпи эса тоғу дарёлар оша Берлин сари — олдинги сафда бормоқда эди. Жанговар дўстлари ва кадрдон тўпи билан қайта учрашолмади, Руминия, Болгария ва Югославияни озод қилиш учун бўлган жанглarda қатнашди. Фақат Галабадан йигирма йил кейин бир тасодиф билан Москвада, СССР Қуролли Кучларининг Марказий музейи залларида ўз тўпи билан яна учрашди. Уша кун «Тўп командири гвардиячи старший сержант Жуманазар Ҳожиёв ҳалок бўлган» деган ёзув олиб ташланиб, альбомнинг биринчи саҳифасига: «Жуманазар Ҳожиёв Ўзбекистон ССР, Сирдарё область, Ховос районидаги Ховос посёлкасида яшамоқда», деб ёзиб қўйилди...

Қаҳрамонимизнинг урушдан кейинги ҳаёт йўли ҳам ибратли. Аввалги мактабда ўқитувчи, колхозда бошланғич партия ташкилоти секретари, совхозда бўлим бошқарувчиси, колхоз раиси бўлган Жуманазар Ҳожиёв шу кунларда Комсомол райони Аҳолига маийши хизмат кўрсатиш комбинатига директорлик қилмоқда.

— Ут кечиб, жанг қилган кунларингизда кўнглингизда қандай орзу бор эди? — деб сўраймиз Жуманазар акадан.

— Юртимизни озод кўриш! Чақандга омон қайтиб, онамнинг қўлидан бир бурда иссиқ нон ейишни ният қилган эдим, — дейди у.

— Ҳарбий музейдаги афсонавий тўпнинг тасвиги кўйилган мукофот варақасида сизнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганингиз таъкидланади...

— Мен урушдан тирик қайтган ва унда ҳалок бўлган одамларнинг ҳар бирини қаҳрамон деб ҳисоблайман...

Назаримда, Жуманазар ака ҳаммамнинг кўнглидаги ва бу очерк хулосаси бўла оладиган гапни айди. Мен бунга ишонганим ҳолда, ҳозирча нуқта қўйдим.

Жамол ШАРОПОВ



Расми Б. ЖАЛОЛОВ чизган

САЙЕР

# ТОЛА ШУЪЛАСИ

Достон

Кўлимда бир чаноқ, гавҳар донаси;  
Кафтдек очилган у,  
ичида олтин.  
Бармоқлар сингари бешта толаси,  
Кўзларим чаноқдек —

тикилиб қолдим.  
Пахта! Ноним каби азиз, муқаддас.  
Пахта! Фуруримсан югурик қонда.  
Сен жаҳон кўзини қаратган ҳавас —  
Юртимга,

жонажон Ўзбекистонга.  
Тақдирим азалий сенга боғланган,  
Ҳаётим мазмуни, кўздаги шуълам.  
Пахта деганимда кўксим тоғланган!  
Пахта! Қудратимсан, севгим, ашулам.

\* \* \*

Россия тўшида Волга жўш урар  
Асрларни улаб асрлар билан.  
Мовий тўлқинларга қушлар тўш урар,  
Фасллар учрашар фасллар билан.  
Унинг қирғоқлари —  
Тарих бетлари,  
Қон билан ёзилган ойдин варақлар...  
Ўқиркан,  
жунжикиб кетар этларим,

Ундовдек қаланиб кетган дарахтлар...  
Ҳар бири бир жангчи,  
Бир соқчидек тик,  
Яшил япроқларин мавжлари тинсиз.  
Волгани кечмоққа шайланган тетик.  
Сўрагим келади улардан:

— Кимсиз?  
Кимсиз, ҳой дарахтлар,

арча...  
қарағай,  
Кимсиз, йўғон тортган қоматдор эман?  
Қайга шошиласиз менга қарамай,  
Бир дам тўхтаг ахир,  
гапим бор, дейман.

Тўхтамас,  
олдинга чопар,  
олдинга...

Кўлида қуроли, ёвга ташланди.  
...Бир ўнгур лабида туриб қолдим мен,  
Кўш қабр...

У билан сўхбат бошланди.

Ажабо!  
Кўш қабр!  
Сурат эса тоқ —  
Уларнинг бошида турибди рангсиз.

Иккисин кўлида...  
бир дона чаноқ!  
Теварак — мусаффо,  
шовкинсиз,  
жангсиз...

Иккисин кўлида  
бир чаноқ пахта,  
Дўстлик рамзими бу,  
Касб-кор меҳри?  
Сурат осилганча турар дарахтда,  
Тамом тортиб олди ақлимни сеҳри.  
Икки жангчи йигит:  
Рус билан ўзбек —  
Ортида мавж урган бепоён Волга.  
Ёнма-ён турибди чақнаган кўздек,  
Ёнма-ён турибди қўл бериб қўлга!..  
Бу сурат танишдек кўринди менга,  
Қайда кўрган эдим?

Қайда, ҳўш, қайда?  
Унинг шуъласидан нур инди менга,  
Нега осилибди у қарағайга?  
Ҳа, ҳа, кўрган эдим...  
Топдим ниҳоят!  
Хотирлаш уйида,  
«Шахсий буюмлар».



Саргайган суратлар сўзлар ҳикоят,  
Юракда кўзгатиб тинсиз қуюнлар.  
Исми бор,

отасин исми ёзилган.

Қайдан,

қай юртлардан келгани аниқ.  
Ёнда гўдакларнинг расми осилган,  
Исми ҳам ёзилиб қўйилган... ёниқ.

Қасб-қори,

Ўқиган даргоҳи ҳам бор,

Бири шимол ёқдан,

Бири шарқ ёқдан.

Қандай тенг ўсибди гўё қўшчинор!

Бошим дарз кетгандек турфа сўроқдан...

Сизлар

ўшамисиз,

айтинг,

қўш қабр?

Кўпдан жим ётибсиз,

Кўпдан йўқ садо?...  
Садо таралади шунда:

— Қил сабр!

Айтмиз...

Урушда бўлдик биз пайдо!

Уруш нелигини биларсан, ўғлон,

Одам ажали у,

Олам жанжали!

Ўқ тегди юракка!

Ушандан буён

Ётибмиз,

келмасанг,

ётардик ҳали.

Бизнинг тарихимиз жуда ҳам оддий...

Исминми сўрасанг,

Алёша,

Алик.

Йўлим қисқа экан,

қуладим,

қотдим...

Аммо юрак қоним заминга боғлиқ!

Ўзим рус ўғлиман.

Ивановдан.

Отам, ҳам,

Онам ҳам

тўқувчи бўлган.

Ўсдим нафас олиб шу соф ҳаводан,

Энди,

кўраяпсан — Алёша ўлган!

Йўқ, ўлган эмасман!

Шаҳид кетганман,

Ватаним йўлида фидо этдим жон.

Зафарли кунларга бирга етганман,

Бирга яшайман сен билан ҳамон.

Мен ип йигирардим оппоқ толадан,

Кўрдимми,

қўлимда тутганим — чаноқ.

Ўтиб кетганимча ушбу оламдан,

Пахта меҳри билан ёнардим чанқоқ.

Шу сабаб

ё бўлак бир меҳр сабаб,

Ўзбек ўғлонига дўстдек туташдим.

Шу ергача бирга келдик сафба-саф,

Тақдирни бир кўрдим,

Бурчни ўташдим...

Яна сукутдаман,

Сукутга чўқдим,

Ақлим ҳам паришон,

Хаёл ҳам тўзиқ.

Кўш қабр устида унсиз ёш тўқдим...

Савол ҳам,

сўзим ҳам

пойма-пой,

чўзиқ...

— Кимсиз,

эй, қўш қабр,

бирингиз кимсиз?

Бағрим ўртанади,

вужудда титроқ.

Сўроқмас,

сизларга саволим тинсиз,

Бошингиз устида ўзимман сўроқ.

Сиз ўққа учганда ўн ёшда эдим,

Сиз демаган оҳни чекдим, оҳ, ёниб.

Шундан ўсаяпман акаси, етим,

Сўзланг,

овозингиз эшитай. қониб.

— Хўп, эшит!

Номимни Мурод, дейдилар,

Тилингангиз англадим,

юртош экансан.

Отам ҳам,

Онам ҳам

ишчи эдилар...

Кел, сўзлаб берайин,

қурдош экансан,

Мато тўқир эди иккови ҳам тенг,

Толадан ип чўзиб мато тўқирди.

Ишда-ку йўқ эди келадиган тенг,

Лекин газетани базўр ўқирди.

Юборган эдилар мени ўқишга,

Ивановда мен ўқиб юрардим.

Машина излардим мато тўқишга,

Хаёлда газлама тўқиб юрардим.

Уруш бўлмаганда...

Отам тилагин

Дастгоҳга кўчириб, юрардим омон.

Умидга бахшида эди юрагим.

Умидсиз яшамоқ ҳаммадан ёмон.

Умидни ўғлимга қолдирдим мерос,

Орзумни ўзинг ол қўлингга, укам.

Бизни яхши кунда эслаб қўй бир оз

Ҳаётдан нолима, деб:

у кам,

бу кам...

То шундай кунларга етгунча халқим

Бардошни тоғ этди,

Сабрни — харсанг.

Умр ўзи шундай,

тураркан қалқиб...

Тупроғин ўпиб қўй, Тошкентга борсанг!..

Аликни ўшанда таниб, дўстлашдик,

Битта институт — ошиёнимиз.

Кун демай,

Тун демай

тўйиб сўзлашдик,

Дўст бўлдик.

Тўташиб кетди жонимиз.

Орзуси кўп эди,

Уйлари тубсиз...

Пахтани севарди,

мўл бўлсин, дерди.

Қўлда тутганимиз кўриб турибсиз,

Дер эдик:

«Қопласин у борлиқ ерни!»

Билим даргоҳида бирга ўқирдик,

Пахтани ўқирдик,

пахта...

Пахта...

Пахта...



Бутун ҳаётимиз унга йўғирдик...

...Урушни ҳисобга олмай у вақтда,

Ишимиз ўнгида,

Манзиллар аниқ,

Бахт бўлиб ҳар тонгда офтоб келарди...

...Лекин ёв ўқига бирга келиб дуч,

Бирга йиқилганмиз,

Бирга ўлганмиз!

Энди

кўлда учар ноламиз нотинч,

Биз ҳам сенга ўхшаш йигит бўлганмиз!

Бўлганмиз, деяпман,

Бўлганмиз, бу рост,

Муродга етолмай кетган Муродман.

Қабримиз устида таралса овоз,

Таниш овозларда, демак, ҳаётман.

У бир дам сукутга кетдим

ва ё

Мен тилсиз қолдимми — қисматга шерик.

Жонсиз эдим шу тоб,

Шу менга аён...

Улар тирик эди,

Ҳа, улар тирик!

\* \* \*

Тошкентни кезардим,

Дил тўла туйғум

Нурлар оғушида бўлиб кетар фарқ.

Кундуз чарчамайман,

Тунда йўқ уйқум,

Кундузни кечадан этолмайман фарқ.

Шаҳар кезмоқдаман,

Эски кўчалар,

Эски маҳаллалар ўз ўрнида йўқ.

Уйим келса ўтган кўнине сақаллар...

Топаман, дейману

Излаб, кўнглим тўқ.

Даҳадан даҳага жадаллаб бордим,

Муродни танимас унда бир кимса.

Учраган одамга дардимни ёрдим,

Кошкийди юракда ҳаяжон тинса!..

Бунда янги уйлар,

Янги одамлар,

Эски маҳалладан йўқ экан ҳеч ким.

Бутун борлиғимни қамрар ситамлар...

Аммо...

Ишончимдан келмайди кечгим!

Комбинатга кирдим.

Гулдиросидан

Юрак ҳам ортиқча ургандек бўлар.

Вужудинг тебраниб кетар ҳузурдан,

Ёнимда Муроджон тургандек бўлар.

Газлама дарёси оқар ёнимда,

Бўстонга киргандек ақлим паришон.

Қонимда оқмоқда улар,

қонимда,

Тўшалган пойандоз сингари равон.

Қизлар ишламоқда,

Ийгишлар ишлар...

Тенгдошим,

укалар,

опа-сингиллар...

Тўп-тўп газламалар — терилган гишлар!

Қизлар қуршаганча гапимни тинглар:

— Номи ким, дедингиз?

— Билмайман, — дедим.

— Отасин исми ким?

— Мурод, Муродов!

Шу номда изимму ихтиёр, — дедим.

— Айтинг-чи, Тошкентда қайда туради?

Оҳ, қизлар,

қақилдоқ,

жиблажибонлар,

Билсайдим даргоҳин,

сўрамас эдим.

Саргардон кезмасдан, неча замонлар

Кўнглимни шубҳага ўрамас эдим.

Нажот беринг, дея келмасдим бунга,

Қошига борардим,

Кўнгли ёрардим.

Ғуборим таралиб бошдан тутундай

Юзимдан тонг каби зиё тарардим.

— Қизлар, фабрикада энг кексамиз ким?

Қақиллай кетишди қақажон қизлар.

— Қоровул бобо-чи, Ғафур амаким!

Ҳамма қиз бир бўлиб бир чолни излар...

Қизлар чолни излар,

Мен-чи, хаёлим...

Наҳот сароб бўлса излаганларим.

Ё ҳозир куларми бирдан иқболим?

Намоён бўларми кўзлаганларим?

О, юрак,

Тоқатнинг измин маҳкам тут,

Сабр деган сўзни ёд эт имондай.

Умидсиз изтироб ҳукмини унут,

Яшаб бўлмас

ёруғ кунга инонмай!

...Бир пайт

Ғафур бува ёнимга келди.

«Хўш, хизмат?», дегандек кўксига қўли.

Мақсадимни эса қизлардан билди,

Сўзлади,

Сўзлади у ҳаёт йўлин:

— Кампирим бор эди, худо раҳмати...

Ўғлини кутарди,

Оламдан ўтди.

Унга татимади ҳаёт роҳати,

Ўғлини у роса ўттиз йил кутди.

«Бўлса керак, — дерди жуда умидвор, —

Тошкентдан ҳеч кимнинг ризқи узилмас.

Муродим, кўрсатгин, — дер эди, — дийдор»,

Шаҳид деб ўғлини, кўнгли бузилмас.

Яшаб юрар эди муштипар кампир,

«Муродгинам!», дерди набирасини,

Набирам Бахтиёр чертганда танбур,

Эсларди келини — Собирасини...

У ҳам қазо қилган,

Анча йил бўлди,

Эр доғи ҳаётдан узди илдинин... —

Ўзи сўзлади-ю,

Кўп хижил бўлди,

Атрофга термулиб айтди дил сўзин.

— Воҳ!.. — деб юборганим билмай қолибман,

Бағримга аланга кетгандай бўлди.

Асирман,

## Фахрим

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган отам Бобоқул Турсунов хотирасига

У йилларни эсласам, ҳар гал  
Кўз олдимда отам сиймоси:  
Юрагида юрт меҳри машъал,  
Она тупроқ — кўзин зиёси.  
Тупроқни у Она деб кўчган,  
Шундан менинг фарзандлик фахрим.  
Болалиқдан дилимга кўчган  
Дўстга меҳру душманга қаҳрим.  
Отам дерди:— Мард бўлгин, ўғлим!  
Мардлик, билсанг, мангулик демак.  
Мардлар мангу билмайди ўлим,

Сафда бўлгин ҳамиша сергак!  
Биз кўз тутдик, кўз тутди онам;  
Жангда омад келмаган куни  
Кўзимизга тор эди олам,  
Чехраларда зулмат ёлқини.  
У кунларни эсламоқ отир...  
Онагинам, эзманг дилимни.  
Ўлим дейиш мумкинми, ахир,  
Ўлимларни енгган ўлимни?  
Номаълуммас, ота, қабрингиз,  
Кўмилгансиз сиз юракларга.

Кўксимизда урар қалбингиз,  
Қанот бўлиб соф тилакларга.  
Чунки топиб ҳаётда ўрним,  
Сиз айтгандек яшадим оддий.  
Меҳнат билан гулгундир умрим,  
Дўстлар эрв бунингиз қаллим  
Уша уйда сиз ёққан чироқ  
Учган эмас — у сиздан мерос.  
Менга на шон, на шуҳрат керак,  
Фалончининг ўғли, деса бас.  
Пастдаргом

Басирман,  
Толиб,  
Ғолибман,  
Юрагим ниятга етгандай бўлди.  
Анқайиб қолибман,  
Сўз келмас тилга,  
Ажабо,

кенг олам бунча тор экан!  
Ларза солар эди бу ҳол кўнгилга,  
— Топдим,— дер эдим мен,—  
Мурод бор экан!  
Бор экан,  
Бахтиёр бор экан ҳаёт,  
Демак, Мурод умри ўчиб-сўнмабди.  
Бор экан

номини ёд этгучи зот!  
Ўлимнинг измига тақдир кўнмабди...

\* \* \*

Топдим Бахтиёрни яна йўл юриб,  
Кўнглим таскин топди,  
Ҳаяжон тинди.  
Мана, ҳузуримда ўзини кўриб,  
Унинг ҳикоясин эшитинг энди:

— Балоғат ёшига етдим,  
Қанотландим,  
Оқ йўл тиладилар бўвим ва бобом.  
Отам йўлларига мен ҳам отландим  
Эттиргали унинг изларин давом.

Иваново,  
шимол уфқида кўзгу,  
Отамга ошиён бўлган ҳур даргоҳ.  
Менга ҳамишалик нигорон кўз у,  
Кўздайин арзанда ажиб қароргоҳ.  
Отам изларини топмоқ мақсадим,  
Отам изларидан бордим у ёққа.  
Элчи бўлган эди аввалроқ хатим,  
Олиб келганида дарак бу ёққа.  
Бир хат келган эди менга Галядан  
Отамни сўраган:

«Борми,— деб,— омон?»

Хатга тўла эди боқсам ғаладон,  
Очдим у гупуриб қолди танда қон.  
Отам ғаладони,  
Отам хатлари  
Учбурчак,  
Қаламда битилган тақдир.  
Йиллардан сарғайиб кетган қатлари,  
Аммо қасамёддек сўзлари ҳақдир!  
Тунлари ўқидим,  
Кунлар олдим ёд,  
Галянинг отаси номини топдим.  
Хатларга юз буриб этдим қасамёд,  
Хатларни, дийдор, деб юзимга ёпдим.  
Хат келди,  
Хат ёздим...

Галя у ёқда,  
Мен эса бу ёқда интизор эдик.  
Туғишган синглим бор эди йироқда,  
Учрашмоқ режасин биз тузар эдик.

Ўқишлар тугади,  
Йўлга отландим,  
Иваново шаҳрин меҳрига боғлиқ.  
Бориш йўлларини хатдай ёдладим,  
Қатор жумбоқларнинг сеҳрига боғлиқ.

Тушдим,  
Суратига жуда хал Ғолиб,  
Галя тунлари интизор кутиб.  
Кўрган заҳотиёқ қолибман тўхтаб,  
Ўзимни оёқда зўр-базўр тутиб.  
Яхши, дадил экан,  
Ўзимга келдим,  
Номини айтганда менга кирди жон.  
Сўраб-суриштириб,

ҳаммасин билдим,  
У ҳам ёлғиз экан,  
Кўзи нигорон.  
Отасин энг сўнги хатин кўрсатди,  
Волга бўйларидан йўллабди дарак.  
Йўқ экан шекилли сира фурсати,  
Соғлигин сўрабди бечора аранг.

Менинг ҳам отамдан ўша сўнги хат  
Худди шу жойлардан келган, ажабо.  
О, сен-эй, табиат,

бу не марҳамат,  
О, сен-эй, табиат,  
бу қандай жафо?  
Иккисин бир йўла тортганми домга  
Ва ёки қайдадир кезарми сарсон?  
Тикилиб қолибман ёнма-ён номга,  
Қоғози сап-сарик, мисоли ҳазон.  
Сурат ҳам бор экан,  
Дарё бўйида  
Иккиси уфққа боқиб турарди.  
Хаёлим паришон улар уйда  
Юрак ҳам ўзгача дардли урарди.  
Галя ҳам жим эди,

сўлгин,  
бечора,  
Дардли чехрасида аламлар изи.  
Жудолик дардига тополмай чора  
Изтироб чекарди,  
О, руснинг қизи!  
Сўз қани,  
Қани у чорасиз таскин,  
Тилим қалимага келмас не учун?  
Юрагим!

Сўз бўлиб дарёдай тошгин,  
Сўз малҳам бўлолсин,  
Кўрсатсин кучин!

Йўқ,  
тилим танглайда тош қотган паққос,  
Битта сўз айтолмас,  
Биттагина сўз!  
Гунг эдим,  
Мунг эдим,  
бесас,

беовоз,  
Шунда тўқнаш келиб қолди кўзга кўз.  
Галянинг кўзлари жиққа ёш эди,  
Сипқорсанг чанқоғинг босгудай тўла.  
Ичида кўзлари мовий тош эди,  
Тубга чўкиб кетган эди бирийўла.

От изин той боссин —  
Ўқишга кирдим.  
Отам юрган даргоҳ паноҳим бўлди.  
У кезган йўллардан мен қайта юрдим.  
Йўлимда Галяxon ҳамроҳим бўлди.  
Айтдик иккимиз ҳам дил сиримизни,

Юраклар бир экан,  
бирдек қўлланди.  
Шундай севиб қолдик бир-биримизни,  
Оталар узилган умри уланди!  
Оталар дўстлигин тутиб иззатда,  
Оталар меҳрига ҳамиша содиқ.  
Улар асраб қолган ҳаёт-лаззатда,  
Севиб яшайпмиз ҳаммадан ортиқ!  
Галя Тошкентни ҳам ўз шаҳри атар,  
Иваново менга қадрдон макон.  
Тола шуълалари чирмаб қалб тортар,  
Тилак бир,  
Юрак бир,

тутах жонга жон!  
Ёзда Волга ёққа бордик икковлон,  
Қабристон кўп экан,  
Қабр кўп экан,  
Кўзимиз жовдираб, урарди жавлон,  
Шаҳидга афсона,  
Таъбир кўп экан!  
Бирлари у деди,  
Бири бу деди,  
Тирик бўлса келар бир куни излаб.  
Оталар дийдори бир қайғу эди,  
Минг қайғу қўшилди бизга у кезлар.  
Шунча жон ётибди.  
Инсон ётибди,  
Бу — уруш кўрсатган мудҳиш аломат.  
Ҳали ҳам дилларда армон ётибди,  
Излашдан толмаймиз, бўлсак саломат...

\* \* \*

Хаёлга толаман,  
Ўтган у кунлар  
Ўзини кўрсатар бўлиб ҳақиқат.  
Ечилган бўлади чалкаш тугунлар,  
Дақиқа кетидан ўтар дақиқа.  
Тошкент — Иваново,  
Иваново — Тошкент.  
Сизни чирмаб олган дўстлик риштаси.  
Мана шу эмасми чаноқдан тошган  
Пахта деб аталган кўрк фариштаси!  
Муроднинг қалбини,  
Алик қалбини  
Меҳрга боғлаган унинг толаси.  
Бахтиёр  
Галяга юрса талпиниб,  
Таралар толангда юрак ноласи.  
Менга ҳам нур сочган,  
Бахш этган илҳом  
Шу чаноқ,  
Шу битта тола шуъласи.  
Қўлга қалам берган,  
Тилимга — калом  
Шу дўстлик,  
Шу севги,  
бахт ашуласи.

Чаноққа тикилдим,  
Меҳрим товланди,  
Лўппи юзларидан зиё таралар.  
Нурига ғарқ бўлиб қалб офтобланди,  
Ҳар бир толасидан дoston яралар.  
Ажаб!  
Сирли экан инсон дунёси,  
Унинг оғушида битмас куч кўрдим.  
Дostonлар уммони — Волга дарёси,  
Ундан бир қатрасин шеърга кўчирдим.




Рассом Ф. КАГАРОВ.



**В БОЯХ ПОДАРЕННЫЙ КИSET,  
СВИДЕТЕЛЬ ДРУЖБЫ И ПОБЕД**

Рассом Н. ШЕРСТНЁВ.




**ОТАЛАРИМИЗНИНГ ЖАНГОВ  
ШУХРАТИ АБАДИЙ ҒУМА**

Рассом Н. АЛИЕВ.



Ўзбекистон халқ рассоми В. ЕВЕНКО.



Рассом Ф. КАГАРОВ.



Рассом А. БАЛКАНОВ.



Ўзбекистон халқ рассоми Л. АБДУЛЛАЕВ. ҒОЛИБНИ КУТИБ ОЛИШ.

# ҚАСАМЁД

Бизнинг гвардиячи дивизиямиз Сталинграддан Берлингача бўлган узоқ жанговар йўлни шараф билан босиб ўтди. Мен ўқчи полкда танкка қарши ўт очувчи рота командири, батальон штаби бошлиғи лавозимларида хизмат қилдим. Биринчи Ғалаба байрамини Берлинда ўтказдик. Бу ҳаётимдаги энг қувончли кундир. Шу тарихий ва ҳаяжонли кунда Ғалабага етиб келиш ҳақидаги буюк орзум рўёбга чиқди.

Мана, шундан бери 35 йил ўтди. Бугунги фаровон турмуш жабҳаларида туриб ўтмишга баҳо берар эканмиз, ўша буюк шижоатнинг аҳамиятини янада яққолроқ кўраемиз. Ўзимизни узоқ вақт ҳаяжонга солган ва ҳамон ҳаяжонлантираётган туйғулар, фикрлар, воқеалар, жанглар, учрашувлар, дақиқалар янада равшанлашиб кетади.

...1945 йил ёз фаслида қисмимиз ўз турган жойини ўзгартирди. Юриш вақтида йўл-йўлакай Эйсleben деган қадимий немис шаҳри орқали ўтишимиз керак эди. Бу шаҳарда қисқа вақт бўлишимизга қарамай, ҳаяжонли бир воқеага дуч келдик: марказий кўчаларнинг бирида доҳий Ленин ҳайкали турарди!

Биз у пайтда Ленин ҳайкали бу ерга қандай келиб қолганини билмаган эдик. Бу воқеа тарихидан анча кейин — олий мактабда КПСС тарихи курсидан дарс бера бошлаганимда хабардор бўлдим.

1943 йили фашистлар Ленинград яқинидаги Пушкин шаҳридан В. И. Лениннинг бронзадан ясалган ҳайкалини (совет ҳайкалтароши профессор М. Манисер томонидан яратилган) қайта эриш мақсадида немис шаҳри Эйсlebenга олиб кетадилар. Шаҳардаги немис антифашист ишчилари, қулликка ҳайдаб келтирилган совет кишилари ёрдамида, ўлим хавфидан ҳайиқмай, Ленин ҳайкалини яшириб, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қоладилар.

Уруш тугагач, 1945 йил 3 июлда доҳий ҳайкали вақтинча ясалган шохсупага ўрнатилади. Кейинроқ СССР ҳукумати бу ҳайкални Эйсleben шаҳрига совға қилди. Бу Ильичнинг немислар юртидаги биринчи ҳайкали эди. Бунга жавобан, 1960 йили Мансфельд кончилари Эрнст Тельман ҳайкалини Пушкин шаҳрига ҳада этдилар.

Эйсlebenда Ильич ҳайкали билан учрашув лаҳзалари ҳаётимдаги ғоят ҳаяжонли дақиқалардир. Эсимда, қуролдош дўстларимнинг кўзларида Ғалаба кунидегидек севинч ёшлари йилтирар эди. Улуғ доҳий билан дилимиз, фикримиз, зикри-



В. И. Лениннинг Эйсlebenдаги ҳайкали.

миз, хаёлимиз, интилишларимиз, уруш йиллари, жанг онларидаги туйғуларимиз, бутун ҳаётимиз, тақдиримиз чамбарчас боғлиқ бўлгандан кейин шундай бўлиши табиий эди.

Аввало доҳийга ҳарбий салом — честь бердик.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларга, марксизм-ленинизмга оғишмай амал қилганлигимиз ҳақида, Улуғ Ватан урушида тарихий ғалаба қозонган совет халқининг, Қуролли Кучларимизнинг сўнмас жасорати ҳақида рапорт бердик.

Ильич шохсупа устида мағрур қад ростлаганча бизни чин дилдан олқишлаб, «Балли, азаматлар, омон бўлинглар!», дея миннатдорчилик изҳор этаётгандек эди.

«Илмий тафаккурнинг буюк даҳоси ва чинакам халқ йўлбошчиси, оташин революционер, Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори — Ленин ўзининг бутун ёрқин, қахрамонона ҳаётини улуғ ва олижаноб ишга — пролетариатни ва барча мазлумлар оммасини социал озодликка чиқариш учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашга бағишлади» — КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қароридеги шу сўзларни ўқирканман, ўша оловли йиллар яна кўз олдимдан ўтди.

Эйсlebenдаги сафаримиз сўнгида доҳий билан хайрлашар эканмиз, унинг йўл-йўриқларига, ленинизмга, Коммунистик партиямиз кўрсатмаларига ҳамиша содиқ бўлиш ҳақида қасамёд қилдик.

Лениннинг Эйсlebenдаги ҳайкали нусхаси фашистларнинг тор-мор қилиниши тарихига бағишланган Берлин музейига ҳам қўйилган. Музей экспозицияси шу ҳайкал билан очилади.

Доҳийнинг Эйсleben ва Берлиндаги ҳайкали атрофида доимо ҳаяжонли учрашувлар, суҳбатлар бўлиб туради. Ҳайкал олдида ўқувчиларни пионер сафига қабул қилиш одат тусига кирган. Бу ерда пионер қасамёдининг тантанали сўзлари кўтаринки рух билан янграйди. Германия Демократик Республикасининг ёш граждани Эрнст Тельман васиятларига ҳамиша содиқ бўлиш, қардош совет мамлакати пионерлари билан дўстликни мустаҳкамлашга қасамёд этадилар. Шундан кейин улар доҳий Ленинга биринчи пионер салютини берадилар.

Улуғ Ватан урушининг сабоқлари ўт билан ўйнашиш ишқибозлари учун даҳшатли огоҳлантиришдир. Социализм, тинчлик, прогресс кучлари енгилмасдир, дунёга ҳукмронлик қилишга қаратилган империалистларнинг ҳар қандай режалари муқаррар равишда чиппака чиқади.

Лениннинг «Бизнинг ишимиз мустаҳкам, Россияга ҳужум қилишга ҳар қандай уринишлар бўлиши мумкин... Лекин биз тажриба орттириб чиниқиб олдик, шунинг учун ҳам ҳақиқий тажрибамизга асосланиб, бу уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлиб кетишини биламиз!», дея башорат қилиб айтган сўзлари ҳамиша ёдимиздадир.

Носир ҚОДИРОВ,

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти ўқитувчиси



## Рассомнинг фронт альбомидан

Бу лавҳаларни юртдошимиз, атоқли рассом Борис Самойлович Жуков 1943 йили ўзбекистонлик ҳаммасблари билан бирга Шимолий Кавказ фронтига борганида — машҳур Кичин ерда чизган.


Танкимиз ҳужумда.

Калхатга омон йўқ.

«Нафаси ўчди».

Душман танки яқсон.

Новороссийск мудофаасининг қаҳрамони Ц. Куников бошчилигидаги денгизчи пйёдалар отрядининг жангчиси А. Мангушев.



Тўраҳон ая пионерларга доҳиймиз Ленин ҳақида ҳикоя қилмоқда.

# «ҚУЁШНИ КЎРАРМЕН...»

Тўраҳон Иброҳимованинг 100 йиллигига

1922 йил. Ёз. Туркистон Автоном Социалистик Республикаси делегацияси аъзоси сифатида Биринчи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасида қатнашиш учун Москвага борган Тўраҳон Иброҳимова ҳаётида шундай ажойиб воқеа рўй бердики, бошига иқбол қуши кўнганида ҳам у ўзини бунчалик бахтли деб билмас эди... Пойтахтга келганларига икки-уч кун бўлган. Бир кун тонгда эндигина кўчага чиқиб турган эдилар, улар кўнган уй олдида бир машина келиб тўхтади. Машинадан чарм пальтоли, баланд бўйли, қотма бир киши тушди. У меҳмонлар билан қадрдонларча саломлашди-да, «ўзбек аёли ўртоқ Иброҳимова» билан учрашиш ниятида эканини айтди. Тўраҳон Иброҳимовани кўрсатдилар. Излаб келган киши кўқонлик вакили паранжи-чачвонда кўрибми, ҳар қалай, бир нафас таажубланганча тикилиб қолди. «Ҳа, мен Иброҳимова бўламан», деган жавобни эшитганидан кейингина у меҳмоннинг олдида келди. «Сиз билан Владимир Ильич суҳбатлашмоқчи,— деди.— Ҳозир мен билан у кишининг ҳузурига — Кремлга борасиз».

Унгими, тушимми? Ленин қаёқдаю Тўраҳон қаёқда? Доҳий уни қаердан танийдию Москвага келганини кимдан эшитди экан? Қўлоғига ишонмай деса, чақириб келган одам кўз ўнгида турибди... — Ленин ҳузурига?— деб такрор сўради у. Ҳаяжонланганидан титроғини босолмади. Паранжисига ўралганича, машинага қараб юрди.

Улар Москва кўчаларидан ғизиллаганча ўтиб борар эдилар. У бўладиган учрашувни тасаввур этолмас, юраги хаприқар, Владимир Ильичга ўз меҳр-муҳаббати, миннатдорлигини қандай қилиб айтишни ўйлар эди. Тошпўлат Урозбоевнинг Ильич, унинг одамийлиги ҳақидаги ҳикоялари эсига тушди. РКП(б) X съезди кунларида Кронштадтда аксинқилобий кучлар исён кўтарганди. Бошқа уч юз делегат қатори, Тошпўлат Урозбоев ҳам исённи бостиришда қатнашади. Кронштадтга жўнаб кетаётганларида, В. И. Ленин унга пўстин ҳада этади: «Сиз, Тошпўлат Урозбоевич, жанубликсиз, Кронштадт сизга совуқлик қилади», дейди доҳий.

Лениннинг таклифи Тўраҳон Иброҳимовага кутилмаган бахт эди. Аммо Владимир Ильичнинг бутун фаолияти ва шахсий фазилатларини назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, «халқ ичиди яшаш, кайфиятини билиш, ҳамма нарсани ўқиш, омманнинг фикрини англаш, унга яқинлаша билиш»

(курсив В. И. Ленинники — М. Қ.) пролетариат доҳийсининг туғма хислатлари эди. Шунинг учун ҳам Ильич ҳамиша «омманнинг абсолют ишончига сазовор» бўлар, «рахбарларнинг раҳбарлик қилинаётган оммадан, авангарднинг бутун меҳнат армиясидан» ажралаб қолмаслигини таъминлар эди. Буни чуқур тушунган меҳнаткаш халқ Ильичга абадий эътиқод қўйди. Ленин, партия, халқнинг яқдиллиги сабаб ўлароқ, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Тўраҳон Иброҳимова кўз ўнгида содир бўлган жуда кўп воқеалар замирини ана шу ҳақиқат — Ленин ва меҳнаткаш халқнинг бирлиги ташкил этди:

Октябрь инқилобидан аввал—1917 йил «27 июнда Кўқон босмаҳона ишчилари союзи ўзининг умумий йиғилишида ўртоқ Лениннинг таъқиб қилинишига қарши норозилик билдиришга ва шу билан бирга ишчи, деҳқон ва солдатлар манфатларининг бирдан-бир собитқадам ҳимоячиси бўлган «Правда» газетасига чуқур миннатдорчилик изҳор этишга қарор қилди». Бинобарин, Туркистон меҳнаткашлари Октябрь революциясидан илгари ҳам Ильич ва большевиклар партияси ҳаётидаги ҳар бир воқеа-ҳодисани англаб, таҳлил қилиб боришга, Ленин билан ленинчиларни ҳамиша кўллаб-қувватлашга ўзларини бурчли деб билар эдилар. Инқилобдан кейин эса Ильич бепоён Советлар мамлакатидидаги ҳар бир софдил гражданнын маънавий офтобига айланди.

...Тўраҳон Иброҳимова назарида кўз очиб юмгунча Кремлга етдилар. У шу қадар ҳаяжонланардики, зинапоялардан чиқиб бораркан, юраги ҳозир тўхтаб қолаётгандек бўларди. «Наҳотки, узоқ Кўқоннинг барча ишчию деҳқонлари меҳр билан тилга оладиган доҳийни ўз кўзим билан кўрсам», деб ўйларди. Ҳовлиққанидан Ленин кабинетига қандай кириб борганини ҳам билмай қолди.

Владимир Ильич ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди, самимий саломлашиб, креслога ўтиришга таклиф қилди. Ленинни кўриб, аёл тамом ўзини йўқотиб қўйди.

— Сиз Иброҳимова бўласизми?— деб сўради Владимир Ильич.

— Ҳа,— деди у истиҳола билан. Овози ўзига узоқдан — бироникидек бўлиб эшитилди.

Владимир Ильич у билан суҳбатлаша бошлади. Тўраҳон Иброҳимова ўша пайтларда рус тилини яхши билмасди, лекин унга доҳийнинг ҳамма сўз-

лари тушунарли эди. Бунинг устига, ҳамроҳ бўлиб, уни боқлаб келган киши яхши таржимон экан.

— Туркистон республикасининг делегатлари Москвада яхши жойлашиб олдиларми?— деб сўради Владимир Ильич.

— Раҳмат, яхши...

Ленин билан учрашув Тўраҳон Иброҳимова ҳаётидаги энг улуғ воқеа бўлди. Умрининг охирига қадар у шу учрашув фазини, Ленинга нисбатан битмас-туганмас муҳаббатини қалбидида эъзозлаб асради. Тўраҳон аянинг китоблар, газета, журнал саҳифаларида эълон қилинган хотиралари билан танишганда, доҳиймизнинг биронта сўзи унинг ёдидан кўтарилмаганини сезасиз:

«Ильич,— деб ёзган эди Тўраҳон ая «Правда Востока» газетасининг 1957 йил 3 ноябрь сониди,— ўзим ҳақимда, Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти ҳақида сўзлаб беришимни сўради. Мен ёшлик чоғимданоқ эртадан кечгача икки букилиб бойнинг даласида меҳнат қилганимни айтиб бердим. Мени худди ўзимга ўхшаган бир камбағалга эрга бердилар. У боғбон эди, бойникида қароллик қиларди. Мен эрга тегиб муҳтожликдан қутулмадим, балки қайғумга қайғу қўшилди. Икки ўғлимизни бирин-кетин қаро эрга бердик. Оталари Саидғози ҳам кўп яшамади. Мен икки қизалогим — Чиннихон ва Жўраҳон билан қолдим. Рўзгор тебратиш учун Кўқондаги пахта тозалаш заводларидан бирига ишга кирдим.

Мен Ильичга... хотин-қизларни озод қилиш учун қандай курашаётганлигимизни сўзлаб бердим. Ўзбек хотин-қизлари давлат ва жамоат ишида тобора кенг миқёсда иштирок этаётганлари ҳақида ҳикоя қилганимда, Владимир Ильич ниҳоятда мамнун бўлди.

— Хотин-қизларни ишга жалб қилиш билангина,— гарчи бу жуда муҳим бўлса-да,— кифоялаиб қолиш ярамайди. Хотин-қизлар орасида домно сиёсий-оқартув ишларини олиб бориш, хотин-қизлар клублари ташкил этиш лозим. Хотин-қизларни курсларда, мактабларда ўқишга кенг кўламда тортиш учун барча чораларни кўриш лозим,— деди доҳий.— Ишга дадил киришинглар, қийинчиликлардан тап тортманглар. Ҳаммамиз яқдил бўлиб, янги ҳаётни ўз қўлимиз билан қуришимиз керак...»

Чин юракдан айтилган бу некбин сўзлар меҳнаткаш инсоннинг бунёдкорлик кучини инқилобий идеалларни амалга ошириш учун сафарбар этиб, қалбга донолик, ақлга эҳтирос бағишлар эди... Атоқли революционер, Кўқон большевикларининг раҳбари Ефим Адрианович Бабушкин меҳнаткашларни худди шундай: инқилобий кураш ва яқдиллик руҳида — ленинчасига тарбиялайди. Ефим Адрианович 1904—1905 йилларда Париждаги большевиклар клубининг секретари бўлган пайтларида Владимир Ильич Ленин билан танишган. У кўпинча доҳийнинг сиёсий ва шахсий фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Ўртоқ Ленин Тўраҳон тасаввур қилганидан юз, балки минг баробар зиёда ажойиб инсон экан. У кишининг кўнглидаги гапни айтади, кайфиятини кўтаради, истиқболни кўз ўнгида келтириб қўйди, кучига куч қўшгандек бўлади. Тўраҳон дадилланди, энг муҳим масалалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини тортинмай баён эта бошлади...

«Ҳамон ёдимда,— деб ёзган эди Тўраҳон ая «Агитатор блокноти» журналининг 1960 йил 9-сониди,— бизда хотин-қизлар учун мактаб ва клублар ҳозирча кам эканини айтганимда, Владимир Ильич ўйланиб қолди, маънос тортгандек бўлди. Республикамиз аёллари Совет ҳокимияти хотин-қизларга озодлик ва тенглик бахш этаётганини яхши тушуниб олганликлари тўғрисида сўзлаганимда эса, у ғоят шодланди, кўзлари чақнаб кетди ва кулимсиради.

— Хотин-қизлар учун кўпроқ мактаблар, клублар керак, ўртоқ Иброҳимова,— деди доҳиймиз,— улар саводли бўлиб олганларидан кейин ҳақларини яхши танийдилар.

Владимир Ильич мен билан узоқ суҳбатлашди.

— Хотин-қизларни озод қилиш, уларни сиёсатга, давлатни бошқаришга жалб этиш — революциямизнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифасидир,— деди у. Хотин-қизларни озодликка чиқармай туриб, социализм қуриб бўлмаслигини содда ва аниқ қилиб тушунтириб берди. Мен билан хайрлашаркан, қўлимни бир лаҳза тутиб турди ва:— Туркистон республикасининг хотин-қизларига Совет ҳукумати номидан ва шахсан менин номидан қизгин салом топширинг. Совет Шарқи хотин-қизларининг озодлиги, тенг ҳуқуқлиги ва бахт-саодатини таъминлаш йўлида биз барча зарур тадбирларни кўражагимизни айтинг,— деди...»

Тўраҳон Иброҳимова Туркистонга, она шахри Кўқонга Ленин элчиси сифатида, доҳий ишончини оқлаш, унинг сўзларини меҳнаткаш халққа етказиш учун астойдил бел боғлаган ҳолда қайти.

## Жангчи монологи

Гул, райхон ҳидлардим сахарлар туриб,  
Дон, чигит экардим эл бўлсин деб тинч.  
Яшардим бир шоир хаёлин суриб,  
Ох, сен қандай эдинг, биринчи ўлич?  
Уруш кириб келди юртга бешафқат,  
Бурчим олисларга солди йўлимни.  
Ун саккиз ёшимда қўмсаб муҳаббат,  
Жанги жадал ичра топдим ўлимни.  
Ёнган шаҳарларда, кул жарангида,  
Тилсиз ўтлар ичра овозим қолди.  
Куйганим ёлғондир олов жангида,  
Оқ қайинлар мени бағрига олди.  
...Баҳор келар менсиз,  
Гуллайди чаман,  
Лолалар очилгай — қонимдек қирмиз.  
Менинг ёш тўкмаган кипригим билан  
Оқ гуллар ичида йиғлайди бир қиз...  
Чечак умри бўлди — бу ҳаёт йўлим,  
Онаизор ёлғиз тортар фирқони.  
Менинг ёр кучмаган музаффар қўлим  
Оламнинг бахти, деб кучди тупроқни.

\* \* \*

Қайларда юрибсан, навбаҳоргинам?  
Ортик, кўп соғиндим сени дилбардан.  
Ҳижрон ёмғиридан киприкларим нам,  
Тинчимни йўқотдим сен деб, гулбадан,  
Қайларда юрибсан, навбаҳоргинам?

Беркиниб олгансан шаршараларга,  
Гунча, чечакларга ўргатасан роз.  
Куй тўқийсан булбул — дил ташналарга,  
Гул чехра оламга берибсан пардоз,  
Беркиниб олгансан шаршараларга.

Оҳудек кўчасан тоғдан тоғларга,  
Чўқиларда лола гулханин ёқиб.

Сеп ёзиб кетибсан чаман боғларга,  
Мен сени кутаман йўлингга боқиб,  
Оҳудек кўчасан тоғдан тоғларга.

Дилим парча ўтдир висолинг истаб,  
Мақсадим гул қўлинг кўзимга суртмоқ.  
Қайларга шошайин изингни излаб,  
Сендан дарак берса кўкда қалдироқ —  
Дилим парча ўтдир висолинг истаб.

Қайларда юрибсан, навбаҳоргинам?

## Она нидоси

Ўғлим, жангдан қайтмадинг, онанг сени кутмоқда,  
Кузатган чоғ тун бўлган сочи кундек оқарди.  
Ўзгалар қора кийиб сенга аза тутмоқда,  
Онанинг саботига тоғлар ҳайрон боқади...  
Ўғлим, жангдан қайтмадинг, онанг ҳамон кутмоқда.

Ўғлим келса, келин, деб не қизларни кўзлайди,  
Каптардек юрагига сиғар шодлик, сиғар дард.  
Хонасига беркиниб тунлар аччиқ бўзлайди,  
Тонг қуёши уйғониб кўзларида кўрмас гард,  
Ўғлим келса, келин, деб не қизларни кўзлайди.

У сенга кийим тикиб, четларига ёзди байт,  
Кўзларин гавҳаридек сандиқда сақлар ҳамон.  
Ҳар куни қанда қилмай эшик очар сахар пайт,  
Уйғоқ дарё мисоли ўғлин кутар онажон.  
У сенга кийим тикиб, четларига ёзди байт:  
«Қайтмас бўлган эсанг ҳам, аскар болам, энди қайт!..»

\* \* \*

Майсалар сабза бўлди қор эриган ерларда,  
Навбаҳор бўсасидан  
Гуллаб кетди бодомлар!  
Бойчечакнинг нафаси кезиб юрган қирларда  
Лолаларни уйқудан уйғотади одамлар.  
Булутлар алёр айди, кўкни қуёш ёққан чоғ,  
Оқ чечаклар косасин соқий бўлиб тўлдириб.  
Осмон қўйнидан чиққан мисли бир парча чақмоқ —  
Қалдирғоч учиб келди чашмаларга тўш уриб.

Яхшилик қўшиқларин куйламоққа шайланиб,  
Булбулнинг юрагидек бўртиб қолди куртаклар.  
Гулларнинг ифоридан сал бошлари айланиб,  
Олам ҳанда сепини гунча бағрига тахлар.

Супур-сидир билан банд шаббода қош чимириб,  
Анҳорлар тўлғонади дарёларини кўриб туш.  
Олпоқ тонглар кафтидан кўпирган нур симириб,  
Олам шоирдек сархуш, олам шоирдек сархуш!

\* \* \*

Ёшлик ўтган боғларда бодом гуллаган кеча  
Кўксимга хотиралар карвонин бошлаб келдинг.  
Қийноққа солиб қўйдинг руҳимни тонг отгунча,  
Ўн беш йил аввалгидек кўзларим ёшлаб келдинг.

Иккимиз қўл ушлашиб сайр этган сўқмоқларда  
Майсалар кипригига шабнам кўнмиш шашқатор.  
Нурга кўксини тутиб ёнгувчи япроқларда,  
Лабларинг шивирлашин эслатди менга баҳор.

Лола юзи қизарди ёмғир майин ичган дам,  
Тонг пардасин тебратиб розимни айтар қушлар.  
Ҳисларимга эрк бериб яна ўтдим кўчангдан:  
Сен ором оғушида — ёстигинг тўла тушлар...

\* \* \*

Ҳур замонам куйлаётир фазоларнинг кўксидан,  
Теграсида ракеталар қалдирғочдек урар чарх.  
Бошоқ бўлиб уйғонмоқда думбул дон уйқусидан.  
Унинг табассумидан оламаро янги барқ!

Ҳур замонам куйлаётир пўлатлар жанангида,  
Кекса олам бундай қўшиқ тингламаган, эҳтимо.  
Қурилган ва қурилажак шаҳарларнинг рангида,  
Толе қиёфасида жилмаяди истиқбол!

Ҳур замонам куйлаётир, унга жўр самандар қалб  
Алвон-алвон қўшиқларга умид кўзин тикмоқда.  
Ҳар чигитга қуёш жойлаб, ерни минг бор эъзозлаб,  
Бободехқон далаларга ўз қўшигин экмоқда!

Қўқон

Ильич билан учрашув халқ олдида унинг обрўйини янада ошириб юборди. Ўзи ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай, илҳом билан меҳнат қилди, Қўқон хотин-қизлар ташкилоти ишини бутун республика учун ўрнак бўладиган даражага кўтарди олди. 1923 йили Умумтуркистон Советлари XII съезди Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг Қизил байроғини Қўқон шаҳрининг Тўраҳон Иброҳимова раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар ташкилотига муносиб кўргани бежиз эмас.

«1923 йил охирида Умумтуркистон Советларининг XII съезди мени СССР Советларининг II съездида делегат қилиб сайлади,— деб ёзган эди Тўраҳон ая «Дружба народов» журналининг 1960 йил 3-сонига.— Владимир Ильич билан яна учрашиш, қилган ишларимиз тўғрисида сўзлаб бериш, унинг овозини эшитиш — қалбимдаги орзум эди. Съезд президиумини сайлаганларда, кимдир менинг номимни ҳам тилга олди. Мен қимтинибгина президиум столига қараб борарканман, кўзларим Владимир Ильични ахтарар, лекин ҳайъатда ўтирганлар орасида у йўқ эди. Михаил Иванович Калинин кимни бу қадар синчковлик билан ахтарётганимни тушунди-да, мен томонга эгилиб, астагина:

— Ильичимиз бетоб,— деди».

Тўраҳоннинг юраги орқага тортиб кетди... Лекин у руҳан, бутун халқ каби, Ильич дарддан фориг бўлиб кетишига амин эди. Мария Ильичична Ульянова акасининг илтимосига кўра, Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаровга йўллаган мактубида Владимир Ильич яқин орада соғайиб кетади, деган, бу умидбахш сўзлар Қўқон меҳнаткашларининг ишончини янада мустаҳкамлаган эди.

«Михаил Иванович Калининнинг ёнидаги стулга ўтирганимдан кейин,— деб эсланган эди Тўраҳон ая «Туркистонда Октябрь социалистик революцияси ва граждандар уруши» деган китобда бо-силган хотирасида,— у менга мурожаат қилиб, делегатлар хат ёзиб, «Иброҳимова паранжисини ташласин», деб сўраётганларини айтди. Мен ноқулай аҳволга тушиб, нима қилишимни билмай қолдим. У пайтда Туркистонда биз, аёллар паранжида юрардик. Шариатнинг бу талабига қарши ҳали большевикча ўтқир сўзлар айтилганича йўқ эди. Рост, буни шароит кўтармас эди. Иккиланиб қолдим.

Ёнма-ён ўтирган Иосиф Виссарионович Сталин буни сезиб:

Уртоқ Иброҳимова,— деди,— делегатлар сўраётгиларми, демак, паранжини ташлаш керак.

Мен ўрнимдан турдим-да, лаънати паранжини ташладим, ўтирганлар гулдурас қарсақ чалиб, маъқулладилар».

Орадан кўп ўтмай, Советлар мамлақати, бутун тараққийпарвар инсоният бошига улғуф мусибат тушди — доҳиймиз Ленин вафот этди. Советларнинг II съезди делегатлари, Москва ишчилари, пойтахт атрофидаги қишлоқларнинг деҳқонлари билан бирга Тўраҳон Иброҳимова ҳам Горкига борди. Ильич тобути устида Надежда Константиновна Крупская ва Мария Ильичична Ульянова билан ёнма-ён туриб йиғлади, видолашди, унинг гоёларига садоқатли бўлишга қасамд ёқилди. Советлар II съездининг В. И. Ленин жасадини Горкидан Москвага олиб кетиш учун келган бир гуруҳ вакиллари, шу жумладан, ўзи ҳам доҳий тобути бошида турганини акс эттирган тарихий фото ўша кунларни унинг ёдига бот-бот туширар эди...

Лениннинг вафоти совет кишилари синфий хуш-ёрлигини оширди, Совет Иттифоқи ишчилар синфини Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирди. Ленин чақириғи коммунистлар иродасини яна ҳам ёрқин намойиш этиш, большевиклар партияси ва меҳнаткаш халқ бирлигини янада кучайтириш омили бўлди. Партия Марказий Комитетига минг-минг ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ариза ёзиб, ўзларини Ленин партияси сафига қабул этишларини сўрадилар. 240 мингдан кўпроқ киши Коммунистик партияга аъзо бўлди. Ана шулардан бири — Тўраҳон Иброҳимова эди.

Тўраҳон Иброҳимова коммунист бўлиш учун маънан тайёр эди. Н. К. Крупская Ленинни тушуниш учун унинг фикрини англаб етиш зарурлигини уқтирган эди. Ўзбекистонда революцион ҳаракат катнашчиси, хотин-қизлар озодлиги учун курашининг фаол иштирокчиси сифатида амалга оширган ишлари у Ленин фикрини чуқур англаб етганини — руҳан асл коммунист бўлганини тасдиқлайди. Тўраҳон ая 1917 йили Қўқондаги илк хотин-қизлар артелини тузди. 1918 йили Тикувчилар союзи ташкилотчиларидан бўлди. 1919 йилдан эса Қўқон шаҳрида хотин-қизлар ташкилотига бошчилик қилди. Буларнинг ҳаммаси Тўраҳон Иброҳимова хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг ленинча йўлидан биринчилардан бўлиб, оғишмай борганини кўрсатади.

«Биз майда хўжаликлардан умумлашган хўжаликка ва ерни биргалашиб ишлашга ўтганимиздагина, фақат шундагина хотин-қизлар тўла озод ва эркин бўладилар». Уртоқ Иброҳимова «Қўшчи»

союзи Марказий Комитети хотин-қизлар бўлими мудури бўлиб ишлаган йиллари ўз ишини доҳий Лениннинг ана шу доно маслаҳати асосига қурди. Ильич бу сўзлари билан социалистик қишлоқнинг истиқболини кўрсатиб берган эди. «...Коммуналар, ерни артель бўлиб ишлаш, деҳқонлар ширкати — ноқулай майда хўжалиқдан қутулиш йўли ана шудир, хўжаликни юксалтириш ва яхшилаш, кучни тежаш, қулоқлар, текинхўрлар ва эксплуатация билан курашиш воситаси ана шудир», деб уқтирган эди яна Владимир Ильич.

Тўраҳон ая доҳий Лениннинг ҳамма мурод-мақсадлари тўла-тўқис рўёбга чиққанини ўз кўзи билан кўрди, энг муҳими, янги турмушни қуришда жону дили билан иштирок этди. У кексайгач, баъзан тонггача хаёл суриб, ўзи ўтган кўчаларни яна бирма-бир кезиб чиқарди. Кўпинча, ёшлигида шоира Дилшод Барно даврасида бўлганини хотирларди. Юзни қоралаб қолган шоира биби ўшанда шу ғазалини ёд айтган эди:

Фалакда йилтираб турурди кўзим,  
Улғулик илгида эрди юлдузим.  
Миррих ёнига бормоқ йўлини  
Хирадманд оғзидин сўрагон ўзим.  
Кун чиқмай, ҳавони боқонда булут,  
Кўзини ишқалаб эрди кундузим.  
«Худоё, ёруғлик ато айла», деб,  
Такроран чиқарди оғзимдин сўзим.  
Эртадан кечгача қуёшни кўрмай,  
Мағрибда шафаққа нигорон кўзим.  
Қуёшни кўрармен ер остида ҳам,  
Дилшодмен, қирқ қулоч эрур илдишим.

«Дилшод Барнолар муҳитида — эркталаб демократик муҳитда, меҳнаткаш халқ ичида вояга етганим учун ҳам Ленин йўлидан, Инқилоб йўлидан биринчилардан бўлиб юрган эканман-да! — дерди Тўраҳон ая.— Менинг бахтим — умримнинг Инқилоб билан рост келганида... Шунинг учун менинг тўғримда шеърлар битдилар, ҳаёт йўлимдан андоза олиб роман яратдилар».

...Тўраҳон Иброҳимова доҳиймиз Владимир Ильич Ленин билан учрашган сана бутун Шарқ меҳнаткашлари учун азиз ва тарихий кундир. У мазлум Шарқнинг революцион Шарққа айлана олишини ҳаммадан аввал кўрган улғу Ленин билан Ўзбекистон меҳнаткашлари абадий яқдиллигининг тимсоли бўлиб мангу яшайверади.

Мўхаммадали ҚЎШМОҚОВ

Қўқон — Тошкент



# УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР

Атоқли совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти, СССР Давлат мукофоти ва халқаро Нобель мукофоти лауреати Михаил Александрович Шолохов 75 ёшга тўлди.

«У том маънода Октябрь фарзанди, совет даври туфайли рўёбга чиққан талант. Адабиётга ижтимоий кураш азоб-уқубатлари ва фожиалари бағрида туғилган янги жамият мавзуини олиб кирди». Улкан рус ёзувчиси Алексей Толстойнинг бу сўзлари М. Шолохов ижодининг моҳиятини тўлиқ ифодалайди.

Дарҳақиқат, М. Шолоховнинг номи XX аср жаҳон адабиёти классиклари номлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Унинг социалистик тарихимиз бадийий йилномаси бўлиб қолган аjoyиб асарларини дунёдаги кўплаб халқлар ўз она тилларида ўқимоқдалар.

М. Шолохов ижоди бепойн мамлакатимиздаги барча халқлар каби ўзбек халқи учун ҳам ардоқли. Адибнинг «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» каби улугвор эпопеялари ўзбек китобхонларининг севимли асарларига айланган. Кўп ёзувчиларимиз М. Шолохов ижодий мактабидан баҳраманд бўлиб, уни ҳақли равишда ўзларининг устозлари деб биладилар.

Улуғ Ватан уруши фронтларида жанговар қалами билан иштирок этган адиб совет кишиларининг она тупроғимизни фашист газандаларидан ҳимоя қилишда кўрсатган мислсиз жасоратларини эҳтиросли бўёқларда гавдалантирган ўлмас асарлар авторидир. Бу жиҳатдан совет солдатининг метин иродасини улугловчи «Инсон таңдири» ҳикояси айниқса характерли бўлиб, у жаҳон адабиёти новеллистикасининг дурдоналаридан бирига айланди.

Ёзувчи мазкур мавзуни кенг акс эттириш мақсадида урушдан кейинги йилларда «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи устида ишлай бошлади. Совет халқининг галабага ишонч руҳи билан сугорилган бу асарнинг дастлабки боблари ўша кезлардаёқ Маъруф Ҳаким таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилган эди.

Ижодига бениҳоя талабчанлик билан қараган адиб қутлуғ ёшида ҳам халқ ва адабиёт олдидаги бурчига содиқ қолиб, роман устида ижодий ишини давом эттирмоқда.

Қуйида ана шу асарнинг янги бобларидан парча ўқийсиз.



УЛАР старшинанинг ертўласига айни вақтида етиб келишган: кираверишда станокли пулемётдан отувчи Василий Хмиз қўлларини ёнига чўзганича қомат ростлаб турар, старшина Попришченко эса уйқусизликдан қизариб, мизғиган кўзларини ғазабдан ола-кула қилган кўйи унга дашном бермоқда эди:

— Қандай азаматлар пайдо бўлиб қолди ўзи! На уставни тан олгилари келади, на интизомни, ҳарбий хизмат нималигини мутлақо билмайдилар, ярмаркага келиб қолган болалардек хархаша бошлайдилар: кўнгиллари ниманики тусаса муҳайё қилишинг, йўқ ердагини йўндиришинг керак! Ахир, биласанми, солдат деган бўтқа егиси келса ҳам, ўлгиси келса ҳам буни хушига келган вақтида эмас, фақат бошлиқларнинг амри билангина амалга ошириши керак!

У пулемётчининг озгин, кўркам юзига қаттиқ тикилганча бир оз индамай турди-да, яна бирдан бақира кетди:

— Диёнатсизлар! Кўнгилларининг кўчасига келганини қиласизлар! Айтчи, менинг олдимга нима илтимос билан келдинг, ноинсоф? Мен ҳарбий қисмдаманми ё дурадгорлар артелидаманми? Ё сен армияга кунбай ишга ёллангани келганмисан? Сенинг бошқа қисмга кетишинг учун рухсат беришга нима ҳақим бор, нима ҳақим бор? Бугун сен кетсанг, эртага яна биттаси кетса, ана шу тариқа кетаверса, қани, айт-чи, ундан кейин нима бўлади ўзи? Ёлғиз ўзим қолиб, ёлғиз ўзим дивизия командирининг ҳузурига кириб бораманми? Мана, ўртоқ полковник, қариган аҳмоқни кўрдингизми, дейманми? Ҳузурингизга келдим,— старшина Попришченко бўламан. Полкда жанглarda омон қолган одамлар бор эди, мен уларни бамисоли жўжаларини йўқотиб, уйга шумшайганча қайтиб келадиган расво курк товукқа ўхшаб ҳаммаёққа тўзи-тиб юбордим... Мени старшина деган олий унвондан маҳрум қилиб, энг расво дарахтнинг шоҳига осдириб юборинг, мен ана шунақа арғимчоққа жуда ҳам муносиб иш қилиб қўйдим, дейми? Шундай дейми, Василий

Хмиз? Сен мендай бир солдатни қариган кунимда шунақа ҳурматга муносиб кўрмоқчимисан? Мана буни то-тиб кўрганмисан, жин урган зумраша?

Старшина тамакидан кўнғир тортган бармоқлари орасидан бошмалдоғини чиқарди-да, муштини пулемётчининг хипчагина қирра бурни қаршисида бир неча дақиқа ўқталган кўйи тутиб тургач, пастга тушириб, салмоқлаганча уқтирди:

— Сен ақлинг пастлик қилиб ўзбошимчалик билан кетиб қоладиган бўлсанг, сени қочоқ деб ҳисоблайман, шуни билиб қўй! Ҳарбий трибунал олдида қочоқ сифатида жавоб берасан! Бор, жин чалсин сени, бундан кейин менга бунақа аҳмоқона илтимослар билан кела кўрма!

— Ҳўп бўлади, ўртоқ старшина, бундан бўён сизга бунақа аҳмоқона илтимослар билан келмайман,— дея таъкид билан расмий такрорлаган Хмиз, қизларнинг қошидек нозик ва қора қошларини чимирганча чап томонидан шарт орқасига бурилди-да, этгининг ейилиб кетган пошналарини беозоргина уриштириб қўйди.

Старшина унинг хушбичим, расо қоматини узоқ тикилганча кузатиб қолди-да, қўлларини икки ёнига ёйди.

— Қандай донишмандлар пайдо бўлиб қолганини кўрдингларми?— деб қўйди у шапоқ босган кўзларини ўқтин-ўқтин пирпиратиб, анчагина оқ оралаган сарғиш мўйловини ранжиган кўйи ҳурпайтираркан.— Эрталабдан бери тўртинчиси келиши— ҳаммасининг топган гапи битта! Тўртинчиси-я! Ичкари томонга боргилари келмасмиш, шу ерда қолгилари келармиш... Менинг ўзим ҳам мутлақо ичкариги томонга боргим келмаётгандир, ахир буйруқни бажаришим керакми?!— дея бирдан бўғиқ овоз билан чинқариб юборди у, аммо дарҳол ҳаяжонини босиб, энди бир қадар осойишта давом этди:— Ҳозиргина ўттиз тўртинчи полк командири— майорни кўрдим. У: «Дарҳол Таловский хуторига жўнанглар», деб буйруқ берди, дивизиямизнинг штаби ўша ерда экан. Юрак ютиб, ундан: «Биз нима бўлар эканмиз-а?», деб сўрадим. «Ташвишланма, қария, модомики

Михаил Шолохов қаламнаш дўстлари Евгений Петров (чапдан биринчи) ва Александр Фадеев билан фронтда душман танкидан олинган асбобни кўздан кечирмоқда. 1941 йил.

Г. ПЕТРОВСОВ фотоси



жанговар муқаддас мулк — байроқни омон сақлабсизларми, полкни тарқатмайди, тезликда янги одамлар билан тўлатиб, комсостав билан таъминлашади-да, яна фронтга, унинг энг муҳим участкасига жўнаб кетамиз!» деди.— Старшина тантанали тарзда кўрсаткич бармоғини кўтариб, такрорлади:— Энг муҳим участкага-я, билдингларми, бунга нима дейсизлар? «Негаки,— дейди майор,— бизнинг дивизиямиз кўп нарсаларни кўравериб пишиб кетган матонатли, таниқли дивизия. Бунақа дивизия, анчагина путури кетган бўлса ҳамки, кўп бекор туриб қолмайди». Майор шунақа деган бўлса-да, менинг олдимга ҳар хил зумрашлар келиб, болалигига бориб, қаҳрамонлик кўрсатаман, деб бошимни қотирсам...

Улар қадрдон қисмларини ташлаб, фронтда қанғиган бузоқдек адашиб-улоқиб юришмоқчи. Кўнглига келганини қилиб, қисмдан қисмга чопиб юриш қаерда бор ўзи? Қани, менга айтинглар-чи, она сутти оғзидан кетмаган кучуквачча Васька Хмиз энг муҳим участка қаерда бўлишини қаердан билиши мумкин, ахир? Балки, бу ерда бизнинг ўрнимизга мудофаа тутиб турган дивизия қишгача ҳам мудофаа тутганича тураверар, балки бу ерда ҳеч қандай жанг ҳам бўлмас, фақат қимир этмай кутиб ўтиришга тўғри келар. Ким кўпроқ билади, майорми ё шу ҳовлиқма Васьками? Ҳаммаси беҳуда кетадиган бўлди!

Лопахиннинг олдинги барча режа ва мўлжалларини старшинанинг рад этиб бўлмайдиган далиллари омонсиз ағдариб ташлади. Лопахин негадир бошидан каскасини олиб, унинг қуёшдан қизиб кетган сиртини кафти билан силади. «Жин урган чол мутлақо ҳақли! Хом каллам нега буни илгарироқ пайқаб олмади экан?— дея ўйларди у ўкинганча, старшинага қарамай.— Бизни масъулиятли участкага юборишлари ўз-ўзидан аён, фронтлар ҳам бу ерга зўр бермайди. Ҳа, шундай бўлиши муқаррар! Ана, улар бизни четлаб ўтиб, шарққа қараб олишяпти... Эҳ, хомлик қилибман, энди ниятимдан қайтмасам бўлмайди...»

— Хўш, болакайгиналарим, сизлар нимага келдинглар?— дея машъумона шивирлаб сўради, эҳтимолки, тусмолдан юраги ивишиб кетган старшина, ўзи эса юлқишишга чоғланган хўроздек ажин босган бўйинини олдинга чўзганча жавоб кутди.

Лопахин қалин тер босган пешанасини энги билан арта туриб, бепарво оҳангда:

— Қачон йўлга тушишимизни билгани келдик,— деган эди, бехосдан Некрасовнинг оғзи очилиб қолди.

Старшина энгил хўрсиниб қўйди. Олдинги режасидан алам билан воз кечаётган Лопахин ҳам оғир хўрсинди. Пишқириб нафас олган Некрасов эса шивирлади:

— Чалғитиб нима қиласан? Айт-қўй-да! Очигини айтавер, бизга пўписасини ўтказолмайди!

— Гап тамом!— деб чўрт кесди Лопахин ва старшина томон ўгирилди:— Тўпланишга команда беравер, дурадгорлик артелиг чок-чокидан сўкилиб кетмасин тагин... \* \* \*

**У**Н БЕШ километрли йўлни кечкурун соат олтиларда — ярим йўлга борганларда бир озгина манзил ташлаш билан босиб ўтдилар-да, кечкурун соат олтиларда машаққатли жазираманинг тафти қайта бошлаган пайтда толлар қоплаган тақирликда ёйилиб ётган хуторга кириб бордилар.

Бу ер билан дивизия штаби жойлашган Таловский хуторининг ораси етти километрга бўлса-да, хуторга қараётганларидаёқ старшина Попришченко шу ерда тунаб қолишларини эълон қилган эди. Жангчилардан кимдир ранжиган қўйи тўнғиллади:

— Ётишга ҳали эрта! Тамаки чекиб, сал-пал дамимизни олиб, қуёш бот-

гунча Таловскийга етиб борайлик. Нима дединг, старшина?

— Яна кимдир лўқма ташлади: — Кун бўйи туз тотмадик! У ерда ақалли комендантнинг қозонидан насиба тегиб қолар...

Попришченко гард босган мўйлови-ни хурпайтириб жекирди-да, гапиратганларга ўкрайиб қараб қўйди: — Қани, сафсата билан гап сотишни тўхтатинглар! Мен очофат чувриндилар билан полковникнинг ҳузурига кириб боролмайман. Тушундингларми? Шу ерда тунаймиз, кеч киргунча ҳамма ишни жобажо қиласизлар: либосларингизнинг йиртиқларини ямаб-ясқайсизлар, кимнингки пой-афзали ночор ҳолга келган бўлса — ўнглаб қўясизлар, қуроллар важи — ўз-ўзидан маълум, ойна қилиб ярақлатасизлар, қолаверса, ювинасизлар, соч-соқолларингизни қиртишлаб оласизлар. Хуллас, эрталабгача чиннидек бўлиб турасизлар. Қаттиқ текшираман. Тушунарлими? Қорин тўйдириш

лан тиқиллатди. Рухсат беришини кутиб ҳам ўтирмасдан нимқоронғи хонага штаб бошлиғи майор Головкин кириб келди.

— Уйғоқмисан, Василий Семёнович?— деб сўради у.

— Ҳа, нима демоқчи эдинг?

Барвақтроқ тўлишиб келаётган пастак бўйли бақалоқ Головкин тез юриб дераза олдиға борди-да, пенснесини олиб уни дастрўмоли билан артганча Марченкога ўгирилмай, овози қалтираган қўйи шундай деди:

— Уттиз саккизинчи келди...

— Ҳа-а-а...— дея ўрнидан кескин кўтарилди Марченко, тишлари ғичирлаб гирих бўлиб қолди; чакка суягидаги аччиқ оғриқдан чалқанчасига йиқилиб туша ёзди.

У яна ёнбошлаб, бор куч-қувватини йиғди-да, узоқдан эшитилаётгандек бегона овоз билан сўради:

— Қалай?..

Қаёқдандир йироқдан қулоғига Головкиннинг таниш овози етиб келди:



Расми А. ХОЛИҚОВ чизган

важига бўлса — колхоздан топиб келаман. Бу ер ҳам ахир етти ёт бегона давлат эмас-ку, қўрама-қўра изғиб юра кўрманлар, биз тиланчи эмас. Тушунарлими? Полкнинг шаънига иснод тегдирмайман, бу сизларга аниқ ва равшандир. \* \* \*

**С**ЕРАФИМОВИЧ шаҳри бўсағасида кифти ва бошидан яраланган дивизия командири полковник Марченко эрталаб ярасини қайта боғлаганларидан кейин бир стакангина аччиқ чой ичгач, дам олиш учун чўзилди.

Яраланиб кўп қон йўқотиши ва уйқусизлиги оқибатида шу кунларда у анчагина қувватсизланиб қолганини сезар, тинкасига тегаетган мудроқ босишдан ғаин келар эди. Аммо салгина кўзи ипинган эдики, кимдир эшикни оҳиста бўлса ҳам қатъият би-

— Йигирма етти жангчи. Улардан бештаси энгил яраланган. Моддий қисм — ўзинг биласан... Полк байроғини омон сақлашибди. Одамлар саф бўлиб кутиб туришибди.— Қулоғининг яқингинасига келиб айтди:— Вася, сен турмай қўяқол. Мен қабул қиламан. Турмагин-да, тентак, аҳволинг танг. Рангингда ранг қолмабди. Э, шундай қилиб бўладими ахир?

Марченко қорамғиз қўлини дока билан танғилган бошига қўйганча койкада бир неча дақиқа оҳиста тебранган қўйи ўтирди. Унг чеккасини қалин реза тер босди. Иродасининг сўнги кучи билан суяқдор баҳайбат гавдесини аранг кўтарди-да, қатъият билан таъкидлади:

— Мен уларнинг олдига чиқаман. Ўзинг биласан, Фёдор, урушгача мен бу байроқ остида саккиз йил хизмат қилдим... Уларнинг олдига мен ўзим чиқай.

— Кечагига ўхшаб йиқилиб тушмайсанми?

— Йўқ,— деб қуруққина жавоб берди Марченко.

— Ё сени тирсагиндан суяб чиқайми?

— Йўқ. Чиқиб айт — рапортнинг кераги йўқ. Байроқни ғилофдан чиқаришин.

Марченко пиллапоя панжарасига қўли билан суяниб, оёқларини омонат зиналарга эҳтиёт билан қўйганча аста-секин одимлаб, ерга гурсиллаб қадам қўяркан, сафда йигирма етти жуфт солдатча этикнинг ейилиб кетган пошнаси оҳистагина бир-бирига тақиллаб теги.

Полковник аввал кўзи ожиз одамдек оёқ учиди, кейин эса оёғини бемалсл қўйиб одимлаганча аста-секин саф томон борарди. Старшина Попришченко сас чиқармай лабларини қимирлатарди. Жимжит, сукунатда жангчиларнинг ҳаяжонли вазмин нафас олишлари, полковникнинг оёқлари остида қумнинг шитирлаши эшитиларди.

У тўхтаб, дока билан танғилмаган, бир парча антрацитдек чакнаб турган қора кўзи билан жангчиларнинг чеҳраларига назар ташлаб олди-да, кутилмаган бир янғроқ овоз билан хитоб қилди:

— Солдатлар! Ватанимиз сизларнинг жасоратингизни ҳам, чеккан изтиробларингизни ҳам ҳеч қачон унутмайди. Полкнинг муқаддас ифтихори — байроқни сақлаб қолганларингиз учун раҳмат.— Полковник ҳаяжонланар, ҳаяжонини эса яширолмас, ўнг ёноғининг эти учи-учиб турар эди. Қиссагина сукот сақлагач, яна гапирди бошлади:— Мана шу байроқ остида 1919 йили полк Жанубий фронтда Деникин бандаларига қарши жанг қилди. Бу байроқни Сивашда ўртоқ Фрунзе кўрган. Бу байроқнинг жангларда ҳилпираб турганини Ворошилов ва Будённий ўртоқлар ҳам кўп марта лаб кўрганлар...

Полковник мушт бўлиб тугилган қорамғиз қўлини боши узра кўтарди. Унинг жўшқин ишонч ва қамоли ҳаяжон билан тўлган овози яна кучайиб, таранг тортилган тордек янгради:

— Майли, душман вақтинча тантана қила қолсин, аммо биз ғалаба қозонамиз! Сизлар байроғингизни Германияга кўтариб борасиз. Қачонки немис тупроғида бўладиган охири жангларда бизнинг... бизнинг буюк халоскор Армиямизнинг ол байроқлари ҳилпираганда талончилар, зўравонлар, қотиллар галаларини воёга етказган лаънати мамлакатнинг ҳолига вой!.. Раҳмат сизларга, солдатлар!

Банди узра қатлари қуймадек вазмин солланиб турган қирмизи байроқнинг хира тортган зарҳал шокиласини шабада оҳиста тебратарди. Полковник байроқ олдига аста юриб келди-да, чўккалади. Бир лаҳзагина қалқиб кетди ўнг қўлининг бармоқлари билан намхуш қумга вазмин суяниб қолди, аммо дарҳол заифликдан ўзини ўнглаб олиб, танғилган бошини эҳтиром билан эгди-да, ўқ дори дуди, йироқ йўллар гарди, дашти биёбон ёвсонларнинг ўткир ҳиди ўрнашиб қолган духоба байроқнинг четини беором лабларига босди...

Лопахин тишларини тишларига босганча қимир этмай турарди, ўнг томонидан маънос ва оҳиста пиқиллаган товушни эшитгач, сал бурилиб қараса: жанговар хизматда чиқиққан старшина Попришченконинг елкаси силкиниб-силкиниб, ёнига ростлаб турган қўллари қалтираётибди, юмук қўзларидан майда, тиниқ ёш томчилари тирқираганча, кексаларга хос халтим-хултим ёноқларидан думалаб тушаётибди. Аммо устав ҳукмидан чиқолмаслиги сабабли ёшини артиб олиш учун қўлини кўтаролмас, мўйсафид боши эса тобора қўйи солиниб борар эди.

Ваҳоб РҮЗИМАТОВ таржимаси

# «ҚИЗИЛ ШАРҚ» ИЗИДА УНГАН ЧЕЧАКЛАР

**Б**УТУН Россия Марказий Ижроия Комитети юборган мактубнинг мазмуни қисқа эди: «Тошкентлик ўртоқлар Туркистонга агитпоезд жўнатишимизни илтимос қилмоқдалар».

Яков Иванович Буров қувониб кетди. РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР Марказий Ижроия Комитети ташаббуси билан агитпоезд ташкил этилганидан РКП(б) Туркистон Улка комитети ҳам хабардор эди. Ставрополь губернияси, Озарбойжон, Дон ва Тверь бўйлаб ана шундай поездлар олиб борган иш ниҳоятда яхши самара берган эди.

1905 йилдан буён партия аъзоси, партиянинг синалган ходими Яков Иванович Буровга агитпоездлар ва агитпароходлар ташкил этиш ҳамда уларнинг ишига раҳбарлик қилиш бўйича тузилган махсус комиссияга бошчилик қилиш вазифаси юкланганига атиги бир неча ой бўлган. Марказий Комитетда Буровнинг комиссия тузиш тўғрисидаги қарор билан таништирган ходим сайёр агитацияга Владимир Ильич айниқса катта аҳамият бераётганлигини таъкидлаган эди. Доҳий сиёсий-тарбиявий ишда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш лозимлигини уқтириб, поездлар ва пароходлар сиёсий бўлимларига агрономларни, техникларни, партия ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини тушунтириб бера оладиган мутахассисларни киритишни тақлиф этган эди.

Яков Ивановичнинг иш куни соатма-соат пухта тақсимланган. Турли-туман моддий-техник характердаги масалаларни ҳал этиш учун Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети Президиумида, Халқ комиссарликларида бўлади, митингларга бориши шарт. Поезд эса Митишчидаги вагонсозлик заводида тайёрланаётган эди.

Поездни жўнатиш вақти яқинлашиб қолди. Партия Марказий Комитетида «Қизил Шарқ» деб аталган бу составнинг 29 тажрибали тарғиботчи ва ташвиқотчидан иборат сиёсий бўлими ҳам ташкил этилди. Уларнинг кўпчилиги чоризмга қарши маҳфий курашнинг машаққатли мактабини ўтаган кишилар, бир қисми РКП(б) Марказий Комитетининг инструкторлари, бир қисми партия VIII съезди делегатлари эди.

Сиёсий бўлимдагиларнинг кайфиятидан шу нарса маълум бўлдики, Москва ёрдамини кутаётган ўлкада вазият мураккаб. Туркистон ўлкасига Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув ва Закаспий областлари кирар эди. Улканнинг ялпи аҳолиси — 5 миллиондан кўпроқ, ҳаёт тарзи хилма-хил, ўтроқ ва кўчманчи халқлар.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида бўлган аҳолини жипслаштириб, социалистик жамият қуриш учун фаол курашга жалб этишда таял қийинчиликлар туғилди. Табиийки, буларнинг

барчаси, агитпоездни ҳар томонлама жиддий тайёрлашни тақозо этарди.

1919 йил ноябрининг охирида Я. Буров поезднинг шайлиги ҳақида ахборот берди, декабрь ойи ўрталарида эса сафарга жўнаш олдидан охириги марта поезд сиёсий бўлимининг йиғилиши бўлди. Ишга тайёргарлик билан боғлиқ турли масалалар, шунингдек, Туркистондаги аҳвол чуқур муҳокама этилди. Бу масалада ўша пайтда Москвада бўлган РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича фавқулодда комиссари П. А. Кобозев нутқ сўзлади.

Вазият 1919 йил охиригача мураккаблигича қолди. Душман марказий Россиядан узиб қўйган Туркистон қарий йил бўйи ҳамма томондан фронт қуршовида яшайди. Бу эса ўлкани Москва ва Петрограддек революция марказлари билан иқтисодий алоқа қилишдан маҳрум этган эди. Пахта кризиси кескинлашди. Нон, саноат моллари, нефть, кўмир табиб келтириш тўхтади. Экин майдонлари кескин қисқариб кетди. Бир ёқда Урта Осиёни мўмай ўлжа ҳисоблаган халқаро империализм таҳдид соларди. Туркистон олов халқа ичиди. Оренбург фронтда генерал Дутов, Еттисувда — Анненков, Закаспийда — инглизлар, Фарғона водийсида — босмачилар ҳўжайинлик қилар эди... Гражданлар урушининг кескин шароитида Туркистоннинг марказдан узилиб қолиши марказий партия ва совет ташкилотлари томонидан сиёсий раҳбарлик қилишни қийинлаштирди. Йилнинг иккинчи ярмида вазият сал яхшиланди. Август ойида Шарқий фронт қўшинлари Колчакка кучли зарба бердилар. РКП(б) Марказий Комитети Шарқий фронт таркибидан янги — Туркистон фронтини ташкил этди ва унга ўлкада контрреволюцияни тугатиш вазифасини топширди. Сентябрь ўрталарида М. В. Фрунзе қўмондонлигида янги фронт қўшинлари Колчак ва Дутов қўшинларини тормор этиб, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси армияси билан қўшилди. Оренбург — Оқтўба fronti тугатилди. Бу факт ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатишда катта аҳамият касб этди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети В. И. Лениннинг тақлифига биноан, 1919 йилнинг 8 октябрида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясини тайинлади. Бу комиссия Ш. З. Элиава, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбисhev, Я. Э. Рудзутак ва бошқа атоқли партия ходимларидан иборат эди. Комиссия зиммасига партия ички ҳаёти ва ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш борасида ёрдам кўрсатиш юкланган эди. Владимир Ильич Ленин ўзининг Туркистон коммунистларига йўллаган махсус хатида: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабатлар

ўрнатиш эндиликда Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси учун, муболаға қилмасдан айтиш мумкинки, улкан, тарихий жаҳоншумул аҳамият касб этади», деб ёзган эди.

Агитпоезднинг иш программасига ҳар томонлама тараққиётга эришишлари учун совет Шарқи халқларига биродарлик ёрдами кўрсатиш ва миллий адоват изларини тағ-томири билан йўқотишга кўмаклашишдан иборат ленинча фикр асос қилиб олинган эди.

1920 йил 23 январининг изғиринли тонгида РКП(б) Марказий Комитети, РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Шарқ коммунистик ташкилоти марказий бюросининг ваколати билан «Қизил Шарқ» агитпоезди Москванинг Қозон вокзалидан Тошкентга қараб йўл олди.

Сизрань — поезднинг дастлабки бекати эди. Бу ерда беш митинг ўтказилди, кўпчилигида Маориф халқ комиссари А. В. Луначарский нутқ сўзлади. Аммо иш юзасидан тез орада уни Москвага чақириб олдилар. Шу сабабдан у Туркистонга кела олмади. Сизрандан сўнг — Самара, Оренбург, Оқтўба... Бу ерларда поезд бир неча кунлаб тўхтаб, митинглар ўтказди, меҳнаткашлар билан суҳбатлар уюштирди, поезд сиёсий бўлими ходимлари халқни РКП(б) VIII съезди қарорлари билан таништирди.

1920 йилнинг 13 мартда «Қизил Шарқ» Тошкентга келди. Тошкентликлар москвалик меҳмонларни илиқ кутиб олдилар. Мезбонлар чинакамига хурсанд эдилар: партия VIII съезди қарорлари билан қуролланган москваликлар тажрибаси, уларнинг билими туркистонлик ўртоқлар олдида турган улкан ва оғир вазифаларни ҳал этишда партия ва совет ташкилотлари кучига куч қўшарди.

Янги йилнинг дастлабки ойларида фронтларда ҳам жиддий ўзгаришлар бўлди. Фарғона водийсида босмачиларга кетма-кет кучли зарбалар берилди. Туркистон комиссияси Бухородаги воқеалар, амир зулмига қарши инқилобий чиқишларни эўр диққат билан кузатиб борди. Бухоро коммунистларига кўп ёрдам кўрсатилди.

Буларнинг барчаси «Қизил Шарқ» поезди маршрутларини белгилаш пайтида ҳисобга олинди ва дастлабки сафар Бухоро томонга қараб белгиланганлиги бежиз эмас.

26 март куни поезд Когонга келди. Москвалик ўртоқлар қизгин кутиб олиндилар. Ҳамма жойда митинглар бўлиб ўтди — меҳнаткаш халқ партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати вакиллари самимий кутлади. Поезд сиёсий бўлими томонидан бир неча кун мобайнида ўтказилган катта тарғибот ва ташвиқот ишлари совет ҳокимиятининг барқарорлигига, халқлар ўртасидаги дўст-

Анвар ЭШОНОВ

## Бир кўча бор Ургутда

Галаба кунлари отилар мушак,  
Қуёш салобати, акси бор унда.  
Тикилиб қарагил, кўрасан, бешак,  
Қайтмаган жангчингни ҳар бир учқунда.  
Улар кўкка чиқар, ярақлаб лак-лак,  
Кўрсатиб жаҳонга нурдай пок юзин.  
Менинча, чарақлаб отилган мушак —  
Йигирма миллион шаҳиднинг кўзи...

Киров номли бир кўча бир Ургутда,  
Қўш арава сизмас келса бақамти.  
Шу кўчалик бир юз бешта бургутдан  
Бештагина ярадори кеч қайтди.

Кўрмачилар: боғ кўчани тўлдириб  
Оқшомлари беқасамдан тўн кийган,  
Не сулуви «...оҳ, беажал ўлдириб»,  
Сайилларда «Беш қарсак»ни хўп қийган,  
Жасур, танги, зукко тенгу тўшларин.  
Олам дарди эрта тушиб бошига,  
Улар ётар ерга босиб тўшларин,  
Муҳаббатнинг энг гуллаган ёшида.  
Мармар тахталарда қисқадир калом,  
Исми, фамилияси. Ҳарбий унвони.  
Бунда мангуликка мерос қолган ном  
Соғлом ҳўжайрадек сақлар дунёни.  
Оҳ, тошга битилган бу номлар чўзик,  
Томир-томиримга санчилар игна,  
Номлардан номларга кўчаркан кўзим.  
Ернинг титраб турган қалбини тингла:  
Утли юраклари вулқонли эди!  
Улар ўз халқидек виждонли эди!  
Зафар таркибида битта заррадай,  
Жангда эгалланган митти маррадай,  
Йиқилган чоғда ҳам орта қарамай,  
Музаффар наслдан бир шажарадай,  
Қолди Европада танкларни тўсиб,  
Бир кўчадан юзта йигит қайтмади!  
Жасорат ҳақида мингдан бир қўшиқ  
Уларнинг кўксига қолган байтмиди?

Европанинг олис йўллари бўйлаб,  
Хазон бўлган севги, вафо, ишқ ётар.  
Маъсум табассумлар. Покиза ўйлар —  
Қабрлар хокига қоришиқ ётар.  
Симёгочга қўнган қора қарғадай  
Дилларда ўқ ўрни тизилиб ётар.  
Мунғайиб боққанча куйган қарағай,  
Кўлмакнинг кўз ёши сизилиб ётар.  
Чўкди не дилларга жанг қиёмати  
Бағрига босгунча куюнди тупроқ,  
Сангтерош, ол рангли бўлсин қомати,  
Кўксига ўқ изи медалдан кўпроқ.  
Интизор дилларда ҳамон тирикдай  
Тошларга ўйилган ҳар битта исм  
Олам таркибида битта бирикма,  
Битта ҳўжайрага айланган жисм...  
Тўй куни ёқилган гулханлар аро,  
Улар термуларкан ўтли кўз билан,  
Ошиқ-маъшўқалар, тикилиб қаранг,  
Улар сизга боқар ёруғ юз билан.  
Соқий, қулоқ тутгил шивир-шивирга.  
Хонанда — жим. Созанда — жим.

Нотиқ — жим.

Чумоли чаққандай этим жимирлар,  
Шаҳидлар номидан сўзлаётган ким?  
«Гулгун шароблардан куйинг бир қултум

ликнинг кундан-кун мустақамлашиб боришига меҳнат аҳли қалбида чуқур ишонч уйғотди.

Қисқа муддат Чоржўйда бўлган, «Қизил Шарқ» Самарқанд областига қайтди. Поезд сиёсий бўлими ходимлари бу ерда ўтган партия конференцияларида фаол қатнашдилар.

Поезд энди Фарғона водийси томон йўл олди. Босмачилик ҳаракати водий халқ хўжалигига катта зиён етказган, одамлар изғиб юрган босмачи галалари дастидан безиллаб қолган эдилар. Шу туфайли ҳам бу ерда москваликлар олиб борган иш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар водийнинг қарийб барча шаҳарларида бўлдилар, революцион комитетлар, хўжалик ва маданий ташкилотларнинг ишларини ўргандилар, маҳаллий ўртоқларга конкрет ва амалий ёрдам кўрсатдилар. Қўқон, Фарғона, Андижон, Уш, Жалолободдаги саннат корхоналарида қизил шанбаликлар уюштирилди ва уларда ўзлари ҳам иштирок этдилар.

Июнь ойининг бошларида «Қизил Шарқ» Тошкентга қайтди. Поезднинг бу ерда узоқроқ туриб қолиши бежиз эмас эди. Гап шундаки, жойларда олиб борилмаётган ишнинг аҳволи ҳақидаги ахборот, партия ташкилотларини мустақамлаш, сиёсий-партиявий ишларни йўлга қўйиш борасида «Қизил Шарқ» поезди сиёсий бўлими ходимларининг фикри Ўлка Компартияси ва Туркистон Комиссиясида зўр қизиқиш уйғотган эди. Олдинда ҳамма омилларни ҳисобга олган ҳолда, бутун кучини сафарбар қилиб, турли реакцияни ташкилотлар ва мафкуравий оғмачиликларни тугатишга оид кураш йўлини ишлаб чиқиш, партия сафини ҳар хил тасодифий гуруҳлардан тозалаш, партия ташкилотларини Туркистон Компартиясининг навбатдаги съездига тайёрлаш вазифаси турарди. Ана шу масалаларнинг барчасини область ва уезд партия комитетлари вакилларининг «Қизил Шарқ» поезди сиёсий бўлими ходимлари иштирокидаги махсус йиғилишида муҳокама қилиш белгиланди. Йиғилиш 21—26 май кунлари бўлиб ўтди. Сиёсий бўлим раҳбарлари ўз чиқишларида поезд бориб келган областлардаги партия ва совет ташкилотларига вазиятни чуқур таҳлил қилиб бердилар, йиғилиш тавсиясига асос бўлган бир қанча муҳим тақлифларни киритдилар. Хусусан, гап раҳбар ходимлар ва оддий партия аъзолари ўртасида партиявий интизомни мустақамлаш зарурлиги, партия ячейкаларига эътиборни кучайтириш, коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ишида партия йиғилишлари мавқеини ошириш, кучларни тўғри тақсимлаш ва улардан тўғри фойдалана олиш ҳақида борди.

«Қизил Шарқ» Москвага қайтиб борган, сиёсий бўлим ҳисоботини ўқир экан, Буров унинг ҳаракат кўламини кўриб чексиз қувонди: 399 митинг ўтказилган, уларда маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 124 минг киши, европаликлардан 100 мингдан ортиқ киши иштирок этган. 68 лекция ўқилган, 222 йиғилиш ўтказилган, 173 киносеанс берилган...

Орадан бир ой ҳам ўтмай, 13 августда «Қизил Шарқ» яна Туркистонга йўл олди. Бу сафар ҳам унинг маршрути ҳар тарафлама пухта ўйланган эди. Дастлаб — Фарғона водийсига. Бу ерда босмачиликнинг қайта авж олиши муносабати билан кескин вазият вужудга келган эди. Қизгин жанговар ҳаракат районларига йўл олган коллектив аҳоли ўртасида катта иш олиб борди. Поезд Хўжанда, Қўқон, Фарғона, Наманганда бўлди...

11 сентябрда Тошкентга қайтиб келиб, янги топ-

ширик олди. Чунки 2 сентябрда халқ Бухоро амирлигини ағдариб ташлаб, янги ҳаётга қадам қўйган эди. «Қизил Шарқ»даги ўртоқлар энди бухороликларга ёрдам кўрсатишлари керак. Шу мақсадда улар эски Бухорога йўл олдилар. Бухоро Революцион Комитети илтимосига биноан поезд 30 декабргача шу ерда қолди. Поезд сиёсий ходимлари маҳаллий совет ҳокимияти аппаратларини, партия ташкилотларини ташкил этишда ёрдам кўрсатдилар.

Январь ойи бошларида яна Фарғона водийсига йўл олинди. Ундан кейин — Самарқандга, Февраль ойида «Қизил Шарқ» Закаспий бўйлаб жўнади ва у ердан Москвага қайтди.

1920 йилнинг 13 августидан 1921 йилнинг 1 мартигача давом этган иккинчи сафарда амалга оширилган ишлар ниҳоятда самарали: Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Ашхобод, 30 уезд шаҳарчаси, 20 дан ортиқ қишлоқда бўлинди... Икки сафар давомида агитпоезд деярли бутун Туркистонни кезиб чиққан эди.

Владимир Ильич сайёр агитация ишлари тажрибасини қанчалик юқори баҳолашини Буров жуда яхши биларди. Шунинг учун «Қизил Шарқ» поезди ишига алоқадор ҳужжатларни алоҳида диққат билан батафсил ўрганиб борди.

Сиёсий бўлим ва унинг бўлимчалари раҳбарларининг ҳисоботларидан Туркистондаги партия ва совет ташкилотлари ишларининг ўша вақтдаги манзараси, унинг иқтисодий аҳволи намоён бўлади. Ҳисоботлар шунини кўрсатадики, сиёсий бўлим ходимлари партия ва совет ташкилотларини ғоявий ҳамда ташкилий жиҳатдан мустақамлаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Хусусан, РКП(б) Марказий Комитетининг поезд сиёсий бўлими таркибига кирган партиявий иш бўйича инструкторлари шаҳар ва қишлоқлардаги партия ходимларига устав талабларини, ҳисобга олиш принципларини, илмий-партиявий статистику олиб бориш зарурлигини ўқитдилар, зарур ҳужжатлар ва ҳисобга олиш бланкларини билан таъминладилар. Бу иш партия VIII съезди бутун Россияда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги учун ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга эди.

Сиёсий бўлим ходимлари қишлоқлар ва уездларда партия ячейкаларини ташкил этишда ёрдам бердилар, ёш активларни партиявий иш маҳоратини пухта эгаллашга ўргатдилар, партиявий-сиёсий ишнинг ташкилий шакл ва усуллари билан таништирдилар. Москвалик вакилларга поездининг ўзидан нашр этилган «Красный Восток» газетаси айниқса катта ёрдам берди. Унда партия ва ҳукумат қарорларини тарғиб-ташвиқ қилувчи мақолалар босилар, партиянинг миллатлараро муносабатлар борасидаги сиёсати тушунтирилди. Меҳнаткаш омма партия ва советларнинг съездларига делегатлар сайлаш бўйича сайлов кампанияларида фаол иштирок этишга даъват этиларди. Шунингдек, газетда маҳаллий ташкилотлар ишида рўй берган нуқсонларни очиб ташлайдиган танқидий мақолалар ҳам босиларди.

Туркистонда сиёсий вазиятнинг мураккаблиги поезд сиёсий бўлимида маҳаллий партия ва совет ходимлари йўл қўйган нуқсонларини очиб ташлашда ўта эътиёткорликни талаб қилар эди. Буров ҳужжатларни синчилаб ўрганаркан, сиёсий бўлим ходимлари бу мураккаб вазифани кўнгилдагидек адо этганликларини кўрди. Борди-ю, ма-

ҳаллий фаоллар бу ҳатоларга билмасдан, тажрибасизлик туфайли йўл қўйган бўлсалар, у ҳолда москваликлар уларга хатони тузатиш ва чалкашликларни бартараф этишда ёрдам берганлар.

Сафарлар давомида сиёсий бўлим ходимлари комсомол, касаба союз ва хотин-қизлар бўлимлари сингари жамоат ташкилотларини ғоявий ҳамда ташкилий жиҳатдан мустақамлаш ишига жиддий эътибор берганлар.

Айниқса, Туркистон меҳнаткашлари орасида матбуотнинг мафкуравий ва ташкилотчилик мавқеини кучайтиришга диққатни қаратганлар. Россия Коммунистик Ёшлар Союзи III съездининг тарихий қарорларини, унда В. И. Ленин сўзлаган нутқнинг моҳиятини меҳнаткаш халққа тушунтирдилар. Шунини айтиш керакки, ҳодийнинг бу нутқи ўша пайтдаёқ Туркистон халқлари тилларига таржима қилинган эди.

Хотин-қизлар ўртасида иш олиб боровчи бўлинма иккала сафар мобайнида қўлаб хотин-қизлар бўлимлари ташкил этишга эришди. Сиёсий бўлим ходимлари, шунингдек, область ва уезд газеталари учун ишчи ва қишлоқ муҳбирлари таъинланди. Редакцияларга ҳам ёрдам кўрсатдилар. Рostaнинг агитпоезддаги бўлими ҳар бир бекатда энг сўнгги ахборотлар ёритилган варақалар чиқарди.

...Буров ҳисоботлар билан танишган эслади: Бултур, агитпоезднинг дастлабки сафари якунлари муҳокамасидан сўнг, якунловчи ҳужжатлар Валериан Владимирович Куйбишевга топширилган эди. Бу 1920 йил 23 августда бўлган эди. Кейинроқ, поезд иши ҳақидаги материалларни Туркистон Компартияси Марказий Комитетига топширар экан, Куйбишев бу ҳужжат ва материалларнинг жуда қимматли эканлигини ўқирган эди. Куйбишев, агитпоезд ҳужжатлари Туркистонда партия ва совет қурилиши ишлари учун жуда фойдали эканлигини ва амалий ишда бунини албатта ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган эди.

«Қизил Шарқ» агитпоезди серқуёш ўлкамизга бундан олтмиш йил муқаддам келган эди. Шундан буён собиқ Туркистонда афсонавий ўзгаришлар рўй берди. Леонид Ильич Брежнев таъбири билан айтганда, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа барча иттифоқдош республикаларнинг бугунги воқелиги уларнинг ўтмишидан ер билан осмонча фарқ қилади. «Большевикларнинг миллий сиёсати,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга «Халқлар дўстлиги» орденини топшириш тантанасида сўзлаган нутқида,— Октябрдан кейинги дастлабки кунларданок ўзида қизгин бирдамлик ва маънавий мадад билан амалий ва ҳар тарафлама биродарларча ёрдамчи узвий бирлаштирди. Мамлакатимизнинг барча, жумладан, интвенция ва граждандар уруши йилларида оғир талафот кўрган марказий районлари капитал жамғармага, маълумотли ва малакали кадрларга муҳтож эди. Аммо совет ҳокимияти чекка миллий ўлкалар деб аталмиш жойларнинг жадал тараққиётини таъминлаш йўлини тутди».

Қуёшли республикамизда янги ҳаёт қурилишининг биринчи йилларини қўйишда халқимиздан ёрдамчи аямаган «Қизил Шарқ» агитпоезди босиб ўтган йўлларда бугун Коммунизмнинг аён нишонлари барқ уриб яшнаб турибди. Партия қуёши ва озод, фаровон ҳаёт шароитида республикамиз ажиб гулистонга айланмоқда.

**Евгения МЕЖЕНИНА,**  
тарих фаълари кандидати,  
**Мамажон ПУЛАТОВ**

Менга ҳам Галаба дастурхонидан.  
Сафга қайтмаганлар эсланса бир зум,  
Шуъладек жой олгум дўстлар ёнидан.  
Армонлар йўқмиди менинг кўнглимда —  
Зебигардон тақмай ёримга илким,  
Нега портлаб кетдим умрим йўлида —  
Мени кутмасмиди муҳаббат мулки?  
Ешгина кетиш-ку алам қилади,  
Жаҳоннинг бошида қайғу бўлмаса,  
Йигитлар дунёга нега келади,  
Фарзанд бурчи деган туйғу бўлмаса?  
Ҳарбий буйруқларнинг кўчирмасида  
Ёзиб қўйилмаган мардлик шартлари.  
Қандай уйга борай ўчирмасимдан —  
Ёнган Европани — юрак дардларим!  
Бир гўзални севар эдим мен чиндан,  
Исмиш шакаргуфтор тилида қолди.  
Мен унинг кўзида қолган ёлқинман,  
Шакли-шамсийлим дилида қолди.  
Зилзила кезлари тоғлар босгандай,  
Ёнган танк остида қолиб кетдим мен.  
Уқлар тешиб ўтди, дўстлар, каскамдан.  
Фашистга таҳлика солиб кетдим мен.  
Улим оралғи жангда бир ҳатлам,  
Танклар парчасига қўйиб бошларин,  
Ҳар кимга тонналаб ўқлар қатлами —

Остида ётибди окопдошларим.  
Уша ўқ текканча танклар жангида  
Ҳали чўкканча йўқ қабрим хоклари.  
Буткул чиримаган ўқлар зангидан  
Ҳали битганча йўқ дунё покланиб.  
Онам мени кутар. Рўмолга тугиб —  
Тишлаб қолдирганим кулча онларни.  
Қабрлар устидан ўтмоқда бугун  
Ядро қуролнинг полигонлари!  
...Кўзни ардоқлаган посбон киприкдай  
Соқчилар қўйингиз ер теграсига.  
Ҳар бир тўйхонага, ҳар бир кўприкка,  
Туғруқхоналарнинг чегарасига.  
Келинчак, уйганинг доимо сокин,  
Ширин тушлар кўрган гўдак тинч бўлсин.  
Инсон яшар экан оламда токи,  
Соғинч — бу муҳаббат соғинчи бўлсин.  
Маъсум табассуминг, оҳу кўзларинг,  
Ёргинанг йўлида қўшчиноқ бўлсин.  
Қадаҳ шарафига ҳамма кўзғалар, —  
Толеинг сарбаланд, ғам йўроқ бўлсин!  
Гулгун дудоқларга гулоб тут, соқий,  
Дунё нафас олса ҳар бир лаҳзада,  
Токи бу жаҳонда ишқ бўлса боқий,  
Йўқолиб кетмаган бўлса лаҳжалар,  
Агар ўз ўқида айланса замин,

Тўйга-тўй уланса севги ёшида,  
Бекадр бўлмаса бўсаннинг таъми,  
Оппоқ кабутарлар учса бошимдан,  
Севгилар пок бўлса биринчи қордай,  
Кўзадан тушган май жилдирашида,  
Ёниб турган кўзлар ичра мен борман,  
«Мен — чархи давроннинг ёлдирашида!»...

Урушнинг сояси тушмаган уй йўқ,  
Кимдир кўсалмаган биронта тўй йўқ.  
Менинг юрагимни ўртаётган чўғ —  
Йигирма миллион дилда қолган ўқ.  
Шаҳидлар рўйхати тузилса агар,  
Дунёда энг кутлуғ китоб бўларди.  
Кўтара олмасди балки карвонлар,  
Энг дардли, энг ўтли китоб бўларди.  
Олиқ Евродан фолиблар изи,  
Олам харитасин янгидан чизиб —  
Кўёлди Ватаним. Олам қиримизи.  
Оппоқ кабутарлар учар тизилиб.  
Йигирма миллион оппоқ кабутар  
Бир фолиб руҳ каби кезар дунёни.  
Оппоқ кабутарни ардоқланг, дўстлар,  
Оппоқ кабутарлар — шаҳидлар жони!

1 Асқад Мухтордан.

# ИЛҲОМ ВА ИЖОДНИНГ ОРОМИ БЎЛМАС

1936—37 ўқув йили. Биз, бир гуруҳ ёшлар Охунгузардаги Покровский номли рабфакда таълим оламиз. Ўқитувчимиз — қомати келишган, хушфеъл йигит Маликов шоирона пафос билан мароқланиб ўзбек адабиётидан дарс беради. У лекцияга киришиб кетганда синфда пашша учса эшитилди. Ўзбек совет шоирлари Ҳамза, Фафур Ғулом, Ғайратий, Ҳамид Олимжон ижоди билан бизларни таништириб бўлгач, навбат Уйғунга келганда унинг овозида илгари унча сезилмаган ҳаяжон янгради. У бизни шоирнинг таржимаи ҳоли билан қисқача таништирганидан сўнг дарснинг қолган қисмини бадий ўқишга бағишлаб, «Колхозчи қизга», «Жонтемир», «Украина еллари» поэмаларини ўқиб берди.

Менинг шеърятга ҳаваскор қалбимда кўпдан бери яшаб келаётган учкун ўша кун бирдан алангалиб кетгандек бўлди. «Колхозчи қиз» да янги совет кишиси — Аноргул образи, «ёқут кўйлак кийиб кўринган уфқ», «кучоқлаб бағрига тортадиган дилбар» коллектив ҳаёт; «Жонтемир» даги ўтмишнинг ҳасратли манзаралари, «эгнига беқасам тўн, бошига оқ тағдузи — кумуш дўппи» кийиб ўтирган йигитсимон тоғлар, Жонтемирнинг Октябрдан кейинги саодатли кунлари; «Украина еллари»нинг ҳаяжонли романтик тасвири кўз ўнгимда жонландию анча вақтгача уларнинг сеҳри таъсиридан чиқолмай юрдим. Бир мен эмас, барчамиз ҳам бизларни мафтун қилган, руҳимизни кўзгатган куч нимада эканини изоҳлаб беролмасдик. Аммо поэмалардаги узун-узун парчалар бизга ёд бўлиб қолди. У йилларда шоирлардан биронтаси билан шахсан учрашмаган, фақат расмлари орқали танир эдик, холос. Бошқа ўртоқларимни билмаман-у, менга юрагимни жунбушга келтирган шоирни кўриш иштиёқи тинчлик бермасди. Қандай қилиб ва қаерда учрашишни ҳам тасаввур қилолмасдим. Буни қарангки, Уйғунни кўришимга А. С. Пушкин ёрдам берди.

Воқеа шундай бўлган эди. 1937 йил. Советлар мамлакати буюк рус шоири вафотининг 100 йиллигини ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Республика ҳукумати қарори билан ўзбек шоирларининг катта бир гуруҳи юбиларнинг асарларини баланд руҳ ва муҳаббат билан таржима қилишга киришган. Шоир ҳақида мақолалар ёзилаётди. Ҳаммининг дилида Пушкин.

Орзуга айб йўқ, деганларидек, мен ҳам Пушкинга атаб шеър ёздим. Лекин бировга кўрсатишга журъат қилолмасдим. Билмадим, қаердан мардлик пайдо бўлдию Ёзувчилар союзига, Уйғун ака олдиға борганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Уйғун ака шеъримни олиб, «Уч-тўрт кундан кейин келинг, жавобини айтаман», деди. Ўша уч-тўрт куннинг ўтиши нақадар қийин бўлгани ҳамон ёдимда. Иккинчи борганимда: «Мен шеърингизни бир оз тузатиб, журналга бердим. Кутиб туринг, чиқиб қолар», деди. Дарҳақиқат, шеър босилиб чиқди. У «Поэзия кўшига» деб номланган эди.

Уйғун ижоди ҳақида дарсда олган

Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг 75 йиллигига

илк маълумотларим ва дастлабки бевосита учрашув менда шоир асарлари билан чуқурроқ танишиш, унинг ўзим билмаган бошқа китобларини топиш иштиёқини уйғотди, шу мақсадда кутубхоналарга қатнай бошладим. Шошилиб каталогларни излайман. Ҳа, мана шоирнинг биринчи шеърлар тўплами — «Баҳор севинчлари» (1929). Ундаги «ўт юракли, юзи нурли, алангали ботир» — Октябрь инқилобига, «нур сочиб, гуллар очиб, шодлик-ла ўйнаб келган» Май байрамига, «кўзлари умидли, сўзлари бир олов ёлқини каби ўткир, кураш ва меҳнат боласи» — комсомолга, «фабрикада нурлар кўйида эркин меҳнат қилаётган» ўзбек қизига, «нур кўйида тўлганиб, денгиз каби қайнаб ётган» Москвага, доҳий Ленинга, баҳорга бағишланган шеърлардаги 22—23 яшар жўшқин қалбнинг ҳароратли нафаси ўз жозибаси билан мени ҳайратга солди.

Социалистик инқилоб ва Совет давлати кўлига «олтин соз» бериб, «Мана, энди бор овозинг билан эркин давронингни куйла», деганидан кўнунчи ичига сизмаган шоир: «Бу сола миллионлар бахтини куйлайман, миллионлар бахтини!», дейди. Ўз ёзувчилик меҳнатини ҳаётни қайта қураётган халқ меҳнатига баробар ҳис қилади: «Ҳаёт шеърим учун янги манбалар очади», «созимнинг унлари гудок товушлари каби кучли». Ўша йилларда ғоявий маслагини аниқлаб ололмай юрган баъзи шоирларни танқид қилиб, «Йўлим — Ленин йўлидир, бу йўлдан ҳеч озмайман!», дейди.

Менинг адабиёт ҳақидаги, айниқса, шеърят ва унинг қонуниятлари тўғрисидаги тушунчаларим ҳали эстетик завқланишдан нарига ўтмас эди. Эҳтимол, бу китоб хусусида билимдон кишиларнинг мулоҳазалари бордир? Газета саҳифаларини варақлаб, Уйғуннинг ўзини ўқшаган зукко ва заковатли танқидчи Олим Шарафидиновнинг 1930 йил августда «Шарқ ҳақиқати» газетасида эълон қилинган мақоласини топдим. Уни кўздан кечириб, нималарни ўқиб ололмаганимни англадим.

Танқидчи: «...Биз янги курашчи кучларга кўплаб муҳтож бўлганимиз бир даврда омма ичидан чиқиб, Коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида давом қилдиримоқда бўлганимиз кураш ва меҳнатдан илҳом олиб, социализм учун курашни «бу менинг асосий вазифам», деб англовчи курашчан кучлар билан қаторимизнинг мустаҳкамланиши бизни севинтиради. Шунинг учун «Баҳор севинчлари» билан инқилобчи ўзбек шоирлари сафига янгигина қўшилган умидли шоирларимиздан биттаси Уйғун», деган экан. Тўпلامдаги шеърларнинг мавзуси, ғоявий мазмунини устида фикр юритиб, шакл масаласига келганда, Уйғундаги музиклиликни, манзаравийликини мақтаган: «Иссиқ лиризм билан қайнаган табиат лавҳаларини бериш ҳали кўп ёш шоирларимизга насиб бўлган нарса эмасдир». Шоирнинг табиат тасвирига бағишланган:

Табиатнинг мармар танли, гул сочли  
Эрка қизи — тонг оқариб  
келади.

Чечаклардан тотли бўса олай,  
деб,  
Чаманларнинг гул танини  
силкитиб,  
Аста-аста шабада қиз келади.

каби мисралари келтирилгач, танқидчи: «Хитой санъаткорлари чизган нафис расмларга ўхшаган бу парчада нозик бир завқ кўриниб туради...», дебди.

Шоир ана шу илк китобидаёқ ўзини социалистик воқеликнинг куйчиси, янги ҳаётнинг янги шоири деб ҳис этди. «Ҳаётдан ўргилиб», «турмуш оқимида» бирга борди. Уйғун адабий фаолиятидаги кейинги ютуқлар мамлакатимиздаги, халқимизнинг сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги катта тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ. 1929 йилдан бошланган социализм томон буюк бурилиш даври, кишиларимиз онгида рўй бераётган прогрессив тамойил совет санъати ва адабиёти олдиға янги вазифалар кўйди. Биринчи беш йиллик вазифаларининг салмоқдорлиги Коммунистлар партиясининг XVI съезида шараф иши, мардлик ва қаҳрамонлик иши деб таърифланган меҳнатнинг ҳал қилувчи ролини юксак пафос билан куйлашга ундади.

Партия ва Совет ҳукуматининг адабиёт кенг меҳнаткашлар оммасига ўз таъсирини ўтказувчи катта ижтимоий-эстетик кучга айлангани ҳақидаги ўқитишлари шоирларимизни янада ғайратлантириб юборди. Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Шайхзода, Миртемир сингари сафдошлари даврасида Уйғуннинг қандай янги гап айтгани билан қизикдим. Заҳмон чақирғига «Иккинчи китоб» (1933) жавоб бўлган экан. Тўпلامдаги «Жонтемир», «Зарбали буйруқ», «Коммунизмнинг гулбоғларига», «Март кунларида», «Колхозчи қизга» ва бошқа шеърларда янги завқли ҳаёт юраги тепиб тургани сезилади. Жўшқин романтик кўтаринкилик билан ёзилган «Коммунизмнинг гулбоғларига» шеърисида «Метин қанотига даврининг /Большевик суръати бойланган». Ҳар дамда минг зафар гардиши «Давримизни шундай айланган» мисралари ўша йиллар образи эди. Шоирнинг бадий фантазияси коммунистик келажак манзарасини тўғри тасаввур қилишга имкон берган.

Ҳар икки китоб муталаасидан кейин шунинг англадимки, Уйғуннинг бош мавзуси (доимо унинг ижодида лейтмотив бўлиб қолган) озод инсон, меҳнат ва табиатдир. Зотан, Октябрь инқилобининг буюк ғалабаларидан, юксак маъноларидан бири ҳам ўтмишда ҳоким синфлар томонидан ўғирланган инсоний ҳақ-ҳуқуқларни қайтариб бериш, ўз шарафи ва қадр-қимматига эга қилиш бўлди. Турли мансабдаги ва турли ижтимоий синфларга мансуб одамлар, эркак ва хотин-қизлар ўртасида янги, самимий муносабат юзага келиб, шакллана бошлади. Одамларнинг бир-бирига ҳурмат-эътибори ошди ҳам, меҳнат жараёнида ҳам ошди.

Совет кишилари, бир вақтлар зўраки мажбурият ва ҳўрлик ҳисобланган меҳнатни барча бойликларнинг отаси, ерни ва табиатни эса маъмурчиликнинг онаси, деб билдилар. Уйғун тасвирлаган озод ва ўз қадрини топ-

ган Жонтемирлар, Қумрилар ва Умирлар, ишчи Аҳмадлар ва Батрак Каримлар ана шу ижодкор ота — меҳнат жараёнида, саховатли она табиат бағрида камол топадилар. Уларнинг ҳар бири саҳий табиат болаларидирлар. «Баҳорларнинг чаман кўйида», «Трактордан кўшиқ тинглайдилар», «Пўлат отга минган йигитлар», «Меҳнатнинг завқига толадилар», «Кундан-кун чамани ортаётган, кучоқлаб бағрига тортаётган» ҳаёт завқига қонадилар.

Йиллар қарвони давр юкини ортиб ўтаверади. Шоир ҳам пояма-поя кўтарилиб, турмуш ва ижоддаги тажрибаси ортади. Поэзия халқ орзуистакларининг ифодаси ва донолик шакллари билан бири эканини масъулият билан тушуна бошлайди. Илгари меъерига етказолмаган заиф жиҳатларини танқидий назардан ўтказиб, шеърнинг яширин сирларини мукамал билиб олиш устида тинмай ишлайди. Натижада унинг «Қуёш ўлкасига» (1936), «Уйғун шеърлари» (1936), «Муҳаббат» (1939) ва бошқа тўпلامлари поэзиямиз хазинасига қўшилган эркин асарлар сифатида авторга катта шўҳрат келтирди.

Мамлакатимизда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилаётган, тарихда мисли кўрилмаган ижодкорлик бутун ҳаётни гўзаллик қонуниятлари эсосида қайта қураётган босқичда кишиларимиз ички оламида кўринган руҳий-маънавий бойликларни, буюк ва қудратли, «тупроқлари олтин, боғлари жаннат» мисоли, «кишиликнинг бахт-саодати гунча очган» Ватани, башарият олами «ўз балоғатини, ўз талантини у билан ифода қилган» Ленинни, қадрли олтин тарозиларда тортилиб, боши осмонга етган одамларни, «на пул, на давлат» билан ўлчанадиган ва кўнгил кўнгилдан сув ичиб воёга етадиган дил жавоҳири — муҳаббатни шоир баланд пардаларда куйлайди.

Уйғун — инсон руҳини, табиат нафосатини жуда нозик ҳис этувчи ҳасос лирик шоир. Унинг қалби — қўп торли лира. Бу лира ҳаяжонни, ҳайратланишни, севгини, нафратни, таажубни, кинояни, ҳазилни, қисқаси, олий мавжудот бўлган инсонга хос барча туйғуларни маҳорат билан ифодалайди. Шунинг учун лирик қаҳрамоннинг ҳаяжони, гўё фақат ўз ички дунёсининг ҳиссий товланишлари, ўз дарди ва кечинмалари китоб-хонларга ҳам ўтади, ўша руҳий кайфиятларга шерик қилади. Қалб орқали ўтиб шуурга таъсир этади. Воқеликдан олган субъектив таассуротлар оқибатда объектив моҳиятга эга бўлиб, ҳаммага тушунарли ҳодисага айланади. Унинг ўзи ҳақида айтганлари сиз билан бизнинг дилимизда бор-у, айтолмай турганларимиз бўлиб чиқади. Бу хислат шундан далолат берадики, ҳақиқий лирик шоирнинг руҳида халқ руҳи, қалбида халқ қалби, қонида халқ қони яшайди. Турли элнинг севинчига ҳам, қайғуси ва дардига ҳам ҳамроҳ бўлиб, бирга нафас олади.

Уйғун 1937 йили ёзилган «Ватан ҳақида кўшиқлар» шеърисида толеи баланд фарзандлар доимо она юрт постига қўшар турганини айтиб: «Биз бор экан шонли Ватаннинг «Бўлма-жак енгилган кунни», деган эди. Нема-фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жанглири бошланиб кетган йилларда шоирнинг нозик лираси жанговар қуролга айланди. «Зафар

тароналари» (1942), «Ғазаб ва муҳаббат» (1943) китобларидаги «Ватан ҳақида қўшиқ», «Фронтдан хат», «Қасос», «Анор», «Партизанлар», «Кут» ва бошқа ўнлаб шеърларда бизнинг курашимиз муқаддас озодлик кураши, биз ғалаба қиламиз, деб бонг урди. Чунки:

Зафар машғалини ёндириб  
магрур,  
Ленин Смольнийда ўтирар  
ҳамон!

Маълумки, душманга қарши жанг майдонларида бадиий адабиёт ҳам курашди. Поэзия солдатларга нон қаторида, муҳаббат ва меҳрибонлик қаторида хизмат қилди. Шеъринг тўпламлар ёвуз душман ўқи кўксини тешиб ўтган жангчилар билан бирга ўқиб, бирга кўмилган вақтлар озмунча бўлган эмас. Уйғун шеърлари фронтда ўзбек солдатларига қанчалик илҳом бергани, уларни баҳодирликка даъват этгани ҳақида Улуғ Ватан уруши ветерани, таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий шундай хотирлайди: «...Мен Уйғуннинг «Соғинган бўлсанг» шеърини солдатларга ёддан ўқиб бердим. Бу ажойиб шеърнинг катта жанг олдида, балки ўлим олдида турган довурак жангчиларга қанчалик таъсир қилганини олов ёнган кўзларидан, қатъият сизиб турган шиддатли юзларидан пайқаб олиш қийин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам, менинг назаримда, Уйғун жанговар сафимизда туриб, биз билан жангга кирди. Сафимизда, қуролларнинг қасир-қусурида, ўқлар виз-визида, снарядлар портлашида Уйғун овозининг жўрлиги сезилиб турди».

Уйғун 1940 йилдан бошлаб драматург сифатида ҳам ижод қила бошлади. Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзилган ва ўзбек совет драматургиясининг олтин фондида кирган «Алишер Навоий»дан (1941) кейин мудофаа темасида «Она» (1942), мамлакат ичкарисидида фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштираётганлар ҳаётини тасвирловчи «Қалтис ҳазил» (1944), жанг ўтида тобланган, энг қийин синовлардан ўтган халқлар дўстлигини тараннум этувчи «Ҳаёт қўшиғи» (1947), «Олтинкўл» (1948), «Навбахор» (1948) 50-йилларгача бир қадар қолоқ бўлган драматургиямизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Уйғун фақат шоир, драматург ва ўзининг илмий-танқидий мақолалари, қардош халқлар адабиётидан қилган таржималари, шунингдек, яхши маслаҳатлари билан адабиётимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келаётган жонкуяргина эмас, айни замонда, жамоат арбоби ҳамда адабий ҳаётнинг ташиқлотчиларидан биридир. Унинг жўшқин фаолияти ҳақида ўйлаганда республикамизнинг ташкил топганига 25 йил тўлишига тайёргарлик ишлари қизиб жетган 1949 йил хотиримга келади. Уша вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган Уйғун ўзбек совет адабиётининг ўсиш йўллари ҳақида доклад қилиш учун Бухорога борди.

У ҳали жамоатчилик билан учрашиб улгурмасиданоқ, «Тошкентдан Уйғун домла келган эмиш, адабиёт ҳақида лекциялар ўқир эмиш», деган овоза шаҳарга тезда тарқалган эди. Борган кунининг эртасига «Нардом» — Халқ ўйи деб шўхрат топган (Республикани таъсис қилиш кунларида М. И. Калинин бориб тарихий нутқ сўзлаган) театр биносидида шаҳар меҳнаткашлари ва зиёлиларининг тантанали йиғилиши бўлди. «Бухоро ҳақиқати» газетаси редакциясида, область Музиқали драма театрида мароқли сўхбатлар ўтказилди. Театр коллективи «Олтинкўл» спектаклини тайёрлаган экан. Автор билан учрашувда уни нәмойиш этиб, артистлар муҳим маслаҳатлар олдилар. Қарангки, бундан қирқ йил аввал бошланган дўсто-



на алоқа шоир учун ҳам, Бухоро халқи учун ҳам катта илҳом манбаига, ижодий мусобақага айланди. Шоирни самимий севиб қолган область меҳнаткашлари уни Ўзбекистон ССР Олий Советига кўп марта депутат қилиб сайлаганлари эҳтимол шундандир.

1951 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасини тайёрлаш ҳамда муваффақиятли ўтказишда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси сифатида Уйғун ниҳоятда катта ишларни амалга оширди. У декаданинг Союзлар уйи Колонна залидаги очилиш маросимида адабиётимиз босиб ўтган зафарли йўл тўғрисида гапириб, жумладан, шундай деган эди: «Ўзбек совет адабиёти, Совет Иттифоқининг барча халқлари адабиёти сингари, вужудга келган дастлабки кунларидан бошлаб замонамизнинг энг илғор гоёлари — коммунизм идеалларини, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмининг, халқлар дўстлигини куйлаб келмоқда. У урушга қарши, халқлар ўртасидидаги тинчлик учун курашмоқда. Адабиётимизнинг бош қаҳрамони — коммунизм қурувчилари, совет кишиларидир...»

Ўзбекистон ёзувчиларининг III съезди ҳам Уйғун союз президиумининг раислиги вақтида (1954 йил, август) ўтди. «Ўзбек совет адабиётининг аҳволи ва унинг вазифалари тўғрисида» деб номланган докладда у давримиз ёзувчилар олдида қўяётган вазифаларга муфассал тўхтади. Бирор декада, бирор адабий ҳафталик ёки йирик шеъринг анжуманлар унинг актив иштироки ва маслаҳатсиз ўтганини эслолмайман.

Гап шу ерга етганда Уйғуннинг 1960 йили май ойида Озарбойжонда ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги кунларидаги шавқ-завқли, ҳазил-мутоибалари ёдимга тушди. Бокуга борган делегация аъзоларини аэропортда Озарбойжоннинг гўзал қизлари лимон шарбати билан кутиб олдилар. Ҳаяжонли учрашув дақиқалари. Мезбонларимиз — Озарбойжон Ёзувчилар союзининг раиси Меҳди Ҳусайн, унинг ўринбосари Наби Ҳазрий, Сулаймон Рустам, Маммад Роҳим, Зейнал Ҳалил, Усмон Соривалли ва бошқа ўнлаб ҳамқалам дўстлар Яшин, Фафур Фулом, Шайхзода, Назир Сафаров, Ҳамид Фулом ва Уйғунни бағриларига босадилар. Эртасига —

8 май куни ҳафталик бутун Озарбойжонга ёйилди. Машҳур Нефть дошлари, коммунистик индустрия шаҳри Сумгаит, Мирзачўл мўъжизасини эслатувчи Мингачавур шоир овозини мароқ билан эшитди. Уша кунларда меҳмонларнинг келишига атаб маҳсус чиқарилган зарҳалли «Адабиёт ва инжасанат» газетасида Озарбойжон халқ шоири Маммад Роҳим Уйғунга шундай баҳо берган эди: «Жонли табиат тасвирининг устаси бўлган шоир Уйғун совет кишиларининг янги ҳаётини, озод меҳнатини тараннум этганлардандир. У — Улуғ Ватан уруши йилларида жангчиларни мардлик ва жасоратга чақирган кўпгина оташин асарлар муаллифидир. Уйғун ҳафталик иштирокчиси Иззат Султон билан бирга «Алишер Навоий» драматини ёзган. Бу асар ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналаридан биридир. «Ўзбекистон», «Ҳаёт ишқи», «Шеърлар», «Тинчлик куйлари» номли шеъринг китоблар Уйғунга шўхрат келтирган асарлардир...»

Социалистик жамят ҳаёти, тақдири халқниқига пайванд янги типдаги сўз санъаткорлари билан бирга уларнинг миллион-миллион китобхонларини, китоб шинавандаларини ҳам етиштирди. Бу шараф инқилобдан аввалги шоирларга насиб қилмаган эди. Халқимиз ўз шоирларини ва шеърини нақадар севишини айниқса юбилейлар вақтидаги ҳаяжонли мулоқотлар жуда яққол кўрсатади. Севган шоирининг китобларини излаб топиб ўқиб бошқа-ю, ўзини кўриб, дилиннга жо бўлиб қолган шеърларни унинг оғзидан эшитиш бошқа. Шунда тингловчи ўша асарларни шоир билан бирга гўё қайта ижод қилаётгандек бўлади.

Уйғун 60 ёшга кирганда юбилей тантаналари Хоразмдан бошлангани ёдимда. Шоир ҳамроҳлари билан Урганчда бир кеча қўниб, тарихий обидалари жаҳонга машҳур Хивага йўл олди. Шаҳарни биринчи бор кўраётган бўлмаса-да, бари бир ҳайратланмай туролмади. Беадад фожиялар гувоҳи — Дошқовли, «Маскани фозилон» номини олган ва Маҳтумқули таҳсил кўрган мадраса, зангори гумбазли миноралар шоир хаёлини узоқларга олиб кетади.

Шаҳарни кезиш тугагандан кейин адабий анжуманлар бошланади. Гоҳ Хива район «Москва» колхозига, гоҳ Педагогика билим юртида, гоҳ Ҳазорасп район маданият уйида Уйғун-

нинг юзлаб мухлислари йиғилиб шеър тинглайдилар ва уни минбардан туширгилари келмайди. Қисқаси, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Самарқандда ёшлар шоир атрофида парвона бўлдилар. Мактабларда ўқувчилар уни фахрий пионерликка қабул қилиб, бўйнига алвон галстуклар таққанларида шоир йиллар юқини елкадан иргитиб ташлаб, яшариб кетади.

Илҳом ва ижод ором билмайди. Шеър қаримаганидек, шоир ҳам кексаликни тан олмайди. «Фавоид ул-кибор» босқичига кўтарилганида халқига айтгиси келган доно фикрлари кўпаяверади. Драматургиядаги янги воқеа, янги образ — Ҳуррият ҳақидаги пьеса, унинг мантиқий ривожини — «Парвоз», улуғ аждодимиз Беруний таваллудининг 1000 йиллигига атаб ёзилган «Абу Райҳон Беруний», яна «Абу Али ибн Сино» каби саҳна асарлари; «Олтин дала», «Севги қўшиқлари», «Тонг қўшиғи» сингари шеъринг китоблар шунга кўрсатадики, «илҳомнинг вақти йўқ, селдай келади».

Уйғун, мана эллик йилдирки, қалбини жунбушга келтираётган, халқига садоқат билан хизмат қилаётган шеърининг вазифалари ҳали кўп эканини чуқур ҳис қилади, шу сабабли тиним билмайди. Улка кезиб қўшиқ излайди. «Юзларимда ажин, сочларимда қор ва лекин қалбимда ҳаммиса баҳор», деган шоир доимо йўлда. Фаровон ҳаётимиздаги гўзалликларни, ажойиб кишиларимизнинг фидокорлигини тасвирлаб, оламга кўз-кўз қилади. В. И. Ленин тўғрисида «туғилмаёқ бахтиёр» бўлганимизни, «инсоннинг шўхрати, одамнинг шони» Октябрь парвози билан юксалганини, пахтакорнинг элга садоқатини, муҳаббатнинг ёшу қарига баробар бўлган туганмас иштиёқи — яшашнинг қалити эканини куйлашдан чарчамайди.

Мен Уйғун босиб ўтган 75 йиллик ёрқин, бахтли йўлни кўз олдимга келтирганимда унинг юзлаб, минглаб илғор кишилар билан алоқада бўлиб, ҳар икки ўртада дўстлик ва ўртоқлик иплари боғланганини тасаввур қиламан. Донгдор пахтакор раислар, қаҳрамон бригадирлар, моҳир механикатор қизлар, ишбилармон инженерлар, олимлар, шоирлар, чет эллик прогрессив маданият арбоблари, ҳар куни учрашиб, мулоқотда бўлиб турадиган маслақдошлари ўртасида сон-саноксиз алоканинг олтин иллари бор.

Москвадан Вадим Кожевников: «Муборак юбилейингиз билан қутловчи юрак сўзларимни қабул этинг. Шеърингиз бизга яна ва яна севиноч бахш этаверсин», деса, Киевдан Микола Бажан: «Ўзбекистонда табаррук заминнинг таниқли куйчиси, жонажон Украинанинг садоқатли дўстини қалбдан қутлайман, таъзим қиламан», деса, Жалол Икромий, Али Тўқумбоев, Сулаймон Рустам, Петрусь Бровка алангали салом йўллоса — булар ҳам ўша олтин иллардир. Уйғуннинг «Ўқувчини ўйлаб» деган шеърисида:

Модомики, қўлга қалам  
олдим,  
Шоир ўз касбини оқлаши  
керак.  
Жалол меҳнат қилиб, халқ  
севгисини  
Умрбод қалбида сақлаши  
керак.

деган мисралар бор. Ҳақиқий шоир сифатида катта масъулият сезиб қўлига қалам олган ҳар бир ижодкорга тааллуқли фикр бу. Уйғун ижоди унинг ана шу ақидасига ҳаммиса содиқ эканлигини кўрсатади. Биз, шоирнинг мухлислари, дўстлари, китобхонлари унга жўр бўлиб: «Минг қатла хурсандимиз, минг қатла шўкур. Яна етиб келди шоир баҳор фаслига», деймиз.

Маҳмудали ЮНУСОВ,  
филология фанлари доктори



Султон Жўра

## Шодлигим

Олий мукофот муносабати билан

Юрак!  
Қани, бергин лирикангнинг  
Энг аслини,  
Энг жўшқинини,  
У акс эттирсин мазмунида  
Шодлигимнинг бор тўлқинини...

Қари тарих ўз номасин очиб,  
Ривоят бошлади қошимда:  
— Умр саногича шоир кўрдим,  
Қар бирининг ғами бошимда.  
Биттаси ҳам, болам, сизчалик  
Ўрмат кўролмади лоақал.  
Бири эди дорда,  
Бири бадарға...—  
Шундай қисқа кулиб тугатади чол.

Мана, кўз олдимда Кремлим —  
Буюк коммунизм юраги.  
Миннатдорман унинг қуёшидан,  
У Ватаннинг энг-энг кераги.  
Кўксидаги Ленин орденлининг —  
Қанча яқин бўлса қалбига,  
Шунча яқин доҳим юрагимга,  
У ҳар минут кўзим олдида!  
Баҳор ижодимнинг бутун  
гудастаси  
Сенинг учун, Ватан — онажон!  
Керак бўлса, қалам — милтиқ  
бўлур!  
Сенинг учун бу жон, онажон!

1939 йил

Султон Жўра — ўзбек совет адабиётига ўз сози, ўз овози билан кирган оташнафас қаламкаш ва моҳир педагог сифатида ёш авлодни тарбиялашда қизгин фаолият кўрсатган, она Ватанимизни фашистлардан ҳимоя қилишда жон фидо этган қаҳрамон жангчи, ажойиб граждон шоир. У жуда қисқа — атиги ўттиз уч йиллик умри мобайнида бир неча шеърини тўплам ва «Парвознома», «Бруно» дostonларини яратиб қолдирди.

Шоир билим олиши ва илк ижоди ҳақида шундай деб ёзган эди: «Бошлангич мактабда оз-моз ўқиб, 1924 йилнинг охирида Бухоро етти йиллик мактабига кирдим. 1927 йилда бу мактабни тугатиб, Бухоро Таълим-тарбия билим юртига кирдим. Бу йилларда адабиётга қизиқиб, Уйғун, Ҳамид Олимжонларнинг шеърларини кўп ўқир эдим. Биринчи марта 1927 йилнинг охирида «Меҳнат қўйнида» деган шеъримни ёздим, у «Янги йўл» журналида босилди».

1932 йили шоир Ғафур Ғулом ва украин адиби Иван Ле Бухорога борганларида Султон Жўра ва яна бир-икки ҳаваскор шоирнинг шеърларини кўздан кечириб, маъқулларини олиб кетадилар. 1933 йили Тошкентда нашр этилган «Шеърлар» тўпламида Султон Жўранинг ҳам шеърлари бор эди.

Шундан сўнг ёш шоирнинг асарлари республика газета ва журналларида тез-тез босила бошлади. 30-йилларнинг иккинчи ярми ва 40-йилларнинг бошлари Султон Жўра ижодининг гуллаган даври бўлди. Бу йилларда у социализм галабаларининг оташин жарчиси сифатида танилди. Шоирнинг «Фидокор» ва «Москва» шеърини тўпламлари нашр этилди. 1939 йил атоқли совет ёзувчилари СССР орденлари билан мунофотланганда Султон Жўра ҳам «Ўрмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Гитлерчи фашистлар Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилганда Султон Жўра фронтга отланиб, ҳам маънавий, ҳам ўтли қурол билан ёвга қарши мардларча жанг қилди. Жангчи шоир ўша ерда, оловли олишувлар пайтида Коммунистик партия сафига ўтди.

Жасур коммунист солдат, ўт юракли шоир 1943 йил 14 ноябрда қардош Беларуссиянинг Гомель областидаги шиддатли жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалон бўлди. Жангларда кўрсатган жасоратини тақдирлаб, вафотидан сўнг ҳукуматимиз уни II даражали Ватан уруши ордени билан мунофотлади. Султон Жўра — Ўзбекистон Ленин комсомоли мунофотининг лауреатидир. У ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга кирарди.

Шоир оташин мисралари ва қаҳрамонлик руҳи билан ҳамиша барҳаёт!

## Партбилет оларкан...

Мен бу кунни сира унутмайман:  
Бу кун менда янги тетиклик.  
Ҳаётимда бу кун байрам туси...  
Қарашимда янги етуклик!

Рухим — лочин, бу кун кўкрагим —  
тоғ;

Паст сезади бошим осмонни...  
Ҳарбий салом билан кириб келдим,  
Маҳкам тортиб аскар тасмамни.

Юлдуз ёнар заррин поғонида...  
Юзи очик, сочи олтин ранг.  
Жой кўргазди майор ўрмат билан...  
(Соддаликка шундай қолдим танг).

У кўзғалди қисқа сўхбат ўтгач,  
Унг қўлида қизил партбилет!  
Сапчиб турдим, мен ҳам

қаддиростлик  
Ҳолатини шу он шарт билиб.

Топшираркан бошлиқ зўр  
ҳужжатни,  
Қар ўғитни дилга қилдим жо;  
— Есть, асрайман кўзим қорасидек,  
Зиммамдадир ҳар икки соҳа:

Ҳам милтигим, ҳамда созим ила  
Шу унвонни оқламоқ — қарзим!

Майдон ичра, гарчи зарур экан,  
Жонфидалик — жанговар фарзим!

О!.. Жаранглар эди қасамимда  
Коммунистнинг ишонч овози!  
Эй бош штаб, улуг йўлинг учун  
Шу борлигим, шеърим навоси!

Мен коммунист!  
Қандай мағрур бу сас!  
Бу сас ўзи менинг галабам.  
Шу товуш-ла жангда қатъий қасос —  
Уч оламан фашист галадан!..

Шу онт билан қалдим кабинетдан,  
Эҳ... ажойиб қалким тепкиси!..  
Ҳам шу қадар севинар эканман  
«Улуғ унвон олдим», деб киши...

Йўлга тушдим. Хаёл назаримда  
Гавдаланди шундай тасаввур:  
Гўё ўтар энгиш кўчасидан  
Ишчи синфнинг илғор ясови.

Мен — коммунист!  
Қандай мағрур бу сас!..  
Бу сас ўзи менинг галабам,  
Шу товуш-ла жангда қатъий қасос,  
Уч оламан фашист галадан!..

Ҳаракатдаги армия

## МУҲАРРИР


«Китоб — бепоён олам: бағри осмондек кенг, туби теран. У — билим манбаи, инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси. У — ижтимоий онг маҳсули, бинобарин, синфий кураш қуроли ҳамдир». Заҳматкаш журналист, муҳаррир ва ношир Мели Жўра китоб ҳақида шундай деган эди.

У «Ўзбекистон» нашриётида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди, ўз тақдирини китоб билан боғлаб, матбуотчи-ноширлар коллективида ярим аср чамаси қалам тебратди.

Мели Жўранинг китобга бўлган ҳаваси болалик йилларидаёқ уйғонган эди. Тошкентнинг Кунжак маҳал-

ласидаги уйда узун қиш кечалари дурадгорлару бинокорлар тўпланиб китобхонлик қилишарди. Мели бундай мутолаалардан сира четда қолмасди. Ёш ота-онадан ажраган Мели мактаб-интернатда тарбияланиб, меҳнат кучоғига эрта шўнғиди. 1930 йили Коммунистик партия сафига кирди. 1932—1933 йили «Чуст ҳақиқати» газетасида, 1934 йили Бағдод МТС сиёсий бўлимининг газетаси «Колхозлар тўлқинида» редакторлик қилиб, янги турмушни тарғиб этди, унинг душманларига ўт очди. 1935—1938 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг партия турмуши бўлимида ишлади.

Мели Жўра учун газета катта мактаб эди, малакали журналистлардан кўп нарсани ўрганди. Унинг баракали ижоди ҳақида таниқли журналист Холбек Ёдгоров «Нурли йўл» кито-



## Чашма бошида

Чоршанба кун мен чашманинг бошида,  
Газет тутган татар муллони кўрдим.  
Салом бердим, пича турдим қошида,  
Жилмаювди, оғзида тиллони кўрдим...  
— Дунёда нима гап, айтингиз?— десам;  
— Учқундан аланга ясалди,— деди.  
— Э, бунинг маъноси нимадир?— десам;  
— Етмади фаҳмингиз, афандим,— деди.—  
Билмасангиз, билинг, дунё чайқалган,  
Эрк учун чалишлар авжига чикди.  
Бир зўр айбат киши, Ленин аталган,

Одесса. 1917 йил. Изгирын.

Оқ пошшо тахтини тубидан йикди.  
— Газетни берингиз, мен бек ҳавасман...  
Бермади, «Узи бир нусхагина», деб.  
— Уқий-чи, биламан, очиқ кўрмасман,  
Илтимо, кетмасман газетингиз еб...  
Хижолат чекдию қолдириб кетди,  
Шошилиб уни мен ўқий бошладим.  
Худойберди, дедим, мақсадга етдинг,  
Севинчдан кўзларим беҳол ёшланди...  
«Долой войну!», дебди, билсин дўстларим,  
Тез баракка қараб югурдим, чопдим.  
Ўзимга ишонмай яна кўзларим,  
Тун чоғи Иванни аста уйғотдим...

## Ленин ота айтгандай

Ғўза пўчоқ кўринса,  
Чумчуқ, деманг, укажон.  
Худойберди кўзларин  
Юмуқ, деманг, укажон.

Анджон. 1918 йил.

Кўзим юмуқ бўлса ҳам,  
Дилим равшан олмосдай.  
Юмилмайди кўзларим,  
Янги даврон кўрмасдан!

Замон келар бизга ҳам,  
Ленин ота айтгандай!  
Бу кунлар ўтар-кетар,  
Яшармиз кўрмагандай!..



# У ИЛЬИЧ ҒОЯЛАРИНИ КУЙЛАГАН ЭДИ

Халқимиз эл-юрт манфаатлари йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кеча олган мард фарзандларини ифтихор билан тилга олади. Улуғ Ленин туғилганининг 110 йиллиги кунлари биз халқ орасидан чиққан жасоратли жангчи шоир Худойберди Қорабоевни, унинг қисқа, аммо сермазмун ҳаёти ва ижод йўлини яна бир бор эсга олмоқчимиз.

1884 йил баҳорида Анджон шаҳрининг Сойгузар маҳалласида туғилган Худойберди маърифатли ва тараққийпарвар оилада адабиёт мутолаасига мойил руҳда тарбияланди. Ёшлигидаёқ ўзи тўқиган шеърларни куйга солиб айтар эди.

Шоирнинг ижоди 1916 йилда кўзга ташланди. Чунки бу даврда мамлакат ва халқ ҳаётида муҳим, кескин воқеалар рўй берди. Халқнинг инқилобий руҳини куйлаган шоирдан қасос олиш учун бир тўда бойлар порахўр Сайидахмадни ўртага солиб, уни андижонлик Эргашбойнинг ўғли Отажон ўрнига мардикорликка ёздирдилар. Шоир бу даврдаги ҳақсизликни, алдамчилик, муттаҳамликни фош этувчи талай шеърлар яратган эди. Мардикорлик воқеалари бошланганда у яна жасорат билан ижод этди, «Поезингни жилдирган», «Сайидахмад, томинг баланд», «Тонг йўлида», «Ленин ота айтгандай», «Чашма бошида» каби ижтимоий руҳдаги исёнкор кўшиқлар яратди.

Биз журналхонлар эътиборини

шоирнинг мардикорлик сафарига яратган «Тонг йўлида» деган шеърига қаратишни истардик. Бу шеър муҳим тарихий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Худойберди шоир поезда мардикорликка кетаркан, «Қайинзорлик тўхтади» бекатидаги ўрмон ёқасида бир рус кишисига дуч келганини хотирлайди. Таассуротини рус ва ўзбек тилида — ширү шакар услубида шеърга солади. Маълумки, Худойберди ёшлигидаёқ Анджон темир йўл станциясида ёш рус ишчилари билан дўстлашиб, уларнинг тилини дурустгина ўрганиб олган эди. Сухбат тарзидаги шеърда автор рус

кишиси билан мардикорга олинган туркистонликларнинг аянчли аҳволи, кайфияти ҳақида гаплашади.

Шоирнинг ижтимоий-сиёсий мавзулардаги, Ленин ғояларини тараннум этувчи шеърлари ана шу пайдан бошлаб янада кенг тарқалди. Мардикорлик даврида у дўсти Иван Андреевич Резников (революционер, чекист, 1919 йили босмачилар томонидан Анджонда қатл этилган — О. Э.) билан махфий тўғаракларга қатнашди; сиёсий темадаги шеърларини унга ўқиб беради.

Мардикорликдан қайтгач, шоир ВЧКнинг Анджон округ бўлимида

хизмат қилди. Унинг пайига тушган босмачилар охири 1919 йили тутиб, қатл этдилар. Уйига ўт қўйдилар. Икки яшар ўғли ва хотини Асалхон мулаассиб шайхлар томонидан заҳарлаб ўлдирилди. Беш яшар ўғли Иброҳимжон революционер Терехов қўлида тарбияланди, Совет ҳокимияти йилларида врач бўлиб етишди. Ҳозир пенсионер Иброҳимжон ака Худойбердиев Чирчиқ шаҳрида яшайди.

Қисқа ва мазмунли умрида халқ орзуларини куйлаган Худойберди шоирнинг номи абадийлаштирилган. Анджоннинг ўртоқлар мақбарасида унинг хотирасига мармар лавҳа қўйилди. Шаҳар кўчаларидан бирига ва энг яхши пионер дружинасига шоир номи берилган. Анджон район Оқёр қишлоғидаги бир аҳоли пунктига, район Маданият уйига ҳамда мактаблардан бирига Худойберди Қорабоев номини беришга қарор қилинди. Оқёр қишлоғида шоир хотирасига мемориал лавҳа ўрнатилди.

Худойберди шоирнинг 95 йиллиги муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти унинг шеърлар тўпламини чиқармоқда.

Шу саҳифада тўпламга кирган шеърлардан иккитасини ўқийсиз.

**ОДИЛЖОН ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Худойберди шоир ижодини ўрганиш комиссиясининг аъзоси

бида шундай деб ёзади: «Ўз умрининг навқирон йилларида «Совет Ўзбекистони»да самимият билан равон қалам тебратган, маънавий дунёсини яхши ниятлар, юксак орзу-ҳаваслар билан бойитган, журналистиканинг ҳамма жанрларига ихлос билан қўл урган ва маъноли, ёқимли мисралар чизган, тинч меҳнат қучоғида, Ватан ҳимоясида толмас қўлига ҳам қалам, ҳам милтиқ олган эди».

Улуғ Ватан уруши йилларида Мели Жўра Биринчи Белоруссия фронтда чиқарилган «Физил Армия» газетасида ҳарбий мухбир бўлиб ишлади. У қўлидаги милтиқ орқали душманга ўқ ёғдирар, ёвга нисбатан нафратга тўла ўткир мақолалари билан эса ўт очарди.

Урушдан кейинги йилларда М. Жўра журналистик маҳоратини янада ошириб, сиёсий билимларни пухта

эгаллади. Бу орада Тошкент Олий партия мактабида билимини оширди. Узининг энг сеvimли касби ноширликни давом эттирди. У умрининг охиригача республикаимиздаги энг кекса ва йирик «Ўзбекистон» нашриётида бир неча ўн йил меҳнат қилди.

Мели Жўра редакторликдан бош редактор ўринбосари вазифасигача ноширлик ишининг барча босқичларини бирма-бир босиб ўтди. У Порсо Шамсиев, Малик Раҳмон, Насрулла Охундий, Собиржон Иброҳимов, Санжар Сиддиқ, Хусайн Шамс, Фотиҳ Бакиров, Мирзакалон Исмоилий, Илём Муслим, Файзулла Эргўзиев, Мадамин Иброҳимов, Рустам Абдураҳмонов, Холида Сулаймонова, Зайнаб Тинчерова каби ҳамкасбларидан ноширлик санъатини пухта ўрганди.

Маълумки, китоб — коллектив меҳ-

нат маҳсули. Ҳар бир асар нашрдан чиқиб, китобхон қўлига теккунича кўп жараёнлардан ўтади. Нашриётда қўлёзма билан бевосита редактор шуғулланади. Бинобарин, у китобхонлар олдида маънавий жавобгардир. Шу сабабли китоб редактори ҳар томонлама юксак савияли, кундалик сиёсий воқеалардан ҳамиша хабардор бўлиб бориши керак. Ана шундай редакторларни кўз қорачиғидек ердоқлаб етиштириш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш Мели Жўранинг ажойиб фазилатларидан бири эди.

Яқингинада унинг «Умрим дафтар» ва «Китобим» деган ажойиб асарларини яна бир ўқиб, ўзбек совет журналистикаси босиб ўтган шарафли йўлни кўздан кечирдим. Мели ака умрининг сўнгги йилларида ана шу икки китобининг тадрижий давоми бўлган «Ақлим чироғи» рисола-

сини ёзиб тугатди. Ҳозир шу учала асар «Ноширнома» деган умумий ном билан босмадан чиқди. Ўзбек нашрчилиги тарихидан баҳс этувчи бу асар материалларининг ранг-баранглиги, мазмунининг чуқурлиги билан китобхон эътиборини тортади. Асарда совет нашрчилиги тарихи билан бирга, инқилобдан аввал, ҳатто узоқ ўтмишда чоп этилган китоблар тўғрисида ҳам сўз юритилади. Китобда ўзбек совет нашрчилиги йўлида заҳмат чеккан устоз муҳаррирлар, безовчи рассомлар ва уларнинг издошлари ҳақида жўшиб ёзилган саҳифалар кўп.

Мели Жўранинг ҳаёти баракали, сермазмун. Унинг ноширлик бобидаги маҳорати, муҳаррирлик санъати ёш нашриётчилар учун ҳамisha ўрнак бўлиб қолади.

**ВОСИҚ АБДУВАЛИЕВ**



# ҚАЛБИ ДАРЁ

Устоз! Шу биргина сўз замирида улкан самимият ётади. Халқ маорифининг етакчи намоёниси, педагогика фанлари доктори, СССР Педагогика Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Сиддиқ Ражабов ана шундай эъзозга мансуб олим ва инсондир. Бу даражага етуғич у катта ҳаёт мактабининг машаққатли йўлларини босиб ўтди.

Ямоқчилик билан кун кечирган Ражаб ака тўнғич фарзанди Сиддиқнинг ўқиб илм олишини орзу қилар эди. Улуғ Октябрь инқилоби туфайли Ражаб аканинг ҳам орзуси ушалди, ўғлини совет мактабига ўқишга берди. Лекин кўп ўтмай ота вафот этди. Оила ташвиши ёш Сиддиқнинг зиммасига тушди.

1926 йили С. Ражабов ҳаётида катта воқеа бўлди. У комсомол сафига кирди ва 1927 йили Қозоғистоннинг

Авлиёта (ҳозирги Жамбул) шаҳридан комсомол йўлланмаси билан Фарғона педагогика билим юртига ўқишга юборилди. Сўнгра Фарғона педагогика институтида ўқишни давом эттирди ва айни вақтда Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий номидаги Фарғона педагогика техникумида директорлик вазифасини адо этди. Институтнинг ижтимоий-адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатган С. Ражабовни педагогика кафедрасида ассистентликка олиб қолдилар. Илмга бўлган ташналик уни аспирантурага етаклади. 1938—1941 йилларда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтида илмий ходим, В. Белинский номидаги Тошкент Кечки педагогика институтида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида доцент вазифаларида ишлади. С. Ражабов 1941 йили «XIX аср ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти очерки» мавзuida диссертация ёқлаб, педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. У шу йили партия аъзолигига ҳам қабул қилинди.

Сиддиқ Ражабов 1941 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул секретарь ўринбосари, 1942 йилдан эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлимининг ўринбосари вазифасида ишлади. Ленинча партиявий иш службини пухта эгаллаган С. Ражабов 1943 йили республикамизнинг отахон газетаси «Қизил Ўзбекистон»га масъул редактор қилиб тайинланди.

Моҳир педагог С. Ражабов 1947 йили ўзининг сеvimли касбини давом эттириш учун Низомий номидаги Давлат педагогика институтида ишлайди. У ўзи мудирлик қилган педагогика кафедрасига истеъодли ёшларни тортиди. Иттифоқимизнинг кўзга кўринган педагогика олимлари Н. Константинов, Н. Гончаров, Е. Меддинский, Б. Есипов, М. Шаббаева, Ф. Королев, И. Монозон билан ҳамкорликда ишлади. Республикаимизнинг атоқли олимлари — В. Лубенцов, Н. Архангельский, И. Краснобаев, П. Иванов, Н. Таканаев, И. Хусанхўжаев билан педагогика фани-

нинг муҳим муаммолари устида кенг тадқиқот ишларини олиб борди.

Ражабов 1958 йили москвалик атоқли олим Н. Константинов раҳбарлигида «Ўзбекистон совет мактаби тарихи» мавзuida докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Мутахассислар тошкентлик олимнинг тадқиқотини юксак баҳоладилар. Уша йили у РСФСР Педагогика фанлари академиясига мухбир аъзо бўлиб сайланди.

Серғайрат олим С. Ражабов 1961 йили Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти директори вазифасида ишлай бошлади, унинг илмий ва ташкилотчилик қобилияти янада тўла-тўқис намоён бўлди. Институтда педагогика, психология ва хусусий методикадан диссертация ёқлаш бўйича С. Ражабов раислигида бирлашган илмий кенгаш ташкил этилди, унда юзлаб аспирантлар, илмий ходимлар ва ўқитувчилар муваффақият билан диссертация ёқладилар. Хуллас, институт Урта Осиё регионида педагогика фанининг ҳақиқий штабига айлана борди.

1966 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ражабов Низомий номидаги Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг мудирлиги сифатида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва катта жамоат ишларини ҳормай-толмай бажариб келмоқда...

Инсон ҳаётида ҳеч унутилмас, бир умрга татиғуяк учрашувлар бўлади. Шундай унутилмас учрашувлардан бирини бизнинг устозимиз ҳам ўз бошидан кечирган. У педагогика оламига қалб кўри билан кириб келишига илк марта шахсан Надежда Константиновна Крупская рағбатлан-тирганини биз шоғирдларига завқ-шавққа тўлиб бир неча бор сўзлаб берган.

— Надежда Константиновна ўзбекистонлик аспирантлар Москвага келганини эшитгач, бизни Маориф министрлигига таклиф қилди, — деб ҳикоя қилади у. — Белгиланган вақтда ҳаммамиз йиғилдик. Катта хонага кирганимизда Надежда Константиновна кабинет ўртасида бизга улғувор жилмайиб турарди. Икки чеккасидаги сочлари кумушдек оқ, нуроний юзи жиддий, кўзлари ишчанлик билан боқарди. У ҳар биримизга қўл

# Қутлаймиз

узатиб, қадрдонлардек сўрашди... Шундан сўнг ким қайси мавзу устида ишлаётганини, Москва сафари ишимизга қандай ёрдам бераётганини суриштирди. У жавобларимизни эшитгандан кейин бош мураббий билимдон ва марксист назарийчи сифатида темаларимизни бир бошдан таҳлил қилди, давр ва мамлакатимиз олдида турган улғувор вазифаларни уқтирди, ниҳоят бизларгача деярли ҳали ҳеч ким тадқиқ этмаган ва албатта текширилиши зарур бўлган Ўзбекистон маданияти, ўзбек халқининг мактаб ва маориф тарихи, оилаларда болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдаги ажойиб анъаналарини ўрганишни такрор-такрор тайинлади.

Дарҳақиқат, Крупскаянинг бу ажойиб сўзлари Ражабовнинг ҳаёти ва фаолияти давомида ҳамон йўлчи юлдуз бўлиб келмоқда. Олимнинг шу кунгача олиб борган тадқиқотлари 200 дан ошиб кетди. Олим Ўзбекистон Педагогика жамиятининг раиси сифатида ҳам, ёш педагог кадрлар тайёрлашда ҳам ўзини бурчли деб билади. Унинг шоғирдларини Урта Осиё республикаларининг истаган шаҳрида, ҳатто Москва ва Ленинградда ҳам учратиш мумкин. Устоз олимнинг 10 дан ортиқ докторлик ва 150 дан зиёд кандидатлик диссертацияларига оппонентлик қилганини эслатиб ўтишимиз ўзи кифоядир.

Атоқли олим Сиддиқ Ражабов тадбиркор оила бошлиғи ва меҳрибон ота. Унинг саккиз фарзанди ҳам илмий, матбуот ва жамоат муассасаларида меҳнат қилмоқда. Кўпчилиги эса турли соҳаларда фан кандидатлиги даражасини олганлар.

Республикамизнинг кенг илмий жамоатчилиги, минглаб ҳамкасбалари педагогика фанимизнинг атоқли арбоби Сиддиқ Ражабовнинг қутлуғ 70 ёши билан чин кўнгилдан табриклайди ва бундан кейинги ижодий фаолиятига барака тилайди.

**Мажид САМАТОВ,**  
Ўзбекистон ССРда хизмат  
кўрсатган ўқитувчи

# СЕҲРГАР

У жуда тез ва ниҳоятда кунт билан ишлайди. Аллақачон сочига оқ оралаган бу одам шу чоққача юзлаб шоғирдлар етиштирган, Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлган. Аммо ҳамон ўз ишларидан кўнгли тўлмайди.

Дейлик, унинг устахонасига кириб қолдингиз. Сўхбатлашиб ўтирибсиз. У сизга ўзи ясаган янги гулдонни, нақшга курсини кўрсатади. «Ажойиб нарса! Кўз қувонади!», деб қўясиз. Устанинг ўзи эса, бу буюмларнинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўради-да ўйланиб қолади. «Э, топдим, нима қилиш кераклигини энди топдим... Ушанда чиройли бўлади», дейди.

У буюмнинг бирон жойини қапти билан яширади. Шунда ҳалиги асар бутунлай бошқача кўриниш касб этади.

— Ана, айтмадимми! — деб жилмади санъаткор. — Ахир, бу — ёғочда. Ёғочнинг тилини билиш керак. Унинг устида ҳамаша кунт билан ишлаш керак бўлади. Доимо изланиш, янги шакллар топиш лозим.

Устахонада яна иккита картон қозғак кўзингиз тушади. Булар — унинг аввалги ишларидан намуналар. — Э, буларни кўрмасангиз ҳам

бўлади, — дея уларни четга олиб қўймоқчи бўлади уста. — Аввал чой дамлаб келай, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман.

Уста столга пиёла олиб келиб қўяди. Унинг нақшлари сизга нималарнидир эслатади. Ҳа, ўша таниш шарқона бўёқлар: заррин, нилий чизиқлар.

Жалил ака нақшларни қўли билан тўсиб қўймастик учун пиёлани тагидан ушлаб, бир четга олиб қўяди.

— Энг яхши кўрган ишларимдан бири — мана шу.

У ҳар хил расмлар, фотосуратлар солинган папкадан Тошкентдаги «Мовий гүмбазлар» чойхонасига ишланган нақш нусхаларининг айрим намуналарини олиб кўрсатади. Уста жуда дилкаш одам. Сўзлаётган пайтида сўхбатдошининг юз-кўзига қараб қўяди. Унга саволлар бериб, сўзлашга ундайди.

— Санъаткорга халқ баҳо бермаса қийин, — дейди у қатъият билан, — санъат асарини ҳам халқ баҳолайди. Халқ қадрлаган асарнинг умри узоқ бўлади.

Жалил Ҳақимовнинг ижоди Шарқ анъаналари руҳида ривожланди. У ҳаммадан ҳам амалий санъатни ёқтиради.

Рассом кўшни хонадан тугунча кўтариб чиқади. Ундан ранг-баранг кашталар, газламалар олиб намоиш қилади. Заррин ва нуқрадек ипак билан гул тикилган афғонча дўппи,

хизматга кетаётган йигитларга қизлар совға қиладиган кўркем қийиқчаларни кўриб завқланасиз.

— Мўъжизани қаранг, — дейди рассом кашталарни қўли билан силаб қўяркан. — Булар одамни завқлантиради, қиладиган ишингизга рағбатингизни оширади. Бундай безакли буюмларни кўрган одамнинг бахри дили очилади.

Кўхна афсоналарнинг қайтадан тилга олинishi, қадим ижодкорлар яратган асарларга мурожаат этиш — ҳозирги замон санъати учун тасодифий эмас. Қадимги миллий маданият экс этган ҳар бир нарсасга эҳтиёт билан қараш турли халқлар ижодининг ўзига хос жиҳатларини рўёбга чиқаришда яхши ёрдам беради.

Жалил Ҳақимов қадимги санъат анъаналарига ижодий ёндашади. Оқибатда устанинг қўлида «таниш ва нотаниш» асар пайдо бўладики, унда Ҳақимовнинг ўзига хос услуби ҳам кўзга ташланиб туради. Устанинг ижодий имкониятлари доираси ниҳоятда кенг эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ўзбекистонда ёғочга нақш чизиш санъатини Жалил Ҳақимовнинг ишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. У оддий ва одатдан ташқари усул кашф этган — бу кўндалангига ёйилиб кетган қатма-қат япроқлар нақшларидоги композициянинг асосини ташкил этади. Ҳақимов билан бирга ишлайдиган усталар ҳам ўз ишлари-

да ана шу элементдан фойдаландилар. Шуниси борки, мазкур элемент Ҳақимовнинг ишларида енгил, табиий чиқади, шакл билан уйғунлашиб кетади.

Жалил ака буюмни яхлит нақш билан безар экан, қўлидан чиққан иш нафосати билан кишини танг қолдиради. Рангларнинг ҳамоханлигини, сирлилигини айтмайсизми! Буларни кўриб шавқланасиз, хаёлга толасиз.

— Енгилроқ, енгилроқ чизаверинглар, — деб қайта-қайта таъкидлайди Жалил Ҳақимов шоғирдларига. — Чизиқлар зўраки бўлмасин, билинар-билинмас бўлсин, одам уни тасаввур этсин. Мақсадимиз — материалнинг кўркини очиб бериш...

Жалил Ҳақимов нодир услубдаги нақшлар яратди. У тинимсиз изланиди, олдига янги-янги вазифалар қўяди. Фақат нақшларнигина эмас, монументаль суратларни ҳам чуқур ўрганмоқда.

— Ижодий меҳнат — жуда қизиқ нарса, — дейди Жалил ака. — Вақт ўтганини сезмай қоласиз. Йиллар билинмасдан ўтаверади. Юзларга ажин тушади, сочлар оқаради, юрак ҳам баъзан безовта қилади. Лекин ижод қилмай яшаш мумкин эмас.

Санъаткорлар бизни гўзаллик оламига олиб кирадилар, бизга шодлик бахш этадилар. Биз улар яратган гўзалликдан завқ-шавқ олаемиз.

**Р. СОДИҚОВ**



# ЖАНГЛАРДА ЧИНИҚИБ...

**У**ЛУФ ВАТАН уруши даврида немис-фашист босқинчилари совет отлич аскарларининг қақшатғич зарбаларини бир неча марта татиб кўрди. Баҳодир бундённийчи чавандозлар гитлерчиларнинг мустақкам мудофаа марраларини бир қанча марта шиддат билан ёриб ўтиб, душманнинг орқа томонида қаҳрамонларча жанг қилдилар, душманнинг жонли кучларига қирон келтириб, техникасини емириб ташладилар.

Генерал-майор Соколовнинг шерюрак суворийлари ўз афсонавий қаҳрамонликлари билан совет отлич аскарларининг шон-шухратини оширдилар. Қисм жангчилари Харьковни озод қилишда ва Смоленскдан титлерчиларни қувиб чиқаришда донг қозонган эдилар. Гвардиячи чавандозлар Белоруссияда душман билан шердек олишиб, кўпгина шаҳар ва қишлоқларни гитлерчи ҳаромзодалардан тозаладилар.

Рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа миллат жангчиларидан иборат бу ҳақиқий интернационал қисм сафларида ўзбек халқининг ҳам азамат ўғлонлари жанговар дўстлари билан елкама-елка туриб, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун фидокорона жанг қилдилар.

Белоруссиянинг Висоцкое қишлоғига жойлашиб олган душман устига ҳужум бошлаш олдиан бўлган митинг вақтида старший лейтенант Турсунбой Рўзибоев сўзга чиқиб, ўзбек халқининг жангчи фарзандларига йўллаган мактубидаги шу оташин сўзларни яна бир қарра эслатди: «Шундай қилгинки, яқин зафар кунларида, келгусидаги тинч қурилиш кунларида ўзининг бахтли оиланг ўртасида фахр билан: «Ватан урушининг даҳшатли кунларида ўз Ватанини ҳалокат ва талон-тарождан сақлаб қолганлар қаторида мен ҳам бор эдим», дея ол!» Шу тариқа қуролдош дўстларини қишлоқни душмандан озод қилишда мардлик кўрсатишга чақирди.

Қизғин жанг бошланиб кетди. Турсунбой суворийларнинг олдинги сафида, уққур отда қилич яланғочлаб душман устига ташланди. У билан ёнма-ён қилич ўйнатиб бораётган дўстлари Эрмат Тошматов ва Ҳамид Ақобиров душман позициясига кириб, гитлерчи газандаларни қилич тифидан ўтказишга муваффақ бўлишга ҳаракат қилди. Бир соатга чўзилган даҳшатли ва қонли жангдан сўнг душман катта талафот кўриб, тирик қолганлари қишлоқни ташлаб қочди.

Майор Мирзаев бўлинмасининг жангчилари Турсун Расулов ва Машраб Урмонов бу жангда ажойиб мардлик кўрсатдилар.

Душмандан озод қилинган Висоцкое қишлоғида бўлган қисқа муддатли дам олиш чоғида қисм кўмондонлиги номидан бўлинма партия ташкилотининг секретари Сиддиқ Баротов бошқа баҳодирлар қаторида қисм комсомол ташкилотининг секретари Турсунбой Рўзибоев ҳам Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланганини эълон қилди.

Кейинги жанглар вақтида шундай воқеа юз бердики, суворийлар мўлжалланган маррага етай деганларида душман томонидан барча қурол турпаридан отилган ўқ уларни жанговар ҳаракатдан вақтинча тўхтатиб қўйди. Траншеяларга беркинб олган гитлерчилар тинмай ўт очардилар. Ниҳоят, суворийлар ўқ ёмғири остида душман устига ташландилар. Рўзибоевнинг «Ватан учун олға!» деган қиқирини янгради, траншеяларда кескин жанг бошланди.

Қисм жангчилари ўтюррак комсомол етакчиси Турсунбойни чин кўнгилдан севар, унинг жасурлигидан илҳомланар эдилар. У билан бирга ўтга ҳам, сувга ҳам киришга тайёр эдилар.

Қизғин жанг кунларининг бирида қисмда душманнинг орқа томонида жўнатиш учун махсус отряд тузилди. Отрядга энг жасур қиличбозлар ва мерганлар киритилди. Булар орасида Турсунбой Рўзибоев ҳам бор эди. Отряд гитлерчиларга қирон келтирди, кўпгина асир олиб, анча ўлжа қўлга туширди.



...Чекинаётган душманни изма-из қувиб бораётган эскадрон бир кун қисмдан ажралиб, анча мушкул аҳволга тушиб қолди.

...Юзлаб кўзлар бағрини ерга бериб, илгари сурилаётган йигитни кузатарди. Унинг атрофида ўқлар визиллаб учиб турарди. У ўққа чап бериб, ҳамон ер бағирлаб илгариларди. Бир неча юз метр илгарилаб боргач, душман кучлари жойлашган нуқтани аниқлаб орқасига қайтди. Ана шундан сўнг эскадрон душманга ҳамла қилиб, тез орада ғалаба қозонди. Бу жанглардаги жасорати учун Рўзибоев I даражали Ватан уруши ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

...1972 йил 13 июнда Самарқанд область газетаси «Ленинский путь» саҳифасида истеъфодаги генерал-майор И. Куцнинг «Турсунбой, қаердасан?» деген мақоласи босилиб чиқди. Мақолада генерал, жумладан, шундай деб ёзган эди:

«Урушнинг дестлабки кунларида—83-отлиқлар дивизиясини тузиш вақтида, Самарқанд облаstdан келган комсомол аъзоси, ёш офицер Турсун-

бой Рўзибоев командир қилиб тайинланди. У дивизия сафида жанг қилиб, жанговар тажриба орттирди. 48-отлиқлар полки комсомоллари ёш командирни навбатдаги қайта сайлов йиғилишларида полк комсомол ташкилотчиси этиб сайладилар.

Мен Рўзибоевни биринчи марта Смоленск областига қарашли Первомайский посёлкида кўрган эдим. Уша ерда отличлар дивизияси комсомолларининг конференцияси бўлмоқда эди.

Комсомол ташкилотчиси Турсунбой Рўзибоев тез орада комсомол жангчиларнинг сеvimли кишисига, уларнинг ташкилотчи раҳбарига айланди. Шунинг учун ҳам уни тез орада дивизия Сийсий Бошқармаси бошлигининг комсомол ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинладилар.

Конференцияда биринчи бўлиб Рўзибоев сўз олди. Конференция делегатлари унинг ўз тенгқурлари — комсомоллар кўрсатаётган жасоратлар ҳақидаги сўзини диққат билан тингладилар.

Бизнинг сўзларимиз беҳуда кетмади. 48-отлиқлар полки ён томондаги қисмлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, гитлерчилар мудофаасининг ичкарасига ёриб кирди. Бу участкада фашистларнинг сараланган эсэчи дивизияси мудофаада турарди. Улар орқа томондаги резерв кучларини жангга ташладилар. 48-полкнинг гвардиячилари қутурган душманнинг тўрт қарши ҳужумини беқиёс мардлик билан қайтардилар. Мана шу оғир ва хавфли дақиқада Турсунбой полк комсомоллари сафида жанг қилди. Гвардиячилар ҳандақ қазिशга улгурмасдан, гитлерчилар бир неча танк ҳимоясида яна ҳужумга кўтарилди.

Оғир танклардан бири Рўзибоевнинг жанговар дўсти — старшина Василенко ўт очиб турган томонга қараб кела бошлади. Рўзибоев ҳам унга яқин жойда турарди. Василенко ваҳимага тушмай, танклар кетидан келаётган гитлерчиларга қарата тинмай ўт очарди. Турсунбой танк келаётган томонга қараб югурди ва кўлидаги бир боғлам гранатани танкка қараб улоқтирди. Танк шу заҳотиёқ таққа тўхтаб, ёна бошлади...

Мен Рўзибоевнинг жасорати ҳақида иккинчи марта 1945 йилнинг апрель ойида, Иккинчи Украина fronti қўшинлари Чехословакиянинг йирик sanoat шаҳри — Брнони озод қилгандан кейин эшитган эдим.

Мен корпус командири сифатида ҳамма дивизияларга ҳар бир жангчи ва офицернинг жанговар хизматларини диққат билан ўрганиб, уларни ҳукумат мукофотида тақдим этишлари тўғрисида буйруқ бердим. Шундан сал ўтмай Чехословакияни озод қилиш учун бўлган жангларда маҳорат кўрсатганларнинг рўйхат варақасини ўқий туриб, улар орасида гвардиячи майор Рўзибоевнинг фамилиясини учратиб қолдим. У олий мукофотга тақдим этилган варақага бажону дил қўл кўйдим. Дўстим Турсунбой, ҳозир қаердасан? Жавоб бер!»

Коммунист Турсунбой Рўзибоев шонли ғалаба билан эл-юртга қайтганидан сўнг Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари, Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудир, Марҳамат район партия комитетининг биринчи секретари, Андижон область партия комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлим мудир, ўринбосари, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, область ижроия Комитети раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади. Ҳозир эса Наманган область партия комитетининг секретаридир.

Тинч қурилиш йилларида кўрсатган фидокорона хизматлари учун Рўзибоев икки марта Меҳнат Кизил Байроқ ордени ҳамда икки марта Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланди.

Наманган облаstdа жанговар шухрат ҳафталикларини ўтказиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида Турсунбой Рўзибоев олиб бораётган олижаноб ишда катта муваффақиятлар тилаб, шонли ғалабининг 35 йиллиги билан табриклаймиз!

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

# МАРМАР КИТОБ

**Б**УНДАН йигирма беш йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмалари асосида республикада газета-журналлар техника базаси комплексини барпо этиш ва ривожлантириш борасида бир қанча тадбирлар белгиланган эди. Зеро, давримизнинг тараққиёти ҳам, миллионлаб газетхон ва журналхонларнинг кундан-кунга ўсиб бораётган талаблари ҳам полиграфия базасининг зўр суръат билан тараққий эттирилишини тақозо қиларди.

Шундан буён амалга оширилган ишларнинг миқёсини тасаввур этиш, аввалги иш ҳажми билан ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кўламини таққослаб кўриш учун республикада полиграфияси яқин тарихига қисқагина назар ташлаш kifоядир.

Бир пайтлар кўпгина газета ва журналлар редакциялари нашриёт ва босмахонадан анча узоқда жойлашган эди. Газеталарнинг навбатдаги сони учун тайёрланган материалларни ҳар куни бир неча марта босмахонага ташишга тўғри келарди. Қийинчиликлар, ноқулайликлар кўп эди. Лекин журналистлар ва матбаачилар ҳар қанча ғайрат қилсалар ҳам, газеталар кечикиб чиқар, уларнинг полиграфик сифати кўнгилдагидек бўлмас эди.

Энди эса, аҳвол бутунлай бошқача. Бугунги кунда биз республика, Тошкент область, шаҳар газеталарини ҳамда соҳавий газеталарни, турли журналларни, шунингдек олти номдаги марказий журналнинг, ўндан ортиқ марказий газетанинг муайян тиражини босиб чиқаришда банд

бўлган аҳил ва ҳамжиҳат мутахассислар коллективига эгамиз. Шунингдек, ишлаб чиқариш, маъмурий ва уй-жой биноларини лойиҳалаш, қурилиш ишларини тезкорлик билан олиб бориш, ишга тушириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бошқа ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашсақ арзийдиган дурустгина тажриба ҳам орттирдик.

Нашриётимизнинг корхоналари жойлашган майдон бир вақтлар ўзи ишлаб турган территорияга нисбатан фоят кенгайиб кетди. Аммо ана шу территорияда газета чиқарадиган цехлар тўғиз жойлашган. Урта Осиёдаги энг йирик ботиқ босма комплексимиз ҳам шу ерда ишлаб турибди. Республикада нашр этиладиган «Гулистон», «Саодат», «Совет Ўзбекистони санъати», «Фан ва турмуш» журналлари, шунингдек марказий журналлардан «Работница», «Крестьянка», «Здоровье» каби нашрларнинг Урта Осиёдаги обуначиларга тарқатиладиган нусхалари худди ана шу ботиқ босма комплексидан чиқарилади. Мазкур комплекснинг ишга тушиши билан босмахонаимизнинг иш қуввати салкам икки баравар ошди.

Бир қанча республика журналлари билан биргаликда «Политическое самобразование», «Человек и закон», «Крокодил» каби марказий журналларнинг Урта Осиё республикалари учун мўлжалланган кўп мингли тиражлари ҳам босмахонаимизнинг бўртиқ босма ва офсет босма цехларида чоп этилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам республикада пойтахти марказида, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали биноси қаршида мармар китобни эслатувчи

муҳташам бино қад кўтарди. Ута нафис ва барча қулайликларга эга бўлган бу ўн олти қаватли редакция-нашриёт корпусида газета редакциялари, марказий нашрларнинг муҳбирлик пунктлари жойлашди. Шу муносабат билан нашриётимиз ва босмахонаимизда чиқадиган барча газета ва журналларнинг редакциялари ҳам бир бинода иш олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирги пайтда нашриётимизда икки мингдан ортиқ мутахассис матбаачилар, ноширлар ва мингга яқин журналистлар зўр ижодий ҳамкорликда меҳнат қилмоқдалар.

Ун олти қаватли асосий корпуснинг ҳар бири бир-икки ходимга мўлжалланган кенг ва ёруғ хоналари ҳавони мўътадил сақлаш системаси билан таъминланган. Газета редакцияларида селектор алоқаси, босмахонанинг ҳарф териш цехи билан алоқа боғлайдиган пневматик почта ускунаси ўрнатилган. Ягона телетайп бўлини маси барча редакцияларга ТАСС ва ЎзТАГ материалларини пневматик почта йўллари орқали юбориб туради.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, прогрессив техника ва технология ютуқларини жорий этиш тадбирлари корхонаимизда маҳсулотнинг янги-янги турларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ишлари билан бирга олиб борилаётган. Ҳар йили ўтказиладиган республикалараро конкурсларда мукофотлар олаётганимиз газета ва журналлар редакциялари коллективларининг ижодий меҳнатлари самарасидир. Босмахонаимизнинг барча участкаларида полиграфик ижро ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.


Янги газета-журнал базаси комплекси афзаллигини рақамларсиз тасаввур этиш қийин. Утган ўн йил давомида нашриётнинг маҳсулот ишлаб чиқариш плани икки марта, келтирилган даромади эса беш марта ошди.

Ана шу йиллар мобайнида партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли матбаачилар ва журналистларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам ошди. Нашриётимизда кўплаб замонавий машина ва жиҳозлар ўрнатилди. Бу ноёб ва тезкор ускуналар нашрларни ўз вақтида ва сифатли босиб чиқариш имкониятини беради. Ҳозир нашриётимиз босмахонасида умумий тиражи 5 миллиондан кўпроқ нусхада 36 газета, умумий тиражи 8 миллиондан кўпроқ нусхада 42 журнал чиқарилмоқда.

Булардан ташқари корхонаимизда «Ўзбекистон» нашриёти, Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ҳамда «Ёш гвардия» нашриётининг миллионлаб нусхадаги китоблари босилади. Босмахонаимиз республикаимиздаги кўпгина министрликлар ва ташкилотларнинг буюртмаларини адо этади. Нашриётимизнинг тематик планига кўра бадиий отқиткалар, буклетлар, янги либослар альбомлари ва турли йўл кўрсаткич китоблар ҳам нашр этилмоқда. ЎзССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти билан ҳамкорликда Шарқ шеъриятининг Умар Хайём, Шайх Саздий, Алишер Навоий, Машраб, Нодира, Маҳтумқули сингари ўнлаб классикларининг танланган асарларини рус ва ўзбек тилларида совғабоп китоб тарзида юз минглаб нусхада нашр қилмоқдамиз. Бу борадаги ишмизни бундан кейин ҳам давом эттирамиз. Нашриётимиз ва Қўлёмалар институти коллективлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Бу совғабоп китоблардан ташқари нафис, маданиятимиз тарихини тараннум этувчи кўп рангли миниатюралар комплексларини ҳам нашрга тайёрладик.

Ишлаб чиқаришда эришаётган муваффақиятларимиз редакциялар билан босмахона коллективининг ижодий ҳамкорлиги натижасидир. Тўққизинчи беш йиллик муваффақиятлар билан яқунлангани учун босмахонаимиз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Нашриётимиз коллективи бир неча марта, шу жумладан 1979 йилда қўлга киритган ютуқлари ва иш якунлари бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Эришган ва эришаётган барча ютуқларимиз партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг етакчилик роли ошиб бораётганлиги, шунингдек бутун коллективнинг, цех ва бўлимларнинг биргаликда, ижодий ҳамкорликда олиб борган ишлари самарасидир. Муваффақиятларимизнинг яна бир сирини шундаки, коллектив ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Нашриётда



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонасининг ботиқ босма комплексидан кўчириш маркази бошлиғи Е. Горшенин (ўнгда) ва оператор Б. Зобнин ўртоқлар «Гулистон» журналининг навбатдаги сонини босмага тайёрламоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси



СССР спорт мастери  
М. МУХИДДИНОВ  
тахрири остида

## Баҳслар, беллашувлар

Навбатдаги мамлакат чемпионати-нинг олдиндан мўлжалга олинган имтиҳонлари поёнига етганига ҳам анча бўлиб қолди. Натижалар жуда ажойиб: бронза медали ўн олти ёшли Гарик Каспаровга, кумуш медаль эса ўн тўққиз ёшли Артур Юсуповга теккани шахмат оламини ҳаяжонга солди. Бундан уч йилча муқаддам Юсупов Москва Пионерлар саройи командида составида гроссмейстерларга қарши бир йўла ўйин сеансида қатнашган эди. Орадан сал ўтмай чемпионатнинг иккинчи совриндори бўлиб турибди.

Келинг, воқеалар жараёнига бир назар ташлаб кўрайлик! Шахмат — инсоний фаолиятнинг ўзига хос туридир. Кибернетик олимларнинг шахматга мурожаат этаётганликлари бежиз эмас, албатта. Одам ўн олти ёшида ва ундан ҳам илгарироқ ўта мураккаб масалаларни ечишга қодир экан, буни ажойиб воқеалар сирасига киритса бўлади.

Мусобақанинг бошидан то охиригача пешқадамлик қилган тажрибали гроссмейстер Ефим Геллерга тенглашиш жуда қийин бўлди. Охириги тур учрашувлари олдиндан фақат Артур Юсуповгина унга етиб олиш имкониятига эга. Бу шахмат аҳлининг кўпчилигини ҳайратга солди! Ўн тўққиз ёшли шахматчининг СССР чемпионатида қатнашиши ва сардорлик даъво қилиши, охири гроссмейстерлик ҳуқуқини берувчи иккинчи ўринга кўтарилиши мумкинлигини ким ҳам олдиндан айта оларди?


А. Юсупов билан С. Долматов М. Дворецкийнинг шогирдлари бўлиб, халқаро майдонларда анча муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат 47-чемпионатининг биринчи лига-

сида С. Долматов биринчи ўринни эгаллаган, А. Юсупов эса жадвалнинг олтинчи қаторидан жой олиб олий лигага аранг ўтган эди. Олий лигада бунинг акси юз берди.

Юсуповнинг дебют репертуари торроқ, аммо ана шу юксакликка эришгани унинг режалари пухта эканидан далолат бериб турибди. Ҳа, бу ёш шахматчининг потенциал имкониятлари катта.

Г. Каспаров ҳақида кўп ёзилмоқда. Унинг чемпионатда биринчи ўринни эгаллашига сал қолди: унга руҳан сабот етишмайди, холос. Ун олти ёшда бу табиий нарса. Шу ёшда бронза медалига сазовор бўлиш ссон эмас.

47-чемпионатдаги ўйинлардан бирини келтирамиз. Сицилияча ҳимоч қўлланган Г. Каспаров — Н. Рашковский учрашувида қораларнинг 17-юришидан кейин қуйидаги вазият вужудга келди.



18. К:16+

Бундай қурбон дастлаб А. Витольдинш ўйинида учраган эди.

18... С:16 19. с4 Сe7 20. о—о Ла7 21. Лb8 Лс7 22. Фd3 Сс5+ 23. Кph1 Кре7 24. Фg6 Кpd6 25. Лd1+Сd4 26. Л:d4+ed 27. Фd3+e5 28. с5+Кpd5 29. Сf3+e4 30. Фg5+Крс4 31. Фс1+Кpd5 32. Сd1. (Ҳозир қоралар 32... Фа5 ўйнаса, 33. Сb3+Крс5 34. Л:c8f) 32... Ф:а2 33. Фg5+Крс4 34. Фс1+ Дуранг.

Биз ўйинни шарҳламай, чуқур таҳлил этишни журналхонларнинг ўзига ҳавола этдик. Оқлар балки югармиди ёки... Тахтага теринг.

Оқлар: Кph1, Фе3, Лс2, Лg1, Сс1, Ке2, пиёдалар: а4, b3, с4, d5, f4, g3, h2 (13 дона).

Қоралар: Крf7, Фh4, Лg8, Лh6, Сd7, Кh5, пиёдалар — а5, b6, с5, d6, e4, f5, h7 (13 дона).

Юриш қоралардан. Сиз қандай ўйнардигиз?

Ўйин «қилт этса» — кетади.

меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларнинг барчаси социалистик мусобақанинг актив қатнашчиси ҳисобланади. Босмаҳонамиздаги йирик цехлардан 12 таси коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлди, 50 ишлаб чиқариш бригадаси коммунистик меҳнат коллективи, 700 дан ортиқ ишчи-хизматчи коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак унвонга эгадир.

Сўнгги пайтларда мамлакатимиздаги кўпгина корхоналарда ва ташкилотларда мураббийларнинг шогирдларга иш ва ҳунар ўргатишлари алоҳида қадр топмоқда. Уртоқ Л. И. Брежнев мураббийлар меҳнатини олижаноб иш деб атади. Мураббийлик қилиш ҳаракати бизнинг корхонамиз ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ўз касбининг донг таратган усталари: печатниклар бригадасининг бошлиқларидаан Баёз Миродилов, Наримон Сафаров, печатник Валерий Карабанов, ҳарф терувчи Александр Овчинников, муковасоз Нина Тарасова, механик Ана-

толий Бектемиров ва бошқа ўнлаб катта тажриба эгалари ўз соҳалари бўйича анча-мунча малакали шогирдларни воъжа етказдилар.

Корхонамизда ихтирочилик ҳаракати ҳам кенг қулоқ ёйган. Ихтирочиларимиздан бир группаси яхши муваффақиятга эришди. Бу рационализаторлар Урта Осиёда биринчи, Иттифоқда эса, «Правда» нашриёти босмаҳонасидан кейин иккинчи бўлиб полиграфия соҳасида катта янгилик бўлган фото кўчириш маркази — фото-репроцентр лойиҳасини тайёрлаб, уни амалга оширдилар. Бу марказда энди барча кўп рангли журналлар билан бирга «Гулистон» журналининг ҳам фото формаси тайёрланади.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, республикамиздаги энг йирик газета-журнал базаси комплексининг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама кенг тармоқ отиб бораётгани тўғрисида нашриётимизнинг моддий ва техника базаси юқори даражага кўта-



Узбекистон радиосининг катта диктори, Узбекистон халқ артисти Туйғуной Юнусхўжаеванинг таниш овози эфир тўлқинларида кўп йиллардан буён янграйди. У ана шу узоқ муддатли меҳнат фаолияти мобайнида қанча-қанча шогирдлар тайёрлаб етиштирди. Ҳозир ҳам мураббийлар кенгаши раиси сифатида кенг фаолият кўрсатмоқда. Суратда Т. Юнусхўжаеванинг ёш дикторлар билан дикторлик маҳорати тўғрисида машгулот ўтказайтган пайти аниқ эътирилан.

Д. ХУҲАЕВА фотоси

рилди. Эндиликда ҳар йили моддий рағбатлантириш, маданий-оммавий ишлар ва корхона тараққиётининг қурилиш фондларига 1 миллион 800 минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш имкониятига эгамиз. Шунингдек, йил сайин янги турар-жой бинолари қад кўтармоқда, янги замонавий полиграфия машиналари сотиб олинмоқда, ишчи-хизматчиларимиз ҳордиқ чиқарадиган санаторий, дам олиш уйи ва бошқа оромгоҳ боғларимиз ҳар томонлама кенгайтирилмоқда.

Яна бир йилдан сўнг газеталарни прогрессив офсет босма усули билан тайёрлайдиган комплексни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу бинода ҳамма газеталар янги технология бўйича босиб чиқарилади.

Нашриётимизнинг кўп минг кишилик аҳил коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили — 1979 йилни ҳам яхши яқунлади. Ўтган йили 9 миллион 585 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот

285 минг сўмни ташкил этди. Шу тариқа плангига эмас, социалистик мажбуриятни ҳам ортиги билан адо этдик. Бу йилнинг дастлабки ойларидаги иш натижалари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилини ҳам улкан ютуқлар билан яқунлашимиздан, белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни ортиги билан адо эта олишимиз мумкинлигидан дарак бериб турибди.

Узоқдан қараганда, мрамар китобни эслатувчи муҳташам бино чиндан ҳам зиё тарқатувчи даргоҳдир. Бу рамзий китоб халқимизнинг сиёсий ва маънавий онгини ўстиришдек шарафли вазифани амалга оширишга хизмат қилмоқда, меҳнаткашларни Коммунистик партиямизнинг доно кўрсатмаларини сидқидилдан адо этишга руҳлантирмоқда.

Ислон ШОҒУЛОМОВ,  
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори, тарих фанлари кандидати



Султон АҚБАРИЙ

## Пахтакор

Социалистик Меҳнат  
Қаҳрамони  
Аҳмаджон Валиевга

Унинг очмаган бўзи,  
Экмаган даласи кўп.  
Ердан бўшамас ўзи,  
Дунёнинг чаласи кўп.

Кўшқулоқ бўлар ғўза,  
Чўлда қовжирар хас-чўп.  
Оядида сопол кўза...  
Дунёнинг чаласи кўп.

Хаёлда қора қирғоқ,  
Қуршовдаги Петергоф...  
Кулдан тирилди бироқ!  
Дунёнинг чаласи кўп.

Солдатнинг жони қаттиқ,  
Бўтқани ошар лўп-лўп.  
Улишда қандай мантиқ?  
Дунёнинг чаласи кўп.

Ашулани олсинми  
Ё ўйнаб берсинми хўб?  
Кўзи қиймас мавсумни,  
Дунёнинг чаласи кўп.

Пахтаси келар фором,  
Олма тўкилар тўп-тўп.  
Туриб кетар беором,  
Дунёнинг чаласи кўп.

## Ёшлигим ҳақида

Байналмилал ёшлигим —  
Ут-оташлигим...  
Ворошиловча мерган,  
Чкаловча қалдирғочлигим...

Барселона ўтда,  
Терника — тобутда,  
«No pasaran!»<sup>1</sup>  
бу испан болалари.

Курра  
мудҳиш сукутда,  
Қақшар асаб толалари.  
Кўлда

елимланган аэроплан,  
Кўз миҳланган чақмоқли кўкка.  
Болаликнинг нотинч ғурури билан  
Юрак тегиб кетарди токка.  
Ёпишгандик милтиқ қўндоғига,  
Кўлтиқларда — мактаб папкаси.  
Сафарбарлик.  
Сарҳад.

Нарёғида  
Аччиқ-аччиқ уруш нафаси.  
Зирҳли пўлат эритади Рур,  
Ясамасди қумуш бўйинчоқ.

<sup>1</sup> Испанча: «Улар ўтолмайдилар!»  
дегани.

## Қайнаган дард

Ўғлим Ваҳодир хотирасига

Унглаб олгач ўзни фироқдан,  
Қора ёшлар ювгач саҳарни,  
Тошиб чиқди икки қирғоқдан  
Оталикнинг қайнаган дарди.

Тилга кирди музлаган ҳислар,  
Жилдиради жилғалар такрор.  
Қалдирғочлар ўқиб олқишлар  
Қанотида келтирди баҳор.

Кет, ёпишма, ғамларим занги,  
Менда йўқдир ҳижронга тоқат.  
Қандай қувноқ оламнинг ранги,  
Меҳри, сеҳри кўзларга роҳат.

Тонглай очиб қўйилган эшик,  
Йўламасин сенга фожиа.

Аҳдимиз бор, дерди, тафаккур,  
Шартнома эмас бу — ўйинчоқ!  
Нима бўпти ниқоб,  
йиртиб ташлаш осон.  
Ҳали ҳам биз содда эканмиз,  
Дипломатдан кўра кўпроқ деҳқон,  
Инсонликда  
фавқулодда эканмиз.

Уруш. Қон.  
Уруш. Қон.  
Уруш. Қон.  
«Майн кампф» чўпчакмас —  
билардик.

Саратон.  
Лаблар қурушган.  
Полигонда машқ қилардик.  
Шундай кириб кетди

урушга  
Байналмилал ёшлигим маним.  
Ем бўлди

гермanning сўйлоқ тишига  
Йигирма миллион баданим.  
Йигирма бешида

уч бор Қаҳрамон,  
Уттизида  
мангу машъал ёшлигим.

Ҳушёр бўлинглар, дер,  
ҳар қачон,  
Абадий ўт-оташлигим...

## Хаёлингда қолай...

Хаёлингда қолай ёш бўлиб,  
Севги билан синфдош бўлиб,  
Ойни коптоқ қилиб ўйнаган  
Шайдо йигит, қора қош бўлиб.

Ёзимни кўр, кўрма қишимни,  
Уваланиб кетган тишимни.  
Судралувчан бўлиш даҳшатдир,  
Суриштирма чала ишимни.

Сочларимнинг оқин санама,  
Яраларни очиб ямама.  
Масъуд онларимни эслатиб,  
Ҳисларимга олов қалама.

Хаёлингда қолай ёш бўлиб,  
Севги билан синфдош бўлиб,  
Моҳир рассом ишлаган сурат:  
Шайдо йигит, қора қош бўлиб.

## Шошқалоқлик

Шошиб келамиз,  
Шошиб кетамиз.  
Қайнаган сутдай  
Тошиб кетамиз.

Поездлар шошар,  
Уфқлар қочар.  
Самовий тезлик  
Тонг кўзин очар.

Шошиб келамиз,  
Шошиб кетамиз.  
Довонма-довон  
Ошиб кетамиз.

Болари шошар,  
Ғунча лаб очар.  
Дунёда фақат  
Муҳаббат яшар.

Шошиб келамиз,  
Шошиб кетамиз.  
Ҳайрон бўлиб, бош —  
Қашиб кетамиз...

# ҚАҲРАМОНЛИК МАДҲИ



«Совет халқи Ватанимиз тарихида бўлган урушлар ичида энг оғир ва энг узоқ давом этган бу урушда шундай жасорат кўрсатдики,— дейилган эди КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябр» социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида,— инсоният бунга тенг келадиган жасоратни ҳали кўрмаган эди. Совет халқи ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш билангина чекланмай, Европа ва жаҳон цивилизациясини фашист ваҳшийларининг поймол қилишидан халос этиш ишига ҳам ҳал қилувчи ҳисса қўшди».

Кўпмиллатли совет халқининг бу курашда қўлга киритган оламшумул ғалабасига санъат усталари, шу жумладан, Ўзбекистон рассомлари ҳам ўз ижодий улушларини қўшдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида тасви-

рий санъат совет кишиларини ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашнинг энг таъсирли воситаларидан бўлиб хизмат қилди. Санъаткорлар ўша йиллари ўзларини жангчи ҳис этиб, чинакам жонбозлик билан меҳнат қилдилар. Уларни заводларнинг цехларида, далаларда ва қурилиш майдонларида тез-тез кўриш мумкин эди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган шиор санъаткорлар фаолиятининг бутун мазмунини белгилар эди.

Республикамиз тасвирий санъати ривожига уруш йиллари Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан келиб, Ўзбекистонда ижод этган атоқли санъат усталари катта роль ўйнадилар. Уларнинг истеъдоди, тажрибаси, шахсий намунаси ижодий изланишларни фаоллаштиришда,

ижодий услубни янги тасвирий воситалар билан бойитишда республикамиз санъаткорларига мадад бўлди. Тасвирий санъат қаҳрамонлик руҳи ҳамда тарихий-инқилобий мавзулар билан бойиди. Фронтлардаги воқеалар, совет кишиларининг меҳнатда ва жангда кўрсатган жасорати кўп асарлар учун асосий мазмун бўлиб қолди. Л. Абдуллаевнинг «Кузатиш», З. Ковалевскаянинг «Ғалаба билан қайт», М. Аринининг «Ўзбекистон қиличи» асарлари ана шулар жумласидандир.

Санъаткорлар халқимизнинг сиёсий-маънавий жипслиги ҳақидаги фикрни публицистик пафос ва дадиллик билан тасвирадилар. Н. Карахан «Қуролни қўлдан қўймаган ҳолда» асарида граждандар уруши иштирокчисининг ўз жанговар қуролини ўглига топшираётганини акс эттиради.

Кўпгина рассомларимиз бевосита жанг манзараларини ёритувчи асарлар яратдилар. О. Татевосяннинг «Жанговар дугона», «Совет жангчиси», «Сўнгги граната», «Ватан учун!», А. Волковнинг «Хужумга», «Командирни ҳимоя қилиб», «Севастополь», Н. Кашинининг «Озод қилинган ерда» асарлари айниқса ана шу жиҳатдан эътиборга лойиқ.

Барча рассомларнинг ўз шахсий таассуротларига суяниб асар яратишлари мумкин эмасди албатта. Бироқ ҳужжатли материалларни бевосита ўрганиш, ижодий тасаввур кучи, ватанпарварлик ҳис-туйғулари совет жангчиларининг қаҳрамонлиги ва жасоратини ёрқин кўрсатиб берувчи, томошабинларни тўлқинлантирувчи асарлар яратишга имкон берарди.

Айрим рассомлар фронтга бориб, солдатлар билан биргаликда яшади-




Е. ЧИСТОВ. СОВЕТ ИНФОРМБЮРОСИДАН.



М. САИДОВ. СУХВАТ.

В. ПЕТРОВ. ОСУДА ЕЗ.





# ХАЛОСКОРИМ— КОЛЯ ТОҒА

«Гулистон»  
1978 йил 5-сонини варақлаб ўтириб, бир суратга кўзим тушиб қолди. Юртдошимиз, жангчи фотомухбир Геннадий Николаевич Перменев олган бу суратнинг тагига шундай деб ёзилган эди: «1943 йил. Бу солдат Шимолий Донец плацдармидаги қизғин жангда ярадор бўлган дўстини ўқлар ёмғири остидан олиб чиқмоқда».

Мазкур сатрларни ҳаяжон билан ўқидим. Негаки, шинель устида ҳушсиз ётган солдат мен эдим! Бўлган воқеалар кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади.

1943 йилнинг август ойи. Совет қўшинларининг кетма-кет берган зарбаларига чидалмаган душман орқага чекинди. Лекин у ҳар қарич ер учун қаттиқ курашар, пайтини пойлаб қарши ҳужумга ўтар ва иложи борича бизга талафот етказишга ҳаракат қилар эди. Йўл-йўлакай кўприкларни портлатиб, турар жойларга ва омбулларга ўт қўйиб, ҳужумимизни тўхтатиб қўйишга уринар эди.

Шимолий Донец дарёсини кечиб ўтиш жуда қийин бўлди. Дарёнинг нариги қирғоғида ин қуриб олган душман пистирмалардан дўлдек ўқ ёғдирарди. Биринчи Украина fronti 78-гвардиячи дивизиянинг 3-ба-

тальони қуршовда қолган эди. Бизнинг взводимиз қамалдагиларга нон ва ўқ дори етказиб бериш ҳақида буйруқ олди. Қамалда қолган билан 29 киши бир ярим километр чамасидаги чаналакзор қумлиқни босиб ўтишимиз, душман ҳалқасини ёриб, топшириқни бажаришимиз зарур эди. Айни вақтда шартли сигналлар билан душман позициясидаги вазиятдан орқада келаётган бошқа қисмларни хабардор қилишимиз ва уларга суяниб ҳужумни кучайтиришимиз лозим эди. Душман эса ниятимизни пайқаб қолгандек тинимсиз ўқ ёғдирарди. Ерга биқиниб эманлаганча ўт очиб бошладим. Дўшманни қамаллашганимизда взводимиз командири ва бир неча жангчимиз душман ўқидан йиқилди. Командир ёрдამчиси сифатида мен қолган жангчиларни олдинга даъват этдим. Дарёдан кечиб ўтиб, 3-батальон жангчиларига қўшилдим. Афсуски, взводимизда аттиги ўн бир киши қолган эди.

Тезда орқадаги қисмларимиз етиб келди. Улар билан биргаликда ҳужумни давом эттирдик. Жанг аёвсиз бўлди. Иккинчи позицияда мустаҳкам ўрнашиб олган душман энди чекинмас, истеҳкомдан туриб тўхтовсиз ўт очар эди. Биз эса ҳужум билан уларнинг истеҳкомларига яқинлашиб қолган эдик. Шу пайт чап оёғим жиз этиб, қақшаб кетди. Душман миномётдан отилган снаряд сон суягимни тешиб ўтган эди. Оғриқдан ўтириб қолдим. Шунда москвалик Коля тоға, деган қуролдошимиз югуриб келиб, «Ўқ чалиб кетади-ку!», дея кўнрагимдан босиб ётқизди. Чўнтагидан бинт олиб ярамни боғлади. Лекин қон тўхтамас, оёғим эса зирқираб оғрир эди. Шундан сўнг у ички кўйлагимдан йиртиб олиб, бинтнинг устидан пухталаб танғиди. Кейин шинелини ечиб ерга тўшади ва мени унга ётқизди. Қўлини ерга тираб, энкайганча ўқ ёмғири остидан судраб олиб чиқа-

бошлади. У йўл-йўлакай «Бардош қил! Омон қолдинг!», деб пичирлар эди. Коля тоға мени бир ўқдан олиб келиб жойлаштирди. «Бардош қил! Бардош!..», деб тайинлаганча ўзи яна жангга кириб кетди. Мен ўша заҳотиёқ қонсираб ҳушимни йўқотибман. Ҳушимга келиб кўзимни очсам, дала госпиталида ётибман. Кейин бошқа ярадорларга қўшиб Березники шахрига жўнатдилар. Қўлинг дард кўрмагур шифокорларимиз олти ой даволадилар. Соғайгач, яна фронтга кетдим. Энди 179-гвардиячи дивизиянинг 862-ўқчи полки составига жангчи давом эттирдим. Аввал булинма командири, сўнгра взвод командири бўлиб, қардош Украина ва Белоруссияни, кейин эса Польшанинг Перемишль, Ченстохов, Лодзь, Краков шаҳарларини озод қилишда қатнашдим. Жанговар хизматларим учун икки марта Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлик учун», «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа медаллар билан мукофотландим.

Одер дарёсини кечиб ўтиш вақтида бўлган жангда, яъни 1945 йил 24 январда ўнг қўлимдан оғир яраландим. Мени бошқа ярадорлар билан биргаликда мамлакатимиз ичкарасидаги госпиталга жўнатдилар.

Совет жангчиларимизнинг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ҳамкорликлари ҳақида маҳаллий матбуотда материаллар муттасил босилиб туради. Мен уларни гоёт қизиқиш билан ўқиб бораман. Назаримда, бир нарса эътибордан четда қолаётгандек туюлади. Жангчиларимиз ғалаба учун қанчалик жасорат ва мардлик кўрсатган бўлсалар, қуролдош дўстларининг ҳаёти учун ҳам шунчалик довураклик ва фидойилик билан жонбозлик қилдилар. Агар москвалик Коля тоға мени ажал гирдобидан олиб чиқмаганда, эҳтимол... У ажойиб инсон эди. Кўпчилигимиз ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ўтюррак йигитлар эдик. Коля тоға



эса бизлардан кўпгина санкиларимиз ёш катта эди. Шунинг учун ҳам биз уни тоға деб атардик. 3-батальонда ленин-ободлик З. Мамашайхов, душманбалик Х. Назаров деган дўстларимиз бор эди. Аммо уларнинг тақдири нима бўлганини билмайман. Умид қиламанки, улар ҳаётдир. Севимли «Гулистон» журналимиз сабаб бўлиб шояд яна бир бахтли тасодиф юз берса, жанговар дўстлар дийдор кўришсак.

Урушдан сўнг олий маълумот олдим. Оржоникидзе ва Калинин районларида ўқитувчи, маориф мудир, район партия комитети ходими вазифаларида ишладим. Бир неча йилдан буюн эса Калинин районидаги Карл Маркс номи 13-мактабнинг директориман. Беш ўғлим ва қизим, олти набирам бор. Мамлакатимиз бўйлаб Буюк Ғалабанинг шонли 35 йиллигини нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўриляётган шу кунларда мен Улуғ Ватан урушининг бошқа қатнашчилари сингари ёшлар билан анъанавий учрашувларда бугунги ҳаёт, фаровонлик ва маъмуриликка ҳалқимиз осонликча эришмаганини, бу улуғ саодатда Буюк Ғалаба йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган дўстларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлайман. Халқимиз уларнинг хотирасини бир умр ёдда сақлайди.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ,  
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

пар, уларга ҳамдам, ҳамдард бўлдилар, вақти келса, жангларда ҳам иштирок этдилар. Жанг пайтида этюд ва лавҳалар чизишга имкон топдилар. Рассомлар баъзан намиқиб ишдан қиқиб қолган ўқ дорини бўёқ ўрнида ишлатардилар. Фронтнинг олдинги линиясини тасвирловчи кўпгина расмлар ана шу тариқа юзага келди. У. Тансиқбоевнинг «Уруш йўлларида» сериясидаги расмлари, М. Арининнинг кўп асарлари, Б. Жуков, В. Рождественский ва бошқа рассомларимизнинг композицион лавҳалари бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур асарларда жангнинг ўтли нафаси ҳам, солдат ҳаёти ҳам, она табиат манзаралари ҳам зухур этади, уларда ҳис-ҳаяжон, жанговар лирика ўйғунлашиб, энг юқори даражадаги фюжнвийлик оҳанглари билан бирга ҳаёт иштиёқи ва оптимизм мотивлари янграётгандек бўлади.

Қаҳрамонлик мавзуи мамлакат ичкарасидаги лавҳалар асосида ҳам яхши ёритилди. Масалан, Л. Абдуллаевнинг «Ғалаба сари», «Қизил Армияга кузатиш» деган полотноларида буюк зафарга ишонч ёрқин кўзга ташланади.

Уша йиллари ҳамма фронт учун меҳнат қиларди. Шу сабабли Ўзбе-

кстоннинг кундалик меҳнат ҳаётини тасвирлашга бағишланган асарларда ҳам ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи кенг ривожлантирилди. Л. Абдуллаевнинг «Агитатор Шимолий Ташкент каналда» асарини олайлик. Оддийгина композицияда гоёт теран фикр акс эттирилган. Ёш агитатор янги канал қурувчилари олдида сўзламоқда. Тепадаги портретда эса, канал қурувчиларнинг ҳамюртлари, фронтда қаҳрамонлик кўрсатган йигит уларга қараб турибди. Ишчилар қиёфасига зеҳн солган томошабин мамлакат ичкараси билан фронтнинг, армия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини ҳис этади.

Бу йилларда колхоз ҳаётини акс эттирадиган асарлар айниқса кўп яратилди. Масалан, Н. Карахан «Биринчи чопиқ», «Пахта терими», «Ғалла ўрими» расмларини чизди. «Ғалла ўрими»нинг олд қисмида — олдинги планида олтин бошоқларни қўлида тутиб турган ўроқчи аёлни кўрамиз. Латиф тасвирланган ғаллазор ёнбағирга бориб тутатиб кетади. Уфқда эса улкан тоғлар савлат тўкиб турибди. Енгил бўлутлар мовий осмонда эриб кетаётгандек, табиат сокинлик қўйнига чўмган. Асар ниҳоятда ёрқин ва нурли бўёқларда чизилган.

Рассомнинг «Биринчи чопиқ» асари нафис лиризм билан суғорилган. Хилма-хил кийимдаги бир неча аёл эндигина униб чиққан гўзани парварши қилмоқда. Узоқда колхоз бинолари, осмонга буй чўзган теракар оқариб кўринади. Асар композицияси узоқ уфқлардаги бинафшаранг тоғлар силсиласи билан тугайди.

А. Волковнинг «Пахтакор қиз», «Пахта терими» ва бошқа полотнолари ҳам уруш вақтидаги колхоз ҳаётига бағишланган.

Ўзбекистон рассомларининг уруш йилларидаги асарлари уларнинг ижодий фаоллиги кучайганлигидан, маҳорати ошганлигидан далolat беради. Уруш даврида қўлга киритилган тажрибалар урушдан кейинги йилларда ўзбек тасвирий санъатининг янада ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлди.

Ғалаба кунини Жангчиларнинг уйларига қайтишлари... Худди ана шу мавзу рассомларимиз учун инсоний ҳис-ҳаяжонларни мушоҳада этиш учун материал бўлди. Бу жиҳатдан Л. Абдуллаевнинг «Ғолибуни кутиб олиш» полотноси шоирона ижро этилган. Асарни яратиш нияти рассомнинг шахсий кузатишлари асосида туғилган. Кўрган ва бошидан кечир-

ган воқеалар рассомнинг таъсирчан композиция топишида кўл келган. Учрашув вокзал олдидаги майдонда, темир йўл состави фониде кечади. Ғолиб ўзбек йигитини отаси ва онаси, хотини, боласи кутиб олмақда. Ота ўғлини қучиб бағрига босмоқда, болакай қаҳрамон отасига талпинмоқда. Жангчининг онаси ва хотини қувонмоқдалар, ҳаяжонланмоқдалар. Учрашув онларининг шоду хуррамлиги рассом томонидан ниҳоятда табиий акс эттирилган. Рассом аскар йигитнинг онаси сиймосида оналик меҳр-муҳаббатига тўла ўзбек аёлини миллий характери билан берган. Отасининг юзи томошабинга қўринмайди, бироқ унинг вужудидан ички ҳаяжони яққол сезилиб турибди. Асарда ранглар билан образлар кайфияти бир-бирига уйғун. Кишиларга ёғилиб турган қуёш нури, қулф урган табиат, гуллар, ҳилпиряётган байроқлар — ҳаммаси тантанали вазиятга ҳамоҳанг.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи «Ғолибона 60 йил» кўргазмасида кенг намойиш этилди. Рассом Р. Чориев ўзининг «1941. Биринчилар» асарида фронтга кузатиш воқеасини акс эттирди. Қўлуғ онларнинг улғурлигини кўрсатиб берадиган бу асарда

томошабин воқеа иштирокчиларининг бирдамлигини ҳам ҳис этади. Р. Чориев шу асарда умумлашган образ яратади. Ғ. Абдурахмонов эса, «Ватан ҳимоясига» деган асарда фронтга кузатиш манзарасини кўп қисмда...

«Композитсия» шаклида ифода этади. Унинг мавзуни чуқур мушоҳада этгани, материални пухта ўргангани бир қарашдаёқ кўзга ташланади. У айрилик ва видолашув изтиробларини ишонарли акс эттирган. Томошабин халқимизнинг уруш йилларидаги драматик кечинмалари ҳақида дoston ўқигандек бўлади. Бу асар фалсафий теранлиги билан диққатни тортади.

И. Турсунназаровнинг «Сўнги хат» асарига фожиали воқеа тасвирланади. Унда ўрта ёшли аёл — онанинг бошига ногаҳон тушган мусибат акс эттирилган.

Е. Чистовнинг «Совет Информбюросидан» асаридаги ҳаяжонли пайт, А. Перовнинг «Уруш пайтининг болалари»да етим қолган болаларга оналик қилаётган аёлнинг ҳис-ҳаяжонлари табиий очиб берилади. Сўнги асарнинг композицияси, услуби, бўёқ бериш тарзи ягона асосий мазмунга — образнинг психологик мазмунига бўйсундирилган.

Фашизмга қарши урушда иштирок этиб, халқларга тинчлик олиб қелганларнинг образлари Ўзбекистон тасвирий санъатида кенг миқёсда галереяни ташкил қилади. С. Абдуллаевнинг «Совет Иттифоқи қаҳрамони Ш. Умаров», Э. Бобоевнинг «Генерал С. Охунжонов», Р. Виконинг «Генерал-полковник С. Белоножко», шунингдек, Р. Чориев, Б. Назаров ва бошқалар чизган портретлар ана шу галереяга кирди.

Рассом Қ. Носиров генерал Собир Раҳимовнинг таъсирчан образини яратди... Ҳозиргина жанг бошланган пайт. Генералнинг юзида ташвиш ифодасини курамыз, бутун қиёфасида эса қатъият, матонат, ғалабага ишонч зуҳур этиб туради.

Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалаба мавзуи, ер юзида тинчликни мустақамлаш мавзуи плакатчи расомларимиз учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаидир. Сўнги йилларда «Ўзбекистон» нашриётида чиққан қатор плакатлар бунга далил бўла олади. Рассом Ф. Кагаровнинг «Тинчлик» плакатида ниҳоятда эзгу ғоя илгари сурилади. Тинчлик солдати рейхстаг устига байроқ тикмоқда. «Тинчлик» сўзидан иборат бу байроқ бутун Ер курреси фониди ҳилпираб турибди.

Ф. Кагаровнинг «Қуролланишга чек қўйилсин» деган плакати ҳам ғоят таъсирчан асардир. Парчаланиб кетган қоп-қора бомба фониди тинчлик рамзи бўлган оқ кабутар тасвири кўзга ташланади. Бу билан расом халқлар дилидаги ғояни содда ва таъсирли акс эттирган.

Ўзбекистон халқ рассоми В. Евенконинг «Улуғ Ватан уруши тарихи», рассом Н. Алиевнинг «Оталаримизнинг жанговар шухрати ўчмас!», А. Балкановнинг «Оталаримиз ишига содиқмиз», Н. Шерстневнинг «Полкдош дўстнинг совғаси» плакатлари ҳам халқимизнинг ватанпәрварлик анъаналарини улуғлаши билан диққатга сазовордир.

Совет кишиларининг фашизмга қарши курашдаги буюк ғалабаси — Ўзбекистон расомлари ижодининг ўчмас мавзудир. Мана, қирқ йилдири, бу мавзу республикамиз тасвирий санъати усталарининг барча вакиллари ижодида ўз инъикосини топмоқда.

Вақт ўтиши билан бу мавзу янги қирралар, янгича теранлик касб этаверади. Улуғ Ватан урушининг ғолиблари тасвирига бағишланган расмлар фақат ўтган уруш ҳақидаги санъат хотираси бўлиб қолмай, куч-қудратимиз ва энгилмаслигимизга буюк ишонччи ҳам билдиради.

Р. СОДИҚОВ

## МУЪЖИЗАГА МЕҲР

«...Ҳозирги ўзбек танқидчилари орасида Озод Шарафиддиновнинг асарларини алоҳида қайд этмоқчи эдим. Унинг китоблари адибларга ақл ўргатмайди, балки тенгма-тенг туриб жиддий, фойдали суҳбат қуради. Автор ёзувчи ва китобхон билан биргаликда адабиёт ва ҳаёт муаммоларини муҳокама қилаётгандек бўлади. Унинг оддий ва самимий услуби ўзига ром этади, бу танқидчи шахсиятининг бойлигидирки, менинг меҳру ихлосим шундай танқидчилар томонида».

Ёзувчи Асқад Мухтор «Вопросы литературы» журналининг ҳозирги замон танқидчилиги муаммоларига бағишланган 1979 йил 12-сонидидаги анкета саволларига жавобан кўпчилик ҳамкасблари фикрини ифодалаб айтган ана шу гапларда Озод Шарафид-

1 Озод Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

динов асарларига хос энг муҳим фазилатлар лўнда, ҳаққоний ифодаланганки, танқидчининг «Биринчи мўъжиза»<sup>1</sup> китоби бунга айниқса тўлиқ исботлайди.

«Адабий ўйлар» ва «Адабий портретлар» деган икки катта қисмдан иборат бу салмоқли китоб танқидчи йигирма йиллик ижодининг сарҳисоби, эллик ёшга кириши олдидан севимли китобхонларига атаб дид билан, талабчанлик билан тузган гулдастадир. Мақола ва адабий портретларнинг кўпчилиги ўз вақтида газета-журналларда босилган, китоб ҳамда тўпламларга кирган бўлса-да, бир муқова остида жам этилгач, бу тадқиқотлар адабиётнинг мўъжизакор кучи, сеҳрини чуқур ҳис этишимиз, танқидчи истеъдодини бўй-баста билан кўришимиз, маҳоратидан тўлароқ завқланишимизга имкон берди.

Танқидчининг сермушоҳада, ўйчан, дилбар мақолаларидан ҳисобланган «Биринчи мўъжиза» китобга сарлавҳа бўлгани, уни бошлаб бергани, наза-



римизда, асосли ва қонунийдир. Автор инсон ақли, тафаккури қудратини кўрсатувчи мангу обида — етти мўъжиза ҳақида гапирар экан, «Оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улғуворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. XX аср одамнинг ҳаётига у нондек, ҳаводек, радиодек сингиб кетган... Бу мўъжиза — китоб», дейди.

Озод Шарафиддиновнинг ана шу мўъжизага меҳри нечоғли баландлиги унинг уйидаги кутубхонасини лоақал бир марта кўрган кишига яхши маълум. Бунга эслатишимиз сабаби шуки, автор мақолани бошдан-оёқ китоб шаънига ҳамду сано ўқиш ва қизиқ гаплар, ибратли мисоллар заминига қуриши, шу билан ҳам фикрларини асослаши мумкин эди. Лекин бу йўлдан бормайди, материал доирасини аниқ чегаралаб, гапни адабиёт, мўъжизакор бадий асар муаммоларига буради. Мўъжиза деганда автор катта истеъдод, чинакам маҳорат билан яратилган китоб, асарларнигина назарда тутди. Истеъдодли асар, мўъжизакор китоб ўқувчини ҳайратга солади, сеҳрлайди, онг-шурини бойитади, фикр-ўйларига туртки беради. «Ажабланиш, ҳайрат — файласуфликнинг бошланишидир», деган эди Аристотель. Асарнинг мўъжизакор сеҳрини англаш, ҳайратланиш учун эса китобхондан кенг билим ва савия, ўткир ақл ва қалб, нозик эстетик дид ва туйғу, қисқаси, жиддий тайёргарлик талаб этиладики, буларни тарбиялашда танқиднинг роли муҳим, салмоқлидир.

О. Шарафиддинов адабий асарни баҳолашда бадийят қонуниятларини ҳисобга олмаслик, вулгар утилитаризм нуқтан назаридан ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туришини айтиб, «Яқин-яқинларда ҳам пахтакорлар ҳақида ёзилган романнинг қиммати унда пахта экишни яхшилашга ёрдам берадиган агротехник маслаҳатлар-

макруз

## ЖАНР ТАҲЛИЛИ

«Публицистика кенг ва чуқур маънога эга,— деган эди атоқли адиб ва жамоат арбоби Шароф Рашидов.— Совет адабиёти — буюк публицистик ғоялар адабиётидир». Чиндан ҳам социалистик қурилиш пафоси, коммунистик идеалларнинг қарор топаётганлиги, ижодкорлик ва қаҳрамонликнинг муҳим фазилатга айланганлиги, инсон психологиясидаги ўзгаришлар публицистик ижод моҳияти ва имкониятлари билан ғоят уйғундир. Ўзбек совет бадий публицистика-

сини тадқиқ этишга 60-йилларнинг охирларида жиддий киришилди. Адабиётшунос олимлардан М. Қўшжонов, О. Тоғаев, Б. Имомов, И. Мирзаев ва бошқалар бу соҳада арзигulik иш қилдилар. Филология фанлари кандидати М. Ҳусайновнинг «Ўзбек совет бадий публицистикаси» монографияси бу соҳадаги энг сўнги муҳим тадқиқотлардан биридир<sup>1</sup>. Китобда публицистиканинг етакчи жанрлари, уларнинг ғоявий-эстетик хусусиятлари ҳақида сўз боради.



Монографиянинг тадқиқот объекти бир неча йўналишдан иборат: мақолада публицистик руҳ, публицистик жанрларнинг тарихи, Туркистонда вақтли матбуот ва мақола жанрининг тарақиёти, 20—30-йилларда, айниқса Улуғ Ватан уруши даврида мақола жанрининг ғоявий-эстетик тенденциялари; мақола жанрида ажойиб ижод намуналарини яратган публицист ёзувчилар Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов ижоди замон билан нақадар ҳамнафас бўлганлиги тадқиқ этилади. Шу билан бирга, ўзбек бадий публицистикаси тадқиқига бағишланган ишларга обзор берилади.

Сўнги йилларда баъзи тадқиқотларда публицистикани уч тоифага — илмий, сиёсий ҳамда бадий публицистикага бўлиш тенденцияга айланди. Бундай бўлиш принцип жиҳатидан хато бўлмаса-да, бироқ барча илмий-назарий ёки сиёсий мавзудаги асарларни публицистика сифатида таҳлил қилиш, бизнингча, нотўғри бўлур эди. Маълумки, публицистика ўз жанр имконияти ва моҳиятига кўра, бадий шакл танлайди, образли сўз воситаси инсон тафаккурида воқеа-ҳодисалар, фактлар, тушунчаларга нисбатан ассоциатив фикр қўзғайди, айна вақтда бундай асар кенг халқ оmmasига мўлжалланган бўлади.

«Ўзбек совет бадий публицисти-

1 М. Ҳусайнов. Ўзбек совет бадий публицистикаси. «Фан» нашриёти, Тошкент — 1978.



нинг бор-йўқлиги билан ўлчанарди; асар металлургия ҳақида бўлса, ёзувчи металлургиянинг муҳим технологик масалаларини очиб бериши керак, дер эдик», дея таассуф билдиради ва Миртермирнинг «Булут» шеърини таҳлил этар экан, асардан чорвачиликка оид кўрсатма қидирадиган баъзи китобхон ва танқидчиларнинг «ҳафсаласини пир қилиб», ёзади: «Мен шу шеърни ўқисам, назаримда, ҳаммаёқни баҳор иси тутиб кетаётгандай, майин, ёқимли шабадалар юзимни силаб ўтаётгандай бўлади. Узимни лолалар очилиб ётган, ҳар томондан хушбўй кўкатларнинг қиди анқиб, арлар шарбат қидириб гулдан-гулга кўчиб юрган қир бағрида кўраман. Гўё чалқанча ётиб олиб, болулар орасидан кўришиб турган локувард осмонни томоша қилаётгандай, уларнинг оқлигидан кўзларим қамашаётгандай, хушбўй ҳидлардан кўкрагим кўтарилгандай бўлади. Югургим, чопгим, ўзимни ўт-ўланлар, пичанлар устига отгим келади. Руҳим энгил тортади. Менинча, шеърнинг кучи ана шунда — одамлар қалбига нур олиб киришида, қалбларда ух-лаётган ҳисларни кўзатишида».

Беҳад гўзал шеърнинг беҳад гўзал, теран таҳлили, адабиётнинг мўъжизакор кучи, сеҳри жозибасига зўр мисол! Дарҳақиқат, кичик бир шеър қалбимизни ана шундай жунбушга келтириши, ҳиссиётларимизни лим-мо-лим тошириб юбориши мумкин бўлгани каби, ёстиқдек қалин китоб мутлақо лоқайд қолдириши ҳам мумкин.

«Ленин ва адабиёт», «Революция ва адабиёт», «Дўстлик қонуни» мақолалари «Биринчи мўъжиза»нинг мантиқий давоми, тадрижий ривож сифатида диққатга сазовор.

«Революция ва адабиёт» мақоласида автор Октябрь инқилоби маданий ва адабий ҳаётда буюк бурилиш ясагани, адабиётнинг азалий проблемаларини ҳал қилгани, унинг гуллаб-яш-

наши учун кенг йўл очгани ҳақида ёзади. Тадқиқотчининг нозик мушоҳада, теран мулоҳазаларидан ҳулоса чиқариб айтиш мумкинки, мўъжизакор инқилоб мўъжизакор адабиёт яратди, социализм даврида халқимизни меҳнатга, курашга ундовчи ўнлаб, юзлаб ранг-баранг, баркамол асарлар майдонга келди. «Дўстлик қонуни», «Йиллар ва йўллар» мақолаларида ҳам ана шу тезис янги материаллар асосида ривожлантирилди.

«Йиллар ва йўллар». В. Белинский аънаналари руҳида ёзилган бу кузатиш-мақолада ўзбек совет поэзиясининг эллик йиллик тарихи таҳлил этилган. Тадқиқотчи шеърятимизнинг тараққиёт босқичлари — йўлларни мамлакатимиз тарихи, энг муҳим воқеалар — йиллар билан узвий боғлиқ ҳолда текширади.

«Йиллар ва йўллар», «Замон — қалб — поэзия» мақолаларида автор поэзияни ғоят нозик ва теран тушунишни, «назм цехи»даги ҳамма катта-кичик воқеалардан, шеърятимиз тараққиётидаги янгиликлар, етакчи ва ўткинчи тенденциялар — барча-барчасидан бирдек хабардор эканини намоян қилган. У ҳар бир шеърни — авторни ким эканлигига қараб эмас, қандай ёзилганига, савиясига қараб баҳолайди, яхшини — яхши, ёмонни — ёмон, дейди. Бирор бўш шеър ҳақида билдирилган кескинроқ мулоҳаза шоирга эҳтимол малол келар, лекин очиқ айтилган гап аччиқ бўлса ҳам адолатли эканлигига китобхон ишонади ва танқидчининг фикрига қўшилади.

Озод Шарафиддинов ижодига адабий портрет санъати алоҳида ўрин тутди. «Биринчи мўъжиза»дан олти адабий портрет жой олган, булар — Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ижодига бағишланган тадқиқотлардир. Ҳозир бизда адабий портретнинг кўп ва

яхши намуналари бор. Портрет санъатини тўла эгаллаб олган, унинг энг яхши намуналарини яратган танқидчилардан бири эса Озод Шарафиддиновдир. Пирмат Шермухамедов «Биринчи мўъжиза»га ёзган «Танқиднинг жозоба сири» сарлавҳали сўзбошисида автор ижодига хос кўпгина фазилатларни таъкидлаб, жумладан, ижодий портретларида «Озод Шарафиддиновнинг кузатишлари, муқоясалари, таҳлиллари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Унинг таҳлилларида бошқалар кўрмаган, сезмаган нозик нуқталар тилга олинади... адиллар ижодининг бир-бирига ўхшамайдиган қирралари, ҳаётни тасвирлаш принциплари тайинланади. Ва шу орқали адабий жараённинг тенденциялари, қонуниятлари аниқланади», дейдики, бу сўзларга тўла қўшилиш керак.

Ижодкордан янги, салмоқли гап айтишни талаб қиладиган олим бу талабни аввало ўз олдига қўяди. «Халқ бахтининг оташин куйчиси» адабий портрети бунга мисол бўла олади. Фафур Фулом ҳақида яратилган кўп, салмоқли ишлардан кейин, 1977 йили майдонга келган бу портрет аввалги тадқиқотларга чуқур ҳурмат, айнаи вақтда, уларда айтилган гапларни такрорламаслик, фақат айрим фикрларнинг баъзи жиҳатларини кучайтириш, бўрттириб кўрсатишни ўйлаб ёзилган. Автор унда устоз асарларининг шундай жилоларини танлаб, теран, соз таҳлил этадики, ўзи бир мақоласида «Фафур Фуломсиз бу олам анчагина кемтик ва ғариб бўларди», деган чиройли гапни тўлиқ тасдиқлайди.

Портретларнинг яна бир фазилати шундаки, автор адиллар ижодини уларнинг шахсияти билан узвий боғлиқ ҳолда текширади, яъни улар ҳаётдан, биографиясидан шундай характерли, ибратли воқеалар, эпизодлар келтирадики, бу ижодкор фаолиятини янада ёрқинроқ кўрсатишга,

унинг ижодий лабораториясига яқиндан назар солишимизга имкон беради. Портретларнинг ҳаммаси ҳам юқори савияда ёзилган, лекин улар орасида, бизнингча, алоҳида маҳорат, қалб кўри билан яратилган, ажиб теранлиги, тинқлиги, самимийлиги билан ажралиб турадиганлари Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир ҳақидаги тадқиқотлардир.

Озод Шарафиддинов мақолаларининг муҳим бир фазилати — уларнинг жўшқин публицистик руҳ, эҳтирос билан суғорилганлиги ҳамда услубининг соз, равонлиги, тилининг бой ва жозибадорлиги, самимий, илиқ юмор билан йўғрилганлигидадир. Бу сифатларни бирга қўшиб таъкидлаётганимизнинг сабаби шуки, улар ўзаро чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тақозо этади, бойитади, тўлдиради. Олим асарларидаги публицистик руҳ, баъзи бировлар ўйлагандек, тантанавор, дабдабали гаплар, ялтирок, ҳашамдор иборалар, охири албатта ундов билан яқунланадиган хитобномалар ёки уста-уст сўроқ билан тугалланадиган асабий дағдағалардан эмас, босиқ, теран таҳлил-тадқиқот, ҳаётдан, китоблардан келтирилган ўринли, жўяли муқоясалар, табиий, жозибдор лавҳалар, образлар мўъжизасидан таъсирланиш, моҳир адиллар ҳассосона қўллаган сўзлар замиридаги маъноларни тушунириш, уч нуқталарни «ўқиш», нозик ишораларнинг мағзини чақиб беришдан иборат эканлиги билан характерлидир. Масалан, унинг «Миртемир» адабий портрети шундай бошланади: «Тоғ дарёсини кўрганмисиз? Мағрур чўққилар устида ястаниб ётган кумуш қорлар куёш тафтида эриб, ирмоқчалар ҳосил қилади. Улар дараларни кўнғироқдай майин садоларга тўлдириб, тошлардан тошларга сакраб, куйига ошиқади. Йўлда бир-бирлари билан кўшилиб, ҳеч қандай тўсиқларни тан олмайдиган жўшқин дарёга айланади. Бу дарё гувиллаб

каси» китобининг «Жанрлар тарихидан» деган бўлимида автор илмий, сиёсий ва бадий публицистика ҳақида фикр юритиб, К. Маркнинг «Капитал», Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг», В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм», шунингдек, «КПСС Программаси» сингари асарларни илмий публицистиканинг ёрқин намуналари, деб кўрсатади. Бизнингча, бу китобларда жўшқин публицистик элементлар кўп бўлса-да, ижтимоий-сиёсий воқеликни диалектик тараққиётда ўрганишнинг илмий йўлини кўрсатадиган, илмий концепцияларни назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этган илмий-назарий асарлардир.

Утган асрнинг 60—70-йилларида пайдо бўлган «публицистик тенденция» вакиллари яратган асарлар, хусусан, В. Г. Белинскийнинг машҳур «Гоголга хат» асари, асримизнинг 20-йилларида ижтимоий-адабий ҳаётдаги курашлар силсиласида пайдо бўлган публицистик мақолалар, сўнги йилларда бу жанрнинг тез тараққи қилгани, кўп сонли ёзувчилар, танқидчилар томонидан яратилган асарлар мисолида олиб борилган таҳлили анча изчил ва мақбулдир.

Автор сиёсий публицистика ҳақида сўз юритиб, В. И. Лениннинг илмий-публицистик ижоди ва унинг партия публицистлари мактабини кенг таърифлайди.

Автор мақола жанрининг тараққиёти, ҳозирги аҳволи, унинг ижодкорлари ҳақида тўхталар экан, бу жанрнинг озиқлантирувчи куч — «публицистик руҳ»дир деб таъкидлайди. Ижти-

моий ҳаётнинг турли воқеа-ҳодисалари асосида даврга муносабат, ҳозир-жавоблик, сиёсий ва эстетик эҳтирос, кўтаринкилик, жанговарлик, актуаллик, илмий-назарий мушоҳада ва мантиқий муҳокама каби сифатлар публицистик руҳни ташкил этади.

Монографияда фанатизмга қарши мотивлар алоҳида бўрттириб тасвирланган Убайд Закоий ижоди билан Польш Гольбах асарларининг қиёсий таҳлил қилиниши характерлидир. Шунингдек, автор ҳозирги замон мақола жанрининг туташ томонларини Алишер Навоий мақолаларида ҳам кўради. Зеро, публицистик руҳ Навоий ижодининг барқарор хусусиятидир. Китобда Навоий публицистикаси, мақолалари, шеърини ва насрий мактублари ҳамда мутафаккир шоирнинг давлат арбоби сифатидаги ташкилотчилигига, ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир материаллар бирмунча баътафсил ёритилган.

Монографияда Навоий публицистикаси таҳлиладан сўнг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги публицистик ижод ҳақида сўз кетади. Агар оралиқдаги тўрт аср мобайнида яшаб ижод этган, асарларида публицистик руҳ намоян бўлган ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ҳақида ҳам қисқача маълумот берилса, публицистика назарияси ва практикасининг анча-мунча қоронғи томонлари ёритилган бўлур эди.

Туркистонда вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши публицистиканинг, жумладан, мақола жанрининг тараққиётида муҳим роль ўйнади. Китобда ҳозирги замон мақола жанрининг илк

намуналарини яратган Фурқат ижодига юксак баҳо берилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин публицистикамиз тараққиётига Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Зиё Саид, Комил Алиев, Анқабой каби ёзувчи ва журналистлар катта ҳисса қўшдилар. Автор бу ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини, ўзбек журналистикаси жанрларини шакллантиришдаги ролини юқори баҳолайди ва 20—30-йиллар ижтимоий-сиёсий воқелиги билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида публицистика ўткир ғоявий қурол вази-фасини ўтади. Совет ватанпарварлиги, гуманизм, халқлар дўстлиги, душманга нафрат ва ғалабага ишонч ғоялари бош тенденция сифатида акс эттирилди. Автор ана шу даврдаги публицистик мақолаларни таҳлил қиларкан, ўзбек ёзувчилари билан бирга рус ва бошқа қардош халқлар адабиёти вакиллари ижодини кўздан кечиради. Бундай қиёсий тадқиқотда А. Толстой, И. Эренбург, П. Павленко ҳамда Ҳ. Олимжон, Фафур Фулом ҳамда Ойбек мақолалари катта манба бўлиб хизмат қилади.

Урушдан сўнги йилларда публицистикамиз, жумладан, мақола жанри тараққиётига Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов, Миртемир, Зулфия, Воҳид Зоҳидов каби сўз усталари катта ҳисса қўшдилар. Бу давр публицистикасида халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги,

тинчлик учун курашнинг ғолибона йўли бадий-публицистик руҳда умумлаштирилди.

М. Ҳусайнов мақола жанрида халқ қаҳрамонлигини бадий ифодалашга замин бўлган омилларни қуйидагича белгилайди: «Биринчи омил — Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли озод бўлган инсоннинг барча ижодий имконияти ва қобилиятининг ижтимоий меҳнат жараёнида юзага чиқиши; иккинчи омил — социалистик маданиятнинг ривожланишига асос бўлган моддий-техника базасининг кенг қўламда тараққиёти; учинчи омил — социалистик тузумнинг прогрессив характери, халқларимиз ҳамкорлиги; тўртинчи омил — совет давридаги меҳнат ва курашда ифодаланаётган халқ жасоратининг традиция тусидаги революцион табиатида». Автор ана шу омилларнинг публицистикадаги бево-сита инъикосини кўрсатиш учун йирик публицистлар ижодига мурожаат қилади.

Янги инсон характеридagi ижодкорлик, яратувчилик, коммунистик келажакка ишонч руҳи Фафур Фулом публицистикасининг муҳим хусусиятидир. Устоз публицистининг бундай ғоявий пафоси публицистик мақолаларида хилма-хил бадий шаклларда ифодаланди. Автор адиб ижодининг сўнги йилларида мансуб мақолаларини таҳлил қилиб, шундай ҳулосага келади: «Фафур Фулом ўзининг бадий публицистик мақолаларида халқ характерининг аста-секин ўсиши ва этилишини акс эттирди, ўзбек мил-

# ЧҮЛОҚ

наъра тортади, мавж уриб кўпикланади, бешик-бешик тўлқинлар яратади ва худди ишдан кеч қолаётгандай, водийга—одамлар орасига елиб-югуради. Унинг кумуш мавжларида тоғ сулувлари кокилини ювади».

Бениҳоя жозибатор, тиниқ, шоирона тасвир. Аммо у ҳар қанча тиниқ, шоирона бўлса ҳам, қуруқ ҳашам учун келтирилганми, нақадар зарур экани кейинги жумлаларда кўринади: «Ҳар гал Миртемир шеърларини ўқиганимда шу манзара кўз олдимга келади. Шоирнинг ҳар бир шеъри бир ирмоқчадай туюлади. Улар бирлашиб, қудратли, жўшқин дарё ҳосил қилади. Миртемир поэзиясида шаффоф тиниқлик, беғубор, нафис ва тўлиққан қуёшнинг тафти, кумуш тўлқинли мавжлар ва кўнғироқдай майин куйлар бор. Миртемир поэзияси ҳам тоғ дарёси каби доимо одамлар хизматида—уларнинг дилига нур бағишлайди, қалбини қувонтиради, юракларнинг ташналигини босиб, уларни гулга ўрайди».

Ҳассос шоир ижодига жуда-жуда мос бу тасвир бизни ҳам ўзига ром этади, биз ҳам беихтиёр тоғдан бошланган ирмоқча—шоирнинг илк шеърларига маҳлиё бўлиб, бу оқим бўйлаб юрганимизни, ирмоқларнинг жўшқин дарё—катта шеърятга айланганини томоша қилганимизни сезмай қоламиз. Миртемирнинг янграқ овозли, улкан, чўнг шоир эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шоир ижоди бўйлаб гаштли сафаримизда танқидчининг самимий, эҳтиросли сўзлари, соз, тиниқ услуби, бой, ширадор тили бизга ҳамроҳ, раҳнамо бўлади. Умуман, бутун асар давомида икки асосий образни кузатамиз, булар— адабиёт, китоб шайдоси, гўзалликни нозик ҳис этадиган, билимдон, юксак дидли, нуктадон автор образи ва... китоб образи. Ҳа, китобхоннинг онг, билимини бойитувчи, унинг қалбида гўзаллик, нафосат туйғусини уйғутувчи, ақл, адолат машъалини ёқувчи мўътабар, мўъжизакор китоб образи.

«Биринчи мўъжиза»даги сермазмун мақола ва портретларни қийналмай, равои ўқиганимиз—аслида уларнинг қийналиб, машаққат билан яратилган

ни, энг маъқул варианты тақдим этилгани, автор сўзни ўз ҳукмига бўйсундира олгани самараси, маҳорат, истеъдод самарасидир.

Адабий портретлар ихчам, мазмундор, публицистик руҳ билан йўғрилганлигини айтдик. Лекин портрет нечоғли қисқа, лўнда ёзилган бўлмасин, унда адиб ижодидаги муҳим босқичлар, етакчи тенденциялар, асосий жанрлар ёритилиши лозимлигини ҳисобга олганда, бир қанча ёзувчиларнинг публицистикаси, айниқса, мақолалари хусусида деярли гапирилмагани, бизнингча, тадқиқотларнинг яна ҳам мукамалроқ чиқишига монелик қилган. Масалан, А. Қаҳҳор ва А. Мухторнинг ижодий йўли ҳақида қанча қисқа гапирилмасин, уларнинг публицистикаси, айниқса, мақолалари хусусида сўз юритмасдан бўлмайди. Миртемир, М. Шайхзода сингари етук шоирларимизнинг ҳам кейинчалик нашр этилган китоблари уларнинг ҳассос публицист бўлганликларини кўрсатади, Шунингдек, автор О. Ёқубовнинг китобхонлар ва танқидчилик анча илиқ кутиб олган «Икки муҳаббат» ҳикоясини ортиқчароқ танқид қилгандек, «Тилла узук» қиссасини эса андак ошириброқ мақтагандек туюлади.

Озод Шарафиддинов ижодий портретларидан бирида: «Ижод қилмоқ—кўнгилдаги энг ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйғуларни, энг эзгу орзу-ниятларни одамлар билан баҳам кўрмоқдир. Ёзувчининг ҳар бир сари инсон ҳаётининг маъноси ҳақида китобхон билан жон-дилдан қилинадиган суҳбатдир. Табиийки, китобхонни жалб қила олиш учун асар қизиқарли ва ибратли, теран ва донс бўлиши лозим. Бунга эса ёзувчи истеъдод ва изланиш орқали эришади. Ёзувчи меҳнати—доимий изланишдир», деб ёзган эди.

Олимнинг адибларимиздан бири ҳақидаги бу гапларини унинг ўзи ҳақида ҳам айтиш мумкин. «Биринчи мўъжиза» китоби—бунинг исботидир.

Сайди УМИРОВ,  
филология фанлари кандидати

## мақриз

лий характерининг революциядан сўнги ривожланишини бадиий умумлаштира олди. Унинг мақолаларида умумлаштиришнинг кучлиги, эпиклик элементлари, аниқ, ёрқин ва ихчам лавҳалар чиқишининг ўзига хос хусусияти кўзга ташланади».

Халқ қаҳрамонлиги проблемаси атоқли адиб Шароф Рашидовнинг публицистик ижодида ҳар тарафлама ишланган. Адиб асарларида халқ қаҳрамонлиги тарихий тараққиётнинг ҳал қилувчи вазифалари, муҳим босқичлари фонида тасвирланади. Бироқ рона меҳнат, интернационал бирдамлик, миллионлаб оддий кишиларнинг меънавий юксалиши, янги аъёнлар ва коммунистик ахлоқ, дўстликнинг янги қирралари каби долзарб масалалар Шароф Рашидов публицистик мақолаларининг бош мундарижасини ташкил этади.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, «Фан» нашриёти ўзбек совет публицистикасининг назарияси ва амалий масалалари тадқиқ этилган бир неча монография нашр этди. Бундан ташқари, О. Тоғаевнинг «Ўзбек бадиий публицистикаси» (1973), Р. Мухаммадиевнинг «Ўзбек совет журналистикаси» (1977) монографиялари ҳам нашр этилган. Мазкур асарларда юқорида эслатилган бир неча ёзувчининг ижоди пухта текширилган-у, кейинги бўғинларга мансуб

публицистлар ижоди у қадар таҳлил қилинмаган. М. Ҳусайновнинг ёзувчи публицистикасига бағишланган бу китобида ҳозирги кундаги бу жанрнинг жонқуярлари ижоди таҳлилини жуда кутган эдик. Зеро, монографиянинг номланиши ҳам бунга тақозо қилади.

Бир неча тадқиқотларда (масалан, москвалик Е. Прохоров, М. Черепанов, Е. Журбина, В. Ученова, Я. Эльсберг, ленинградлик В. Рубашкин ҳамда О. Тоғаев ишларида) мақола жанрининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш, жанр чегарасини белгилаш мақсадида бу жанр ёзувчи публицистикаси атамасида берилган. Чунки информация мақолалар билан ёзувчи мақоласи бир-бирдан кўп сифатлари билан фарқ қилади. Монография объекти ҳам аслида ана шу ёзувчи публицистикаси ҳақидадир. Лекин китобда шу жанр проблемалари, баҳслар, публицистика назарияси ҳақидаги сўнги тадқиқотлардаги фикрларга муносабат акс этмаган.

Шунга қарамай, замонга ҳамнафас, замсна тарихини сарҳисоб этадиган публицистика ва унинг ижодкорлари ҳақидаги «Ўзбек совет бадиий публицистикаси» китобини публицистика назарияси ва практикаси деб номланадиган ёш фанимизнинг утуқларидан бири деб айтишга ҳақлимиз.

Ғулом ҒАФУРОВ,  
филология фанлари кандидати

УТУХУМДАН кеч чиқди. Чиққанидан кейин ҳам ўнг оёғини ололмай анча ётди, типирчилади, туқли, жиш қанотчаларини қоқди: тиззасидан пастига тухум пўчоғи ёпишиб қолган эди. Ниҳоят, ундан халос бўлди-да, ўнг ёнбошига майишиб, атрофига майда шағал териб қўйилган, кумга қаттикроқ босилган туя изига ўхшаш уясида бир-икки айланди. Сўнг маъюс, заиф чийиллаб бошини зўрга кўтарди, анчагача қалтираб турди.

У нафас олар—янги олам ҳавосидан нафас олар, вужудига янги оламнинг—илиқ баҳор қуёшининг нурлари сингар, шунинг учун қалтираб, ҳали бу ҳаётга кўникиб улгурмаган эди.

Бир пайт ён тарафдаги қалин шувоқлар ортидан каттиқ ва даҳшатли «кақ-қақ» этган товуш эшитилди. Турнача илкис қириллаб яна шикастланган оёғи томон—ёнбошига йиқилди; анча типирчилаб ётди. Энди у ўзини ўнглаб олишдан кўра кўпроқ қандайдир сирли хавфдан яширинишга уриниб типирчиларди, чунки жажжи турнача онасининг товушидан бир хатарни сезган эди.

Ҳақиқатан ҳам, қалин шувоқлар ортида учта полонини эргаштириб, ерда сочилган ўт-ўланлар уруғини териб еб юрган Она турна олида маккор тулкини кўриб, хатардан огоҳ қилган экан.

Тулки Чўлоқ турначанин исини олиб яқинлашган, Она турна бунинг учун эмас, йўқ,—у энди тухумдаги наслдан воз кечган,—ёнидаги полонлар ва ўзини ўйлаб шовқин кўтарган эди.

Тулки думини хода қилиб қочиб қолди. Она турна болаларини эргаштириб, ғоят усталик билан «ясаган» уяси ёнидан ўтаркан, кўзи беихтиёр Чўлоқ турначага тушди. Бўйинини чўзганча кўксига эчки соқолдек осилган қора патларини селкилатиб унинг олдига келди. Тумшуги билан туртган бўлди. Абжир, ингичка оёқларини илдам кўтариб, устидан ўтди. Сўнг бўйинини гаж қилганча боласига бирпас тепадан қараб турди-да, яна унинг устидан ҳатлаб, нарида алангаланган бўлиб ҳар тарафга талпинаётган соғлом полонларни томон кетди.

Чўлоқ турна дафъатан устида пайдо бўлган соядан нажот кутиб, унга талпинганча қолаверди.

Бу ҳолни кузатган инсон ҳайрон қолади: Она турна шафқатсизлик қилди, деб ўйлайди. Аслида бундай эмас: илло, бундай қушларнинг ҳам ўзига яраша меҳр-шафқати бўлади. Бўлади-ю, лекин ўзга бир қонун ана шу ҳисдан ҳам устун туради. Бу—яшамсоқ қонун, зурриёт қолдиришга, унинг соғлом камол топиб, ўзининг бу ишини истиқболда такрорлашига бўлган табиий ва туғма эҳтиёж қонунидир. Шунинг учун улар насабни бузадиган ва келажакда қийналиб яшайдиган фарзандларидан осонгина воз кечадилар.

Чўлоқ турнанин майда шағаллар устидан ўтиши ҳам машаққатли бўлди. Шундан кейин у анчагача ёнбошига ағанаб ётди. Ниҳоят, ўзини ўнг-

лаб, аллақандай ҳис-сезги билан қуруқ ерни чўқилади.

У очиққан—янги оламда хўрак шу тарзда топилишини табиий туйғу билан ҳис этган эди.

Она турна болаларини ҳамон эргаштириб, баъзан ғўтуғланганча дон ейишга ундар, улар донлашаркан, ўзи бениҳоя узун бўйинини чўзиб атроф-теваракка қараб турар эди. Ниҳоят, олисларга чигиртка ва камёб майса-ғиёҳ излаб кетган Ота турна ҳам учиб келди. Кенг қанотларини ёнига тап-тап уриб, узун оёқларини чўзиб ерга қўнди. У кўниши билан Она турна парвоз қилди. Ота турна эса болалари ўртасига кириб, ғўтуғланганча ерга нимадир ташлади. Турначалар ота жиғилдониди ҳали хазм бўлмаган, ҳўл, ютумли хўракни чўқиб-чўқиб емоққа тутиндилар.

Сўнг у полонларини эргаштириб, атрофига тошчалар терилган уясига келди ва кўзи Чўлоқ турначага тушиб бўйинини чўзди, уни оёғи билан туртиб кўрган бўлди. Кейин парво қилмай уяга ўтди-да, қанотларини ёйиб аста чўка бошлади. Турначалар чий-чийлашиб отанинг иссиқ патлари остига кириб олдилар.

Чўлоқ турна ота шарпасидан ҳам ўзига яқинлик, бошпана ҳиссини туйган, ака ва опалари овозидан ҳам асло ҳайқмаган эди. У алланечук бир талпиниш билан уяга интилди. Бир амаллаб тошчалардан ўтди ва йиқила-сурина келиб иссиқ қанот тагига суқулди.

Эҳтимол, Чўлоқ турна уяга киролмаганда Ота турна унга парвосиз қолаверарди. Бироқ энди унинг ҳаракат қилётгани сабабми, қаноти остига киришига қаршилик қилмади.

Отанин бағри ташқаридаги илиқ офтобдан ҳам ёқимли эди. Энг муҳими—Чўлоқ турначанин қалтираши босилган, вужудини хотиржамлик ва ишонч чулғанган эди.

Она турна келганда Ота турна яна болаларини қаноти остидан чиқарди. Чўлоқ турнача онаси хўрак ташлаганини сезиб, унга интилди. Ака-опалари билан таллашиб-тортишиб еб олди. Кейин, албатта, қорни тўймай, узоқ чийчийлади. Сўнгра онасининг ҳам бағрига кирди.

Она турна ҳам боя бефарво қараган полонини энди эътибор билан юмшоқ патлари остига олди.

Кун ботиши олдида Она турна яна оёқка турди. Яна болаларини чиқариб, янтоқзордан нарига бошлади. Энди Чўлоқ турнача ҳам уларга эргашиди. Она турна икки марта тўхтаб, унинг етиб келишини кутди. Ниҳоят, Чўлоқ турнача ҳам онаси ғўтуғлаб чақирган ердан дон териб еди.

Сўнг Она турна каттақон ёвшанин кунгай томонига ёнбошлаб, юмшоқ, илиққана қумоқ тупроқни қанотлари ва оёқлари билан тита бошлади, кейин унга бағрини бериб ётди. Чўлоқ турнача ҳам ака ва опаларига ўхшаб тупроққа чўзилди. Тупроқ илиқ, ёқимли—бунда қуёш тафтию она ота бағридаги ҳароратдан ҳам зиёдроқ бир нима бор эди.

Ота турна теваракда мағрур кезиб, яқин-йироқларга кўз ташлаб юрар, гоҳо ўз-ўзича янграқ товуш билан

# ТУРНА

Ҳикоя

қаққақлаб қўяр эди. У ҳар товуш чиқарганда Она турна бошини бир кўтариб қарар, сўнг яна хотиржам чўзилиб олар эди.

Турналар бир хил товуш чиқаргани билан маъноси кўп бўлади — инсон қулоғига бир хил эшитиладиган товушларида турфа оҳанглар бор.

Ёвшан ва янтоқлар тўп-тўп ўсган, улардан холи майдонлар тап-тақир бўлган бу кенг маконда неча марталаб кўёш чиқиб, неча марталаб ботди. Ҳаво тобора исиб, ўт-ўланлар сарғайди. Ерлар торс-торс ёрилди.

Бу — турналар бола очиб, куз шамоллари эса бошлагунга қадар яшайдиган макон эди. Зеро, бунда Чўлоқ турначанинг ота-онаси ва ака-опаларидан ҳам бошқа турналар оиласи кўп, уларнинг ҳар бирига тегишли, ўзларига хос тўғма қонунларга кўра чегараланган ерлари бор эди. Бу маконда албатта уларнинг қушандалари ва дўстлари ҳам бор эди. Масалан, энг ашаддий душманлари — тулки билан чиябўри. Лекин бу ажойиб қушлар яшаш учун шундай кураш тарзига бўйсунардиларки, улар ғанимларига қарши ўз қуроллари билан курашишни ҳам билар эдилар. «Қақ-қақ» этган товушлариёқ ман-ман деган тулкининг эхсонасини чиқариб юборганда, чиябўри ҳам «қўр-қўр» этганда бу товушга ва йиртқичларнинг ҳар иккиси ҳам ана шу овозларнинг эгаси ғоятда нозик, мутлақо беозор куш эканини сира «ақлга сиғдирилмайди», чунки йиртқичларни қадим-қадимдан худди мана шундай товушлар даҳшатга солиб келган, бу товушлар янграган жойдан қочиш — уларга яшаш учун кураш эди.

Табиат нақадар доно!

Турналарнинг уялари нима учун бу қадар содда-ибтидоий: қумга қаттиқ босилган туя изининг ўзгинаси? Яна очиқ ерга ин қўядилар. Атрофи нега майда тошлар билан қуршалади? Бу уяларда яна бир ғаройиботни кўриш мумкин: қайси турна тухум қўйса, тухумлари билан ёнма-ён икки-учта от тезағи ҳам бўлади. Улар нимага керак?

Турна ўт-ўлан орасига ин қўйса — даҳшат! Чунки аксар йиртқичлар ўзларига емишни ана шу ўт-ўланлар орасидан излайдилар. Сайхонликдачи? Йўқ. Лекин битта-яримтаси йўл-йўлакай турна уяси устидан ўтиб қолиши мумкин. Шунда у она турналар кўйган тухумларни кўрадимиз? Кўради. Лекин нега қақиб еб кетмайди? Чунки тухумларнинг ранги от тезағидан фарқ қилмайди. От тезағини нима қилсин! Уя атрофидаги тошчалар эса, чўл шамоллари тухумларни думалатиб кетмаслиги учун керак.

Яшаш шароитининг ўзи паррандаси даррандаларга ҳам қандай яшамокни ўргатиб уларни яратган.

Куз шамоллари...

Турналар безовта бўлиб йиғила бошлади. Олис-олислардаги турна оилалари ҳам сайхонлик устида парвоз қила-қила пастда кўринган бу тўпларга келиб қўшилди. Сўнг қанотларини тап-тап уриб югурадилар, бир-бирларини қувлашадилар, оёқларини кўтариб, қанотларини силкитадилар.

Ёш турначалар ҳам уларга тақлид қиладилар. Лекин улар кўпроқ учадилар, негаки, уларни бунга ота-оналари мажбур этадилар: ерда узоқ қолсалар, аямай чўқийдилар. Гоҳо саҳро турналарнинг қақ-қақ деган товушларидан ларзага келади. Товушлари узоқ-узоқларга кетади ва қунора йироқлардан янги-янги турна оилалари келиб қўшилади.

Гоҳо бу ола-тасир галалар уфқлар сртига — олис жанубга, ўзларигина сезиши мумкин бўлган илиқ тафт келадиган томонларга қараб турадилар. Шунда шимолдан эсадиган шабада уларнинг ёллари ва қанотларини ҳурпайтиради.

Бир куни тонгда турналар галаси тақир ялангликда узоқ йўрғалаб қақиллади. Кейин улар шундай тақир-тупур қанот қоқиб ҳавога кўтарилишдики, тақир ер чангиб, ёвшану шувоклар боши шамол эсгандек эгилиб қолди. Талотўпда ерга талай патлар учиб тушди. Сўнг қушлар ҳавода гиламча бўлиб айлана-айлана кўтарила бошладилар. Осмони фалакка чиққанда ҳам айланар, бу қадрдон саҳро устида парвона бўлгандек чарх урар, энди уларнинг товушлари тамом ўзгача — қандайдир мунгли ва порлоқ, энди товушлар бир-бирига жўр бўлиб чиқар эди: «қўр-қўр», «қўр-қўр».

Товушлар элас-элас эшитилади, турналар нуқталар мисол кўринади... Кейин бирпас таралиб кетадилар-да, узун саф тортиб аста жанубга буриладилар.

Чўзилган илга тизилгандек бўлиб саҳро осмонидан узоқлашиб кетишадди.

Турналар!..

Уларнинг яралишлари, яшаш тарзларидан келиб чиққан алоҳида училари бор: ерга қўниш ёки ердан кўтарилиш пайтида гиламча бўлиб ёйилдилар, олисларга парвоз қилганда арғамчига айланадилар.

Зеро, олис парвоз пайтларида илга тизилгандек учмасалар, минг-минг қақирим йироқдаги манзилларга эмас, унинг юздан бирига ҳам етишлари гумон, йўлларда қолиб ёхуд номақбул жойларга қўниб, ҳалок бўладилар. Табиатнинг ўзи уларни шундай узоқ масофаларга учишга қодир, қанотларини катта ва қамровли, аъзоларини ғоят ихчам ва енгил қилиб яратган, учиб тарзларини ҳам ана шунга мос ижод этган.

Турналарда ҳам, албатта, йўлбошчи бўлади. Бироқ у олис сафарда ҳамма вақт сафнинг олдида бора олмайди. Чунки рўпарадан эсадиган шамол, довуллар, ҳатто муаллақ ҳавонинг қаршилиги ҳам унинг кучини кесиб қўяди. Шу сабабли йўлбошчи турна ҳам йўл-йўлакай дам олади, яъни бирор турнага ўрнини бўшатиб, энг орқага ўтиб туради. Бу тариқа учишда ҳикмат бор: рўпарадан эсган шамолу ҳаво оқими сафдагилардан энг олдинги турнага кўпроқ таъсир этади. Орқадагилар бу қаршиликни камроқ сезиб, гўё ҳаво қаршилигидан холи бўш бир қувурда кетаётгандек бўладилар. Турналарнинг олисларга уча олиш сирини ана шунда.

Сўнгра уларнинг узун, ингичка тумшуклари ҳам ҳаво оқимини кесиш ва

унинг таъсирини камайтиришда қўл келади. Ингичка оёқлари думлари томон чўзилиб, гўё бир жуфт дум пастига айланади.

Пастга тушаётганда бундай учининг ҳожати қолмайди.

Чўлоқ турна...

У анча хўра, аммо бари бир заиф бўлиб ўсди. Ака-опалари парвоз машқини олаётганда у ҳам албатта сафга қўшилди, лекин тез чарчар, сўнгра ерга қўниш азобидан безиллар эди: қийиқ битиб қолган оёғи ерга тўғри келиб тушмай, Чўлоқ гоҳо йиқилиб кетар, парвозга чоғланиб югураётганда ҳам шу оёғи халал берар эдики, шунинг учун у кўпинча ерда юрақолишни афзал кўрарди. Оқибатда бошқа турналардан заифу уларга қараганда этлироқ бўлиб ўсди. Бироқ, «қабиласи» удуми, яшаш шароит тақозоси билан улар хулқида пайдо бўладиган ўзгаришларни камқўстис ўзлаштиради. Унда ҳам барча турналарга хос тўғма ҳислар камол топди: у ҳам тулки учрайди, чиябўри учрайди, даҳшатли қақ-қақ деган товуши билан тириктирадиган бўлди; олис кўлларга бориб сув ичиб келиш ва фойдали майса-ғиёҳларни ота-онаси ёрдамида топишни ўрганди, баъзан ўзи ҳам ички — табиий ҳисси билан топиб еди.

Гоҳо сафдан ортда қолган пайтларида — қоронғи тушган, юлдузли кечаларда ҳам ўз қароргоҳини адашмай топиб келарди. Бу вазифа у ўткир эди: энг яқин йўллари кашф этарди.

Мана, у ҳам жануб сари, худди оҳанрабодек ўзига тортаётган сирли манзил сари қабиласи сафида учиб бормоқда. Олдиндаги турналарнинг ён-веридан эсаётган шамол унга ҳам оз-моз таъсир этади, патларини ялаб ўтади. Пастлик!.. У ҳеч қачон шу қадар баландда парвоз этмаган эди. Лекин бу учининг гашти бошқача экан... Яна — олисда сирли макон бор! Ушанга етишлари керак.

У маконнинг жуда ҳам азизлигини

шу тарзда боғлардан, ўнг-сулидан оппоқ булутлар сузиб ўтаётганини кўрди. Булутлар унга таниш эди. Баҳор чоғларидан таниш... Бироқ ўшанда улар патларини шалаббо қиладиган ёмғир ёғдириб ўтган эди. Чўлоқ турна ака-опалари билан кўнишиб, булутларни пастдан кузатган, сўнг офтоб чарақлаб чиққанда патларини узоқ титиб, аранг тўзғитиб олган эди. Улар гоҳо сувлоққа бориб чўмилгандан кейин ҳам илиқ қумда патларини шу тариқа қуритар эдилар. Энди эса чўлоқ турна ўз сафдошлари билан ўша булутлар ичидан сузиб ўтмоқда. Лекин у бундан ваҳимага тушаётгани йўқ, аксинча — ана шу ғаройиб маконда эркин-эркин қулоч отмоқда.

Бир пайт гала булутсиз, тиниқ, ниллий бўшлиққа чиқиб олди. Турналар кифтига илиқ офтоб нурлари тегди. Аммо олға учганлари сари Чўлоқ турна ҳавонинг кескин совиб бораётганини пайкай бошлади. Пастда... пастликда оппоқ тоғлар кўринар, улар ҳам Чўлоққа таниш эди: бир вақтлар уларни ёнлаб учган, лекин ўшанда ҳеч ҳам бунақа совуқни сезмаган эди. Ҳаво совигандан совиди. Турналар эса тобора тезроқ учушар, чамаси, мана шу кескин ҳаракат уларни совқотишдан сақламоқда, баъзиларининг қанотларига қиров ҳам кўнган эди.

Ҳаво яна аста-секин илиди. Тоғлар орқада қолди.

Шу тарзда боришаркан, Чўлоқ турна сафнинг анча олдига ўтиб қолган эди. Энди шамолнинг таъсири кучая бошлади. Чунки йўлбошчи турнагина эмас, унинг кетидаги бир неча турна ҳам йўлбошчилик вазифасини адо этиб, ҳордиқ учун сафнинг қуйруғига ўтишган, шунга кўра Чўлоқ турна карвоннинг ўрталиғидан олдинроққа ўтиб қолган эди.

Чўлоқ пастликда қандайдир таниш, йирик қушларни кўрди. Улар ўз саҳ-

роларидан ҳам баъзан учраб қолар, бироқ буларнинг маконларига яқин йўламас эдилар. Йўламасдилар-у, Чўлоқнинг ўзи бу қушлардан эҳтиёт бўлгиси келарди.

Улар — бургутлар эди.

Карвон яна юксала бошлади. Чўлоқ бир неча марта пастга қаради. Алланечук бир туйғуга бўйсуниб сафдан ажралгиси ҳам келди-ю, худди сафга кўзга кўринмас занжир билан боғлангандек, учишда давом этди.

У учиши керак эди. Фақат олға учиши керак! Сирли, оҳанрабо манзил томон учиши керак! Нима бўлмасин, қандай ғовлар учрамасин, бари бир учиши шарт! Учиши...

Этакда сердароҳт қишлоқлар кўзга ташлана бошлади ва бир пайт Чўлоқ турна шундай ёнгиналарида гала-гала қалдирғочларнинг ҳам парвоз этиб бораётганини кўриб қолди. Кейин эса бир неча қалдирғоч лип-лип этиб олдинга ўтди-да, ғойиб бўлди.

Чўлоқ турна энди саф олдида чиқиб қолди.

Қалдирғочлар ҳам яшаш қонунла-

Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган



ри, авлодлари удуми ҳукмида айни шу паллада жануб сари йўлга чиққан эдилар. Турналар карвони олдига ўтиб олган уч-тўртта қалдирғоч эса дам олмақчи, яъни карвонбошилар кифтига қўнган, шу сабабли улар тезроқ чарчаб орқага ўтган эдилар.

Қишлоқлар ҳам ортда қолиб кетди. Чўлоқ турна энди сафнинг бошида учмоқда. Олдиндан шовиллаб эсаётган шамол дафъатан таъсир этиб, унинг бор қувватини сўриб олмоқда эди. Чўлоқнинг кўзлари тина бошлади. Лекин учиб бормоқда. Қаёққа... Уша сирли маконга! Чўлоқ турна у азиз маконни умрида кўрмаган эсада, билади: у олдинда!

Улар шу тариқа тунни ҳам ўтказдилар.

Чўлоқ турна карахт бўлиб қолган, бир неча марта карвоннинг олдига ўтиб, шу заҳотиёқ орқага қайтар, бу орада йўлбошчи турна бир неча марта «қувқ-қувқ» деб товуш чиқарган, энди бу хил овоз ўзга турналардан ҳам эшитила бошлаган эди.

Чўлоқ орқада... орқада қола бошлади. У жони борича қанот қоқади. Лекин тобора орқада қолади.

Табиат нақадар доно!

Доно ва шафқатсиз...

Карвон олға кетмоқда! Турналар карвонининг қонуни қатъий: улар ортага бурилмайдилар, ортада қолаётган сафдошларига ёрдам ҳам кўрсатолмайдилар — бу ҳол уларга шунчалар аниқки, ҳаёт тарзларига айланиб кетган.

Сафдаги ожиз турна тақдирга тан бермоғи керак. Лекин ўжар, қайсар Чўлоқ буни ҳис этса-да, ўзини даҳшат кўлига — елгизлик кўлига ташлагиси келмайди: бутун борлиғи бунга қаршилиқ қилади. Аммо куч-қуввати имкон бермайди: Чўлоқ турна бу ҳолдан ҳайратланган каби яна қанот қоқади.

Карвон олислаб кетди. Чўлоқ елгиз қолди. Энди унинг олдида ҳаёо қаршилигини кесувчи куч йўқ, ҳозирги мўътадил ҳаво оқими ҳам унга кучли довулдек таъсир этар эди. Чўлоқнинг елишга чоғи келмай, пастлай бошлади. У зорланиб нола қилар, карвон эса, узоқлашгани устига, яна баландлаб учмоқда эди.

Чўлоқ пастлаб бораётган эса-да, ўша сирли юртга қараб учарди. Пастлаб-пастлаб ҳам учаверди. Лекин куч-қувват уни тарк этиши, шамол орқага суравериши оқибатида деярли ҳаракатсиз бир ҳолга келиб қолди.

Унда яшашга интилиш ҳисси ўзга йўлда жунбушга келди. У кўниши керак. Қандайдир саҳрога ўхшаш ерга, ёвшан-янтоқлар ўсган ерга кўниши керак... Лекин олдинда — чорлаётган ватан!.. Уша ватан унинг учун ҳаёт эди: асл ҳаёт ўшанда эди! Энди эса у ҳаёт Чўлоқни рад этди: Чўлоқ бошқа ҳаётга кўниши керак. У кўниши керак кўниши... Чўлоқ турна энди темирқанот бўлган поллопондек ҳамон олға интилиб, паст-паст яшил дарахтлар устидан учиб ўтди. Кенг ўтлоқлар ҳам ортда қолди. Йироқда бир сайхонлик кўринди. Турна унга интилиб бораркан, қаршида саф торган теракларга етганда яна ўз-ўзидан пастлаб кетдию уларга шатиршутур бориб урилди. Қаноти майишиб, ҳазонлар устига тушди. Яна ўнг томонига йиқилиб, шу бўйи тек қолди.

Бир пайт унинг тинган кўзлари атрофга боқди. Турна апил-тапил қанотини ўнглаб олди ва атрофдаги манзарадан даҳшатга келиб, қақ-қақ деган товуш чикарди.

Сўнги саси шу бўлди.




# Наъманнак



Уруш оловини ёқувчиларга эслатма.



Янги микрорайонда байрам колоннаси.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

— Ҳа, ўзингизга жуда оро бериб қолдингиз?

— Ҳар йили Ғалаба байрамида ўзимни йигитдек ҳис қиламан-да, онаси.


Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

## Баланд дор

Тарғил мушук хийла каттазанг эди. (Фаҳат одамдами десам бу қусур, Ҳайвонлар аро ҳам учраркан, қургур...) Мушук-ку шунчаки сичқонхўр жонвор, Пойлагани нуқул тирқишу омбор Ва лекин ҳеч кимга гап бермай дерди: — Мушук бўлган билан бизнинг отимиз — Жуда ҳам юқори тағи-зотимиз. Йўлбарс авлодидан бизлар аслида... Гапининг устидан чиқиш қасдида — Аҳд қилди Йўлбарс-ла қуда бўлишга. Яқинлари рози эмас бу ишга, Уртага олишиб, уни койишди: — Барча ҳаракатинг кетар бекорга... — Осилсанг — осил-да баландроқ дорга! — Деб Тарғил бу йўлда куйдию пишди. Ҳар мушкул ҳал бўлар уринсанг жуда, Қаранг, Мушук бўлди Йўлбарсга қуда. Энди Тарғилвойнинг боши осмонда, Ҳамма гапирарди уни ўрмонда: «Зўр экан, Йўлбарсга бўпти-я қуда!», «Ҳа, энди пичоғи мойнинг устида...» Тўй яқин, ўша кун қуда сийлови, Лозимдир Йўлбарснинг кўнглин овлови. Тарғил тараддудда, бош қотди тамом: Йўлбарсга ёқаркин қандайин таом?

Энг семиз сичқондан неча сўйилсин? Пишлоқми ё ичак — нима кўйилсин? — Эсинг борми? — деди шунда Олапар. — Йўлбарс пишлоқ ермиш! Айт-чи, ким кўрган?

Сичқон-пичқонингдан қилади ҳазар! — Нима ейди, ахир? Айтгин, жон қўшни, Қудамга пиширай қандайин гўштни? — У фақат кийикнинг гўштин еб юрган...



— Наҳот шундай бўлса? — Ҳа, худди шундай... Дерлар, кўз кўради не тушса бошга, Мушуквой йўл олди кийик овлашга.


Бу ёғига энди мен ҳам не деяй...?

## Соялар

Бир одам қандайдир юмуш қиларди, Маржон тер ялтираб пешанасида. Инсон — меҳнат билан инсон аслида, Ушбу ҳақиқатни ҳамма билади. Хуллас, ишлаётган одамга балли!.. Бир оз нафасини ростлаш маҳали — Кўзи тушиб қолди ўз соясига, Сояси — ўхшайман, деб эгасига — Эгилса — эгилар, турса — турарди, Тўхтаса — тўхтарди, юрса — юрарди. Гоҳо олдга тушиб, лўкиллаб, шошиб, Гоҳ орқадан йўртиб, думдай илашиб, Гоҳ чўзилиб, гоҳо икки букилиб, Йўталса — йўталиб, товушсиз кулиб,

Гапиргандек кап-кап очиб оғзини, Баъзида гердайиб, чўзиб бўғзини, Қайга борса ундан қолмасди сира, Тайин-товони йўқ кўланка — хира, Шу тахлит бетиним типирчиларди. Одам елка қисиб сояга деди: — Нима зарур сенга ўзингни қийнаб? Қарангки, соя ҳам сўзга очди лаб: — Иш деб тер тўкяпмиз биз ҳам атайин, Мундоқ қадримизга етинг, хўжайин... Кулиб қўя қолди бу гапдан одам, Тортишув бефойда — соя билан ҳам... Сояда нима айб — кўланка, холос; Соясимонлардан қулдик-да бир оз...





## КРОССВОРД

Энига: 1. Юк кўтариш мосламаси. 4. Қурилиш материали. 8. Саноат тармоғи. 12. Маданият муассаси. 13. Улаш. 15. Адабий жанр. 18. Миллий чолғу асбоби. 19. Украинадаги шаҳар. 20. Коинот қатлами. 23. Узоқлашиш нуқтаси. 24. Мезана. 27. Рўзгор буюми. 28. Рус совет ёзувчиси. 29. Санъат тури. 32. Одамзотнинг қадимги аждоди топилган жой. 33. Оқловчи. 34. Машҳур кинорежиссёр.

Бўйига: 2. Республика пойтахти. 3. Тропик мева. 5. Гул. 6. Пиртқич ҳайвон. 7. Вақт бирлиги. 9. Куй 10. СССР халқ артисти. 11. Фан. 14. Транспорт воситаси. 16. Қадимги грек олими. 17. Медицина соҳаси. 21. Тигли олат. 22. Экинзор. 25. Классик рус композитори. 26. Мутахассис. 30. Инглиз ёзувчиси. 37. Мева.

Тузувчи **Л. КОЗИМОВ**

Когон

### 4-сонда БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 7. Парварда. 8. Академик. 9. Ярмарка. 11. Тўрғай. 12. Сурайе. 13. Шафтоли. 16. Човли. 18. Негиз. 20. Атала. 21. Онега. 23. Синов. 25. Обак. 29. Нилуфар. 30. Бункер. 31. Витраж. 32. Ленинск. 34. Орфоэпия. 35. Маманбий.

Бўйига: 1. Гагарин. 2. Авогадро. 3. Ория. 4. Кана. 5. Кентукки. 6. Минтақа. 10. Артист. 14. Аниқловчи. 15. «Лениннома». 17. Ватин. 19. Гагра. 22. Жигули. 24. Истеъдод. 26. Кўҳитанг. 27. Кенгуру. 28. Горький. 32. Лупа. 33. Кама.

## ЭНГ ЯХШИ ФОТО УЧУН КОНКУРС

«Гулистон» журнали Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти билан биргаликда республика фан ва техника, меҳнат шўхрати обидаларини акс эттирувчи энг яхши фотосурат учун конкурс эълон қилади.

Конкурсга фотожурналистлар, фотоҳаваскорлар иштирок этишлари мумкин.

Дўстлар, биз сиздан социалистик қурилишнинг коллективлаштириш, индустриаллаштириш каби турли босқичларида саноат корхоналари, йирик қурилишлар, сув иншоотлари коллективлари эришган меҳнат ғалабаларини акс эттирадиган, меҳнат ташаббуслари, коммунистик меҳнат ҳаракатлари бошланган тарихий жойларни, халқ хўжалиги асосий тармоқларининг тўнғич корхоналари ҳаётини, меҳнат қаҳрамонлари ҳайкаллари, ишлаб чиқариш илғорлари сиймосини бадий ёрқин тасвирлаб берадиган фото асарлар кутамиз.

Конкурсга иштирок этмоқчи бўлган ўртоқлар истаган миқдорда фотосуратлар юбориши мумкин.

Оқ-қора фотолар (негативи ва контроль нусхаси билан) 18×24 ҳажмда бўлиши керак. Рангли фотолар эса катта ҳажмли 2 слайддан иборат бўлиши лозим.

Фотосуратларга қисқа шарҳ ёзишни, фото туширилган кунни, ўз исм-фамилиянгизни ва почта адресингизни кўрсатишни унутманг. Конверт устида албатта «Фотоконкурсга» деган ёзув бўлиши шарт.

Қизиқарли деб топилган фотосуратлар журнал саҳифасида эълон қилинади. Қолганлари тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Энг охириги мuddат — 1980 йил, 7 ноябрь.

Конкурс ғолиблари мукофотлар ва Жамият дипломлари билан тақдирланади.

Ҳар бири 50 сўмдан — учта биринчи мукофот, ҳар бири 25 сўмдан — тўртта иккинчи мукофот, бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилган.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: Мамлакатимизнинг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасига қардош халқларимиз қаҳрамон фарзандлари қатори ўзбек халқининг жасур фарзандлари ҳам ҳисса қўшдилар. 1. Истеъфодаги генерал-лейтенант **Файзулла Норхўжаев**, истеъфодаги майор **Абдулла Муродхўжаев** ва генерал-майор **Собиржон Охунжонов**. 2. Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Самиғ Абдуллаев** ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ориф Афзалов** ЎзССР Давлат санъат музейи ходимлари орасида.

Иккинчи бет: Рейхстаг устида Ғалаба байроғи. 1945 йил, 30 апрель.

Тўрттинчи бет: Ўзбекистон халқ рассоми **Ж. Ҳанимов**. Рассомнинг ишларидан намуналар. (20-бетдаги «Сеҳргар» очеркини ўқинг).

**А. ЖДАНОВ, П. ТЕМКИН** ва **Р. СОДИҚОВ** фотолари

Бош редактор **Асқад МУХТОР**

Редколлегия: **Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ** [бош редактор ўринбосари], **Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.**

«Гулистон» («Цветущий сад») — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЙҮЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.03.80 й. Босишга рухсат этилди 18.04.80 й. Р—02925. Қоғоз 70×108/8. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 265590. Буюртма 2859. Нашр А—100.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



- 1 Қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, профессор Ф. Қурбоновнинг лекциялари доим мароғли ўтади.
- 2 Қишлоқ хўжалиқ фанлари кандидати, катта ўқитувчи Х. Ахтамов бешинчи курс студентларига пахтачиликдаги энг сўнгги илмий-амалий ютуқлар тўғрисида гапириб бермоқда.
- 3 Қишлоқ хўжалиқ мелиорацияси кафедраси ҳузуридаги ер ости сувлари ва тупроқни электрохимийвий анализ қилиш лабораториясида муҳим амалий тажрибалар ўтказиб турилади. Қишлоқ хўжалиқ фанлари кандидати, доцент С. Набиҳўжаев, кафедра мудири, қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, профессор В. Лев, қишлоқ хўжалиқ фанлари кандидати У. Файзуллаев, кафедра ассистентлари — Ҳ. Шералиев ва Ж. Ҳасанов, кичик илмий ходимлар — Б. Ерматов ва И. Фролова навбатдаги тажриба натижасини муҳофизат қилмоқдалар.
- 4 Институтнинг Интернационал Дўстлик клубида навбатдаги йиғилиш ўтмоқда.

- 5 Қишлоқ хўжалиқ машиналари кафедрасида агрозоо машғулоти нурғамали қуроллар асосида олиб борилади. Суратда: техника фанлари доктори, профессор М. Ғаниев студентларни дон энадиган селланнинг иш жарағини билан таништирмоқда.
- 6 Кимё кафедраси мудири, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор З. Саидносирова ва биология фанлари доктори, профессор Ф. Комилова.
- 7 Чет элликлар ўқийдиган рус тили кафедраси мудири, доцент Ш. Файзуллаева ажнабий студентлар группасида дарс беради.
- 8 Қишлоқ хўжалиқ машиналари кафедрасида студентларнинг мустақил машғулоти ҳам ўтказиб турилади. Суратда: агрономия факультетининг иккинчи курс студентлари Ж. Муқимов, Ҳ. Шеримбетов ва Б. Қурбонбоев ғўза қатор ораларига ишлов бериш мультиваторининг ўрнатилишини ўрганишмоқдалар.
- 9 «Гулшан» халқ миллий чолғу асбоблари ансамбли институтда донг тартган. Агрономия факультетининг учинчи курс студенти С. Қосимова ўзбекча рақс ижро этмоқда.

А. ЖДАНОВ ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари

## Фан — халқ хизматида

# ЕТУКЛИК САНАСИ

Республикамизнинг яна бир йирик илм даргоҳи — Тошкент Қишлоқ хўжалиқ институти ташкил топганига 50 йил тўлди. Бу маърифат ўчоғи 1930 йилдан буён 23 минг юқори малакали кадр етиштириб берди. Улар етуқлик мандатини қўлга киритган агрономлар, ўрмон хўжалиғи инженерлари, сув хўжалиғи мутахассислари, иқтисодчилар, бухгалтерлардир. Бугина эмас, институтнинг малака ошириш факультетида қолхоз ва совхозларнинг раҳбар ходимларидан 800 киши таҳсил кўрди. 8500 ходим эса малака ошириш курсларини битириб чиқди.

Институтни битирган мутахассис кадрлар қишлоқ хўжалиғини социалистик қайта қуришда фаол қатнашдилар. Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилдилар, ўзларининг ғоявий-сиёсий етуқликларини ҳар томонлама кўрсатдилар. Ана шу олий мактабни битирганлар орасида мингдан ортиқ фан кандидати ва фан доктори, икки Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва қирқ икки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ўнларча хизмат кўрсатган фан арбоби, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ва ўрмон хўжалиғи ходимлари, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи ва механизаторлар ҳамда академиклар етишиб чиққани билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Шу кунда 10 мингга ташкил этган студент ва ўқитувчилар коллективи

ёруғ ва шинам ўқув корпусларига, яхши жиҳозланган лабораторияларга, бой кутубхонага, билимларини амалий машғулотлар билан боғлайдиган йириккина ўқув-тажриба майдонига эгадир. Студентлар «оқ олтин» ҳосили йиғим-терими бошланган қизғин мавсумда далаларга отланиб, деҳқонга мадад бериш билан бирга Киров номидаги ўқув-тажриба хўжалиғида пахта ҳам етиштирадилар. Мутахассисларни амалий тайёрлайдиган ва илмий-тадқиқот ишларининг базаси ҳисобланган бу хўжалиқда ўтган йили гектаридан 34,5 центнер ҳосил кўтариб, давлатга қарийб 7 минг тонна пахта сотдилар.

Институт ўз интернационал бурчини ҳам шараф билан ўтаб келмоқда. Унинг 13 ихтисос бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган 9 факультети ва 55 кафедрасида социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг ёшлари таълим олмоқдалар. 1946—1979 йилларда олий ўқув юртига жаҳоннинг 45 мамлакатидан 514 ажнабий студент қабул этилди. Жумладан, 231 малакали мутахассис, 1 фан доктори ва 74 фан кандидати етишиб чиқди. 1976 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тингловчилар курси очилди. Бу йил курсларда 20 давлатдан келган 40 мутахассис иқтисодий ва қишлоқ хўжалиқ статистикасини ўрганадилар. Бундан ташқари 1979 йили малака ошириш факультети қошида ташкил этилган, Ироқ учун мутахассислар

тайёрлайдиган курсда машғулотлар самарали давом этмоқда.

Педагоглар коллективи ўқув-методик ва сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш борасида тинимсиз эзланмоқда. Айниқса, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ўзбек ва рус тилларидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аҳамияти жуда каттадир. 1935—1979 йиллар мобайнида институт олимлари ва ўқитувчилари томонидан пахтачилик, мевачилик, сабзавотчилик, узумчиликка доир 160 дарслик ва қўлланма ёзилди. Биргина 1980 йилда республикамизнинг «Ўқитувчи» нашриёти институт ўқитувчилари қаламига мансуб 20 ўқув қўлланмасини босиб чиқаради.

— Олий ўқув юртимиз ўқитувчиларини ўқув-тарбиявий тадбирлар билан бирга, — дейди институт ректори, профессор Эркин Турдиевич Шайхов, — катта илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб бормоқдалар. Ихтиролар пахтачиликка ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғининг бошқа тармоқларига татбиқ этилаётгани зўр амалий натижалар бермоқда. Олимларимизнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган илмий тадқиқотлари ҳар йили 5 ярим—6 миллион сўмлик самара келтирмоқда. Шунингдек, хўжалиқ шартномалари бўйича темаларни тадқиқ этиш фан билан ишлаб чиқариш алоқасини кучайтириш ва илмий-текширишлар самарадорлиғи

ни оширишнинг муҳим усулидир. 1964—1979 йиллар мобайнида хўжалиқ шартномаси бўйича 2 миллион сўмлик 196 иш бажарилди.

Олий ўқув юрти ректорати, партия комитети, комсомол комитети, жамоат ташкилотлари 1979 йил 29 июлда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини янада ошириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажариш юзасидан пухта тадбирлар белгилаб олганлар. Шу кунларда институт коллективи кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга, мутахассисларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга, уларнинг ишлаб чиқариш ва коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашга ҳар қачонгидан кўра эътиборни кучайтиргандир. Институтнинг аҳил ва ишчан коллективи Коммунистик партияимизнинг Июль (1978) ва Ноябрь (1979) пленумлари қарорларига амал қила бориб, қишлоқ хўжалиғида илмий-техника тараққиётини тезлаштириш йўлида ўз куч-қувватларини, билим ва ижодий истеъдодларини аямойдилар. Институтда таълим олган малакали мутахассис-кадрлар халқ фаровонлигини оширишда бундан кейин ҳам ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб борадилар.

Х. МУРОДОВ



3

7



4

8

9



5



6





ISSN 0134—2207

Баҳоси 30 тийин.  
Индекс 75233

